

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси



«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»
фанидан
ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси:	600 000	- Хизматлар соҳаси
Таълим соҳаси:	610 000	- Хизмат кўрсатиш соҳаси
Таълим йўналиши:	5610100	- Хизматлар соҳаси (ресторан иши)
	5610100	- Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш)

САМАРҚАНД – 2019

Ўқув услубий мажмуа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий Кенгашининг 2018 йил 27 августдаги №1-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Мутахассисликка кириш” фани дастури асосида ишлаб чиқилган

Тузувчилар:

- | | |
|----------------|---|
| И.Х.Шукуров | - СамИСИ, “Хизматлар курсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси мудир, т.ф.н. |
| З.Мамарасулов | - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси ассистенти |
| Д.Мирзаахмадов | - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси ассистенти |

Такризчилар:

- | | |
|-------------|--|
| Ж.С.Файзиев | - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси доценти, т.ф.н. |
| З.Равшанов | - Самарқанд шаҳар “Semrug’ Nur” МЧЖ директори |

Ўқув услубий мажмуа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳамда нашр учун тавсия этилган. Баённома №1, 2019 йил 30 август.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



**«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»
фанидан
(маъруза мавзулари бўйича ўқув материаллари)**

САМАРҚАНД – 2019

Мавзу 1. Ўзбекистон Республикасида таълимга оид меъёрий ҳужжатлар

Режа:

1. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари ва бу борадаги муаммолар.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари.
4. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари.
5. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели.

1. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимининг тубдан ислоҳ қилиш омиллари ва бу борадаги муаммолар

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилалишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти курмокда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбаарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги

шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этишни (1992 йил); янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни; ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 та лицей ва 136 та гимназия ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 73 та олий ўқув юртини, шу жумладан 22 университет ва 51 институтни ўз ичига олади, уларда 210 мингга яқин талаба таълим олмоқда; 22 университетнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 20,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан номзодларидир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳукукий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда. Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб 4 минг докторант бўлиб, улардан 69 фоизни олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олмоқда. Жами илмий ва илмий-педагог кадрларнинг 8 фоизини фан докторлари ва 37 фоизини фан номзодлари ташкил этади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди.

Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда.

Шунга қарамай, содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

Камчиликлар ва муаммолар. Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бири-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаётир.

Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаган.

Мактабгача таълим ва тарбия аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига камраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида талим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳам хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилна ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9-11-синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас. Ўрта мактаб битирувчиларининг 10 фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда, холос.

Мажбурий тўққиз йиллик таълимга асосланган ўн бир йиллик умумий ўрта таълим илмий асосланмагандир, у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил

фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланишини таъминламайпти. Ҳар йили таянч мактабларнинг 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-хунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолдирилмоқда.

Таълим тизимидаги мавжуд умумтаълим ва касб-хунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисликнинг йўқлиги сабабли, таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмай қоляпти. Натижада йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.

Ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти. Ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ холи бўлганича йўқ, уларда маънавий ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти.

Хунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услугий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилмоқда.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмайпти. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти.

Илмий масалалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилганлари йўқ. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазифалари белгилаб олинмаган. Ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминламайди.

Касбий-хунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда. Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд эмас, таълим тизимини кўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаган. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими қониқарсиз ишламоқда.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлидир. Мактабларнинг ўқитувчилар билан

таъминланганлиги ўртача 93 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77-80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмайди.

Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши «улғайиб» бормоқда. Республика олий ўқув юртларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшжагилари эса 79 фоизини ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшдадир.

Ислоҳ қилиш омиллари. Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

- республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- мамлакат иқтисодиёти туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом-ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаяётганлиги;
- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;
- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлигини, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний кадриятларига ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Ўзбекистон республикаси биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан дунёга келган таълимнинг «Ўзбек модели» халқаро миқёсида энг обрўли мутахассислар томонидан тан олинмоқда.

И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 29 август сессиясида сўзга чиқиб шундай деган эдилар: «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол амалга ошириляётган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меъросимизнинг кенг ўрганилиши,

анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожин билан узвий боғлиқдир».

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида кўрсатиб ўтилганидек жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга. Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим. Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим. Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

- бошланғич таълим (I-IV синфлар);
- умумий ўрта таълим (V-IX синфлар).

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учунасос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Олий таълим. Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим. Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Мактабдан ташқари таълим. Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари

мумкин. Мактабдан ташқари таълим муассасаларга болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

4. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари

Мазкур дастурнинг **мақсади** – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги **вазифалар** ҳал этилишини назарда тутди:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиликларни, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан

давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

- педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

- ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

- таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш, уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътибор олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) – Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истикболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

5. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- **шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

- **давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

- **узлуксиз таълим** – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

- **фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

- **ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлиги таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

Шахс. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-хунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутди.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш касб-хунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

Давлат ва жамият. Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи:

- фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;
- мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишга;
- давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;
- давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;
- таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дарс олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;
- таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жаҳатдан қўллаб-қувватлашга;
- соғлиқ ва ривожланишда нуқсони бўлган шахсларнинг таълим олишига кафолат берадилар.

Узлуксиз таълим. Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Кадрлар тайёрлаш тизимида дарс. Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун илмий натижалар жамланади;
- олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;
- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;
- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг масади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги вазифалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи у:

- турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;
- ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига кўмаклашади;
- муассис, васий, донор, хомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;
- таълим ва илм-фаннинг турли шаклларидаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантиради.

Мавзу 2. Хизматлар соҳаси таълим йўналиши бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

Режа:

1. 5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналишининг умумий тавсифи ва шу йўналишда кадрлар тайёрлашга заруриятнинг мавжудлиги.

2. 5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.

3. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари.

4. Бакалаврлар тайёргарлик сифатини назорат қилиш ва баҳолаш.

1. 5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналишининг умумий тавсифи ва шу йўналишда кадрлар тайёрлашга заруриятнинг мавжудлиги

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши Ўзбекистон узлуксиз таълим Давлат таълим стандартлари, олий таълимнинг Давлат стандартлари, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига киритилган. Бу таълим

йўналишлари бўйича кундузги ўқитиш шакли муддати 4 йил қилиб белгиланган. Ҳозирги мазкур таълим йўналиши бўйича ўқитишнинг сиртки шакли мавжуд эмас. Мазкур йўналиш бўйича ўқишни тугаллаган талабаларга «Бакалавр» академик даражаси берилади.

Мазкур йўналиш бўйича ўқиб “Бакалавр” академик даражасига эга бўлган шахслар касблар ва лавозимлар миллий классификаторларига мувофиқ олий маълумотли шахс эгаллаши лозим бўлган лавозимлар бўйича мустақил фаолият кўрсатишга, таълим йўналиши ҳамда турдош таълим йўналишларининг магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим олишни давом эттиришга, кадрлар қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга тайёрланган бўлишлари талаб этилади.

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг объектлари бўлиб сифат экспертизаси, ишлар ва хизматлар сертификацияси соҳасида фаолият юритадиган корхоналар, ташкилотлар ва шунингдек тижорат ва товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналар киради.

Мазкур йўналиш бўйича бакалавр касбий фаолияти турлари хилма-хил бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади: ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш-бошқарув, лойиҳа-таҳлилий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-тадқиқот.

Давлат таълим стандартларида кўрсатилганидек, товар экспертизаси хизматини ташкил этиш йўналиши бўйича бакалаврлар ўқишни тугаллагандан кейин икки йил магистратурада давом эттиришлари мумкин.

2. 5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар. Давлат таълим стандартида кўрсатилганидек бакалавр тайёргарлигига қуйидаги учта талаблар кўрсатилади:

1. Умумий малакавий талаблар.
2. Касбий малакавий талаблар.
3. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар.

1. Умумий малакавий талаблар:

1.1. Дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаган бўлиши: гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

1.2. Ватан тарихини билиши; миллий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиши ва илмий асолай олиши, миллий ғоя асосида фаол ҳаётий ўринни эгаллаши;

1.3. Табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиши;

1.4. Инсонлар орасидаги жамиятга, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятда ҳисобга ола билиши;

1.5. Ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, уларга ишлов бериш ва унумли фойдаланиш методларини эгаллаш, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиши;

1.6. Бакалавриятнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

1.7. Янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, ўзини такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

1.8. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бақувват ва спорт билан шуғулланиб бориш зарурати ҳақида илмий тасаввурга ва эътиқодга эга бўлиши, ўзини жисмонан такомиллаштиришнинг малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

2. Касбий малакавий талаблар:

2.1. Иқтисодий соҳада: иқтисодиёт ва унинг тармоқларининг ривожланиш қонунлари ва қонуниятларини муқамал билиши ва улардан фойдаланишни;

2.2. Сервис хизмати кўрсатиш соҳасида: товарларнинг сифат экспертизаси, ишлар ва хизматларни сертификатлаштириш ишларини амалга ошириши ва устуворлигини таъминлаш ҳамда ривожлантиришни амалга оширишни;

2.3. Тадбиркорлик соҳасида: турли мулк шаклларида эга қорхоналарни лойиҳалаш ва ташкил этишни, бозор эҳтиёжларини ўрганиш ва унинг талабаларини қондиришни билиши зарурлигини;

2.4. Молия-ҳисоб соҳасида: қорхонада ҳисоб ва ҳисоботларни аниқ олиб боришни, таҳлиллар тайёрлашни, бюджет ва нобюджет маблағларни қонунчилик доирасида ташкиллаштиришни, мажбурий тўловларни ўз вақтида ва сифати амалга оширишни;

2.5. Илмий соҳада: турли мулкчилик шаклидаги қорхона ва ташкилотларда сервис хизмати фаолиятини ташкил этиш бўйича намунавий усулларда илмий-амалий тадқиқот ўтказишни;

2.6. Таълим соҳасида: узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумоларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқув

машғулоларини ўтказиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этишни билиши керак.

3. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга кўйиладиган талаблар. - Бу талаблар гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар, математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар, иқтисослик фанлар бўйича талаблар, умумкасбий фанлар бўйича талаблар кабиларни ўз ичига олади.

3. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

Ҳар қандай таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурида вақт тақсимооти муҳим роль ўйнайди.

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълими дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича ўқишга мўлжалланган бўлиб қуйидаги вақт тақсимоотига эгадир:

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълими дастури таълимнинг кундузги шукли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, талаба ҳафталик ўқув юкмасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкмаси-28 соат гача, қолган соатлар ҳажми мустақил соатлар учун ажратилади.

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича таълим дастури 4 та фанлар блокинни ўз ичига оладиб

1. Гуманитар ва табиий-илмий фанлар.
2. Умумкасбий фанлар.
3. Иқтисослик фанлар.
4. Қўшимча (танлов) фанлар.

4.Бакалаврлар тайёргарлик сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат-олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқарувчи ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

яқуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича давлат аттестациясини ва битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат жамоат назорати олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилинишига, бакалаврнинг сифатига;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакаси талабларга тўла мос келишига;
- интеграллаштирилган курс фанларининг дастурларида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, яқка тартибда ишлаш ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг модий-техника таъминоти учун тўла масъулдир.

Мавзу 3. Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг структураси

Режа:

1. Олийўқувюртларибошқарувинингмарказий, ҳудудийорганларивауларнингвазифалари.
2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ташкилий тузилмаси.
3. Олий ўқув юртларининг факультетлари, кафедралари ва уларнинг вазифалари.

1. Олий ўқув юртлари бошқарувининг марказий, ҳудудий органлари ва уларнинг вазифалари

Олий ўқув юртларининг вазифаси халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Олий ўқув юртлари катта икки гуруҳга бўлинади: университетлар ва институтлар. Бугунги кунда Ўзбекистон олий мактаби тизимида 84 та олий ўқув юрти мавжуд. Шулардан 21 таси университетлар ва 63 таси эса институтлар ҳисобланади. Ана шу 21та университетларнинг 12 таси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Бу келтирилган маълумотлардан шу нарсани англаш мумкинки, олий таълим тизимида асосий массани институтлар ташкил этади.

Олий таълим ўрта махсус касб-хунар таълими негизига асосланади, ҳамда икки босқичга эга: бакалаврият ва магистратура.

Бакалавриятлар-мутахассисликлар йўналишлари бўйича фундаментал ва Амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Магистратура-аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Маълумки, олий ўқув юртлари бошқаруви мураккаб системани ташкил этади. Олий ўқув юртлари бошқарувининг бош органи Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисобланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш илмий-педагогик кадрларнинг малакасини ошириш, ўқув жараёнининг мазмунини такомиллаштириш, моддий-техника таъминотини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, тадқиқот ишларини юксалтириш билан боғлиқ масалаларни амалга оширишга раҳбарлик қилади. Шунингдек, бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларини, Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишни ташкил этади ва уларни тасдиқлайди. Республикада олий таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлашни Вазирлар Маҳкамасига киритади

Олий ва ўрта маъсус таълим вазирлигининг энг муҳим вазифаларидан бири меъёрий-техник ҳужжатларни, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзишни, нашр этишни ташкил этиш ҳисобланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларига раҳбарликни тўғридан-тўғри ва вилоят хокимликларидаги Оли йўқув юртлари бошқармалари орқали амалга оширади. Бизда бугунги кунда тармоқ Олий ўқув юртлари ҳам фаолият юритмоқда. Бу олий юртлари фақат ана шу тармоқ ёки вазирликлар тизими ва фаолияти учун кадрлар тайёрлаб беради. Масалан, қишлоқ хўжалиги институтлари ва тиббиёт институтларини шу гуруҳга киритиш мумкин. Бу олий ўқув юртлари фаолиятини координация қилиш олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан ташқари тармоқ вазирликлари зиммасига ҳам юклатилди.

Олий ўқув юртининг тури, категорияси ва мутахассислар тайёрлаш шаклига қараб ўзининг структурасида филиаллар, факультетлари, бўлимлари, кафедралари, ўқув-консултация пунктлари, лабораториялари, ахборотресурс марказлари, ўқув-ишлаб чиқариш ва экспериментал базаларига, устахоналари, компьютер маркази, босмахона, спорт-соғломаштириш лагерлари ва бошқа бўлинмаларига эга бўлади. (2-расм).

Олий ўқув юртининг бутун фаолиятига раҳбарлик институт ректорига юклатилади. Ректор институтнинг ҳолати ва фаолияти учун бирдан-бар жавобгар шахс ҳисобланади.

Ректор кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув режалари, дастурлари, илмий-тадқиқот ишлари режалари маърузалар, лаборатория ва амалий дарсларнинг сифати, амалиётлар ва талабаларнинг мустақил ишлашини ташкил этишни назорат қилади.

2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтинингташкилий тузилмаси

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги 144 сонли қарорига биноан Самарқанд кооператив институти негизида ташкил этилди. Маълумки, олий ўқув юртлирида ўқув жараёнларининг самарали ташкил этилиши ташкилий-бошқарув жараёнининг нечоғлик тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир.


Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида иқтисодиёт ва менежмент, банк ва молия хизматлари, сервис ва туризм факультетларида 13 та бакалавриат йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда. Бу таълим йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. 5111008 – «Касб таълими: бухгалтерия ҳисоби ва аудит».
2. 5111017 – «Касб таълими: иқтисодиёт».
3. 5230100 – «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)».
4. 5230600 – «Молия»
5. 5230700 – «Банк иши»
6. 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит».
7. 5230400 – «Маркетинг (туризм)».
8. 5230200 – «Менежмент (туризм)».
9. 5231700 – «Кадрлар менежменти».
10. 5610100 – «Хизматлар соҳаси (ресторан иши)».
11. 5610100 – «Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш)».
12. 5610200 – «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш».
13. 5610300 – «Туризм (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)».

Олий ўқув юртининг факультети тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5-декабр 343 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Факультет олий ўқув юртининг ўқув-илмий вамаъмурий тармоғи ҳисобланиб, кадрлар тайёрлаш мўллий дастурига мувофиқ тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талаба, аспирант ва докторантларни тайёрлаш ҳамда иқтисод, соғлиқни сақлаш ва маданиятга тегишли соҳаларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларни малакасини ошириш, шунингдек, кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланади.

Олий ўқув юртининг факультети таълим, фан ва ишлаб чиқаршни интеграллаштириш мақсадида йирик корхона ва муассасалар қошида ҳамда белгиланган тартибда тузилган битим асосида хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилиши мумкин.



4. Олий ўқув юртларининг факультетлари ва уларнинг вазифалари

Факультет ишига раҳбарликни факультет декани амалга оширади. Факультет декани, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, олий ўқув юрти ректори томонидан профессор ёки тажрибали доцентлар сафидан тайинланади. Декан лавозими мустақил штат лавозими ҳисобланади ва уни ўриндошлик тартибида эгаллашга йўл қўйилмайди.

Факультет деканининг асосий вазифалари:

- факультетда ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва илмий-услубий ишларига бевосита раҳбарлик қилади;

- олий ўқув юрти илмий кенгаши қарорларининг бажарилишини кузатади ва ўз қарорларининг (факультет кенгаши) бажарилишини назорат этади;

- ўқув тарбиявий жараён, талабаларнинг малакавий иши ва амалиёти устидан назоратни амалга оширади;

- ўқув машғулоти жадвалини тузишда раҳбарлик қилади ва унинг бажарилиши устидан назорат ўтказиши, талабалар давомати учун масъул ҳисобланади;

- талабаларнинг мустақил ишлаши, шунингдек, уларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этади; талабаларни кундан курсга ўтказиш тўғрисида буйруқ лойиҳасини тайёрлайди, уларни давлат аттестациясига ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилишга киритади; факультетда хорижий талабалар мавжуд бўлган ҳолларда, улар билан ишлаш ўқув юртининг халқаро бўлими билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

- иқтидорли талабаларни излаш ва улар билан ишлаш, уларни «Улуғбек», «Умид» жамғармалари, номли стипендиялар ҳамда фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалар танловида иштирок этишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ташкил этади;

- амалдаги низомга мувофиқ факультет талабаларига стипендия тайинлаш бўйича тақдимнома беради;

- аспирантларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради, алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларни турли танловларда («Устоз», «Умид» ва ҳоказо) иштирок этишлари тавсия этади;

- факультет таркибига кирувчи кафедраларнинг фанлари бўйича, шу жумладан хорижий оимлар билан ҳамкорликда дарслик, ўқув ва услубий қўланмаларни тайёрлашда умумий раҳбарликни амалга оширади, компьютер совдхонлиги бўйича машғулоти ташкил этади;

- «Йилнинг энг яхши факультети» унвони учун, ҳар йили ўтказиладиган кўрик-танловда факультет иштирокини ташкил этади;

- факультет кенгашига раҳбарлик қилади, кафедралараро йиғилишлар, илмий ва илмий-услубий конференцияларни (шу жумладан хорижий мутахассислар иштирокида) ташкил этади;

- олий ўқув юртининг маркетинг хизмати билан ҳамкорликда корхона ва муссасаларнинг факультет чиқараётган малакали мутахассисларига бўлган эҳтиёжни ўрганади, шунингдек, педагог кадрлар, талабалар ва илмий ахборотлар билан ўзаро алмашиш учун бошқа таълим муассасалари билан алоқаларни ўрнатади;

- таълим хизматларини ташкил эти шва амалга оширишга жавоб беради, бюджетдан ташқари мабағларни топи шва улардан ўқув мақсадларида фойдаланиш йўллари кидиради;

- факультет «Маънавият» марказининг ишига раҳбарлик қилади, маънавий-маърифий ишларни ўтказди, жу младан, талабалар уйларида (ётоқхона);

- факультетни тамомлаганлар билан алоқа ўрнатилади, уларнинг амалий ишлари сифатини таҳлил қилади;

- факультет ихисослиги бўйича халқ хўжалигида банд бўлган олий маълумотли мутахассисларнинг малака оширишини ташкил этади;

- ўз ваколати доирасида факультетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа ўқувчилари учун мажбурий бўлган фармойиш ва кўргазмаларни чиқаради.

Низом бўйича факультет декани олий ўқув юрти илмий кенгашининг аъзоси, Давлат аттестация комиссиясининг аъзоси, олий ўқув юрти қабул комиссиясининг аъзоси ҳисобланади.

Факультет декани ҳар йили олий ўқув юртининг илмий кенгашида ўтган ўқув йилида амалга оширилган ўқув тарбиявий, илмий ва илмий-услубий ишлар бўйича ҳисобот беради ва факультет фаолиятининг натижалари бўйича тўла масъулиятни ўзига олади.

Кундузги ўқув шаклида талабалар сони 150 дан 300 гача бўлган ҳолатда, факультет деканига ёрдам тариқасида 0,5 штат бирлигига эга бўлган декан мувоини штат вазифаси киритилади. Талабалар сони 300 дан ортиқни ташкил этганда, келгуси ҳар 150 кишига қўшимча равишда 0,5 штат бирлиги берилади.

Сиртки факультетларда талабалар сони 500 дан ортиқ бўлганда декан муовини лавозими белгиланади.

Декан муовинлари, аксарият ҳолларда, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахслар сафидан, факультет деканининг тавсиясига кўра, олий ўқув юртининг ректори томонидан тайинланади.

Факультет фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун декан қошида факультетнинг илмий кенгаши ташкил этилиши мумкин.

Факультетлар, олий ўқув юрти илмий кенгашининг қраори асосида, ректорнинг буйруғи билан қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Олий ўқув юртларининг кафедралари Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълими вазирлигининг 1998 йил 5-декабр 343-сонли буйруғи билан тасдиқланган. «Олий ўқув юртлари кафедралари тўғрисида»ги низом асосида фаолият юритади.

Кафедра олий ўқув юрти (факультет) тузилишидаги, бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув-услубий ва илми-услубий ишларни амалга оширувчи, талабалар орасида маънавий-маърифий ишларни олиб борувчи, шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи, асосий тармоқ ҳисобланади.

Кафедра факультет деканига ёки бевосита ректорга бўйсинади.

Кафедрани одатда профессор унвонига ёки Фан доктори илмий даражасига эга бўлган, белгиланган тартибда шу вазифага сайланувчи, кафедра мудирини бошқаради. Кафедра таркибига профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ассистентлар, катта ва кичик илмий ходимлар, докторант ва аспирантлар, шунингдек, стажёрлар, инженер-техник ва ўқув-ёрдамчи ходимлари киради.

Кафедра мудирини, олий ўқув юртининг барча тармоқларида кафедра фаолиятига тегишли масалалар муҳокама ва ҳал этилишида иштирок этади; кафедра иш режаси, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини ва кафедра фаолияти доирасидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди; кафедра ходимларининг педагогик юкларини бўлади ва ходимларининг функционал вазифаларини белгилайди ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилади; кафедрага ишга олиш, ишдан бўшатиш ва ходимларни янги вазифаларга тайинлаш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, интизомий чора кўриш тўғрисида олий ўқув юрти раҳбариятига белгиланган тартибда таклифлар киритади; олий ўқув юртининг егишли хизмат тармоқларидан ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнини ўтказиш учун зарурий бўлган шароитларни таъминлашни талаб этади. Кафедра мудирининг шахсий режаси олий ўқув юртининг ректори ёки факультет декани томонидан тасдиқланади.

Кафедра фаолияти учун шахсий масъулият кафедра мудирини юклатилади. Кафедра мудирини раҳбарлик қилаётган кафедранинг иши бўйича ҳисоботнинг муддат ва шакллари белгиланган тартибда оли йўқув юртининг ректори томонидан белгиланади.

Кафедранинг иши, ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий, тадқиқот, тадқиқот ва бошқа иш турларини қамраб олган, истиқболлий ва жорий (йиллик) режаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу режалар ва кафедра фаолиятига тегишли бошқа масалаларнинг бажарилиши, кафедра профессор-ўқитувчиларининг иштирокидаги кафедра мажлисларида, кафедра мудирининг раислигида муҳокама этилади. Кафедра мажлисларига кафедранинг бошқа ходимлари ёки бошқа кафедрадан ва олий ўқув юртларидан (хорижийларнинг ҳам) ходимлар таклиф этилиши мумкин.

Кафедра зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларида белгиланган маърузалар,

лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш; талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига (ишларига), битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига, шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш; талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш; талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

- дарслик, ўқув, услубий ва кўрғазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топшириғига биноан қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммулликда яратилганларга хулосалар тузиш; нодавлат таълим муассасаларининг буюртмалари бўйича зарурий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

- иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда, жумладан, «Умид» жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил тайёрланиш шакл ва услубларини такомиллаштириш; аудитория ишларини оптимизициялаштириш ҳисобига мустақил тайёрланиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўриш;

- тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, тугатилган илмий ишларни нашр этишга тавсия бериш; таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш; талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- кафедра ходимларининг шахсий режаларидаги ўқув, ўқув-услубий ва тарбиявий ишларини кўриб чиқиш; тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, янги педагогик технологияни жорий этиш; педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ўқитувчиларга педагогик моҳирликни эгалшага ёрдам бериш; ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида замонавий ўқув техника воситаларидан ва яқка тартибда ўқитиш, мустақил таълим олиш воситаларидан фойдаланиш, масофали таълим тизимини ривожлантириш; хорижий ўқув юртларининг иш тажрибасини ёритиб бориш;

- рақобатбардош ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш; кафедра аъзолари ёки ректорат топшириғига биноан бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳимояга тақдим этилган диссертацияларни кўриб чиқиш; таълим

хужжатларининг эквивалентлигини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибида иштирок этиш;

- бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақадида саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, кооперативлар, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

- олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада аспирантурани ўтаганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

- кафедра профили бўйича мутахассислар малакасини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш; таълим хизмати кўрсатиш тизимини кенг ривожлантириш;

- хорижий ҳамкорлар, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш.

Кафедра, камида бешта ўқитувчи мавжуд бўлганда уларнинг бири, одатда профессор илмий унвони ёки фан доктори илмий даражасига ва камида иккита фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга бўлганда ташкил этилади. Жисмоний тарбия, чет тиллари(нолисоний олий ўқув юртларида), графика ва чизмачилик, расм ва мусиқа кафедралари эса, одатда, камида икки ўқитувчи илмий даража ёки унвонга эга бўлган тақдирда, ташкил этилади.

Кафедра, ўқув-тарбиявий ва илмий жараённи таъминловчи, ўқув ва илмий лабораторияларга, кабинетларга, марказларга ва бошқа тармоқларга эга бўлиши мумкин.

Мутахассис чиқарувчи кафедра, зарурий ҳолларда, корхона ёки ташкилот ҳудудида жойлаштирилган филиалга эга бўлиши ва уларнинг моддий-техника базасидан фойдаланиши мумкин.

Кафедра филиалида штатдаги ўқитувчи ва ходимлар каби, ўриндошлик бўйича жалб этилган, корхона ва ташкилотнинг етакчи мутахассислари ишлайдилар.

Кафедра филиалига раҳбарлик қилиш, кафедра мудирининг тақдимномасига биноан ва мувофиқ корхона ёки ташкилот билан келишилган ҳолда, олий ўқув юртининг ректори томонидан филиал ташкил этилган корхона ёки ташкилотнинг етакчи мутахассисларидан бирига, одатда, илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлган ва кафедрада штат ўриндошлиги шартида ишлаётган шахсга топширилади.

Кафедра филиалига раҳбарлик қилиш бўйича ишлар, ректорнинг топшириғи бўйича ташкилий-услубий ишлар сифатида, ўқитувчининг шахсий режасида ҳисобга олинади.

Кафедра филиали барча турдаги ишлари бўйича белгиланган муддатларда мувофиқ кафедра олдида ҳисобот беради.

Кафедра, олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарори асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади ва тугатилади.

Кафедранинг тузилиши ва унинг штатлари олий ўқув юртининг ректори томонидан тасдиқланади.

Олий ўқув юрти кафедраларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва илмий ходимлари лавозимларига сайлаш “Олий ўқув юртлари педагогик ходимларини ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган тартибда танлов бўйича амалга оширилади.

Кафедрада қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

- ўқув, илмий-тадқиқот, услубий ва тарбиявий ишларни қамраб олган иш режалари;
- талабаларда фатанпарварлик, ўз ватани билан фахрланиш, бой миллий анъаналарга, халқ меросига ва умуминсоний кадриятларга ҳурматни шакллантириш бўйича “Маънавият” Марказларида, Талабалар уйларида ўтказиладиган тадбирларнинг режалари;
- кафедра фанлари бўйича амалдаги ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатлар;
- анкета маълумотларига эга бўлган кафедра таркибининг рўйхати (докторант ва аспирантлар учун тадқиқотнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак);
- мажлислар баённомаси.

АҚШда Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқитувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат харажатлариникўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидага федерал қонунга кўра улар молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.¹

Лавозимларни эгаллаш учун ўқитувчиларни танлаш бўйича кафедра ва илмий кенгаш мажлислари очик тартибда ўтади. Танловда қатнашувчиларга уларнинг номзодлари муҳокама қилинадиган кафедра ва илмий кенгаш мажлисларида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишига кўра кафедра ёки илмий кенгаш қарори билан танишиш ҳуқуқи берилади.

Илмий кенгаш котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равишда хабардор қилади.

Олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашининг қарори, агар у ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса, узил-кесил ҳисобланади.

¹John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

5. Олий ўқув юртларида ташкил этилган «Ёшлар иттифоқи» Ўзбекистон Республикаси ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мақсади ва вазифалари

Маълумки, мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънан етук, дунёқараши теран, мустақил фикирловчи, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган фуқораларини вояга етказишга ҳар тамонлама кўмаклашишда «Ёшлар иттифоқи» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон «Ёшлар иттифоқи» ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимиз ёшларини ихтиёрийлик, ошкоралик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойили асосида бирлаштирадиган нодавлат ва нотижорат ташкилотидир. Ҳаракат ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ўзининг уставига мувофиқ амалга оширади. Ҳаракатнинг асосий мақсади мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, миллий ғоямизга таянган ҳолда мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикирловчи, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган ёшларни вояга етказишга ҳар тамонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлоднинг инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлашга, халқимизнинг обрўси ва нуфизини, юртимизнинг шон-шухратини оширишга хизмат қиладиган узоқ муддатли кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир. Ҳаракатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини белгилашда ва амалга оширишда, фуқоралик жамиятини барпо этишда қатнашиш;

- ёшларнинг ғайрат-шижоати, билими, иқтидори ва салоҳиятига таянган ҳолда ҳар бир йигит ва қизнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган интилиш, изланиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишига эришиш;

- ёш авлодни миллий ғояларимизга садоқат, Она диёрга меҳр-муҳаббат, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини муҳофаза этишдек улуғ ва олийжаноб мақсадлар, этикод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган ташкилий, тарбиявий тадбирларнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш;

- ёшларнинг халқаро ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, фаол фуқаролик ва фидойи ватанпарварлик позициясини камол топтириш;

- барча таълим-тарбия муассасаларида, аҳоли турар жойлари, ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий муҳитнинг аҳволини, ёшларнинг кайфиятини, мақсад ва муддаоларини ҳисобга олган ҳолда ижобий анъана ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга, ёшларнинг онги ва дунёқарашига таъсирини таҳлил этиш, нуқсонларни бартараф этишнинг самарали чораларини кўриш;

- маънавий-мафкуравий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлигини, мунтазамлигини, самарадорликка асосланишини таъминлаш, яъни маъруза, суҳбат, баҳс-мунозаралар, семинарлар ва конференциялар, оммавий маданий ва спорт тадбирлари, оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг; қабул қилинаётган Қонунлар, Қарорлар ва Фармонларнинг моҳиятини ёшларга тезкорлик билан етказиш ва кундалик фаолият дастурига айлантириш;

- ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, ёшлар қатламларининг талаб ва эҳтиёжларини, миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида олиб бориладиган маданий-маърифий тадбирларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ўзбек халқининг бебаҳо маънавий меросидан ёшларимизнинг мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига, уларнинг манна шундай маънавий муҳитда камол топишига эришиш;

- жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапарастликнинг барча кўринишларига, юрт тинчлиги ва осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг иймон-эътиқоди ва ишончига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва назарияларга қарши курашиш;

- турли тўғарақлар, ижтимоий ёрдам марказлари, клублар орқали ашларни касбга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор иқтисодиётининг тамойилларини ўрганишлари ва ўз соҳасининг етук эгалари бўлиб етишишларига кўмаклашиш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болалар мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини, болалиқдан ногирон ўсмирлар ва ёшларни оталиққа олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ҳунар ўрганиш, иш билан таъминлашга, ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис этишларига кўмаклашиш;

- ёшларнинг жаҳон фани ва маданияти, замонавий технологияларни пухта ўзлаштириши орқали миллий фан ва маданиятни замонавий тараққиёт чўққисига кўтаришга ёрдамлашиш;

- ёшларга Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқлари аҳамиятини англашиш орқали уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш;

- ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ёўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, айна пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини англаган ҳолда яшаши, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

- ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклда бузилишига, ҳаётимизда учрайдиган иллатлар-порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик, гуруҳбозлик, мансабпарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқий нопокликка, қонунбузарликнинг барча кўринишларига, хориждан кириб келаётган миллий маънавиятимизга ёт бўлган зарарли удумларга, ахборот хуружларига қарши ёшларнинг кескин ва муросасиз муносабани шакллантириш;

- ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшлар ва болаларни ақлий, ижодий ва жисмоний жиҳатдан камол топтиришга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

- ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишга қаратилган дастурларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг шу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

- давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек халқаро ва хорижий ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ва ёш оилаларга турли йўналишда маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиладиган, руҳий, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда маслаҳат берадиган, касб-хунар танлашда ва ишга жойлашишда, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштиришда ёрдам берадиган, касб-хунар танлашда ва ишга жойлашишда, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштиришда ёрдам берадиган ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қиладиган тармоқларни кенгайтириш;

- ёшларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш, ҳарбий хизматга тайёрлаш йўналишларида ишни ташкил этишнинг амалий тизимларини яратиш;

- таълим, Фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳаларида кўзга кўринарли ютуққа эришган истеъдодли ва иқтидорли ёшларни рағбатлантириб бориш.

Маву 4. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш

Режа:

1. Олий ўқув юртларида талабаларни ўқитишнинг ўзига хос-хусусиятари.
2. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этишда қўланиладиган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни.
3. Мутахассисликнинг малакавий тавсифи.
4. Мутахассис тайёрлашнинг ўқув режаси ва унинг мазмуни.

1. Олий ўқув юртларида талабалар ўқитишнинг ўзига хос-хусусиятлари

Олий ўқув юртларига кириб ўқиш ҳар бир фуқаронинг конституцион ҳуқуқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 41-моддасида шундай дейилган: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». Лекин, талаба олий ўқув юртига киргандан кейин яхши ўқиш ва олий ўқув юртининг ҳамма талабларига жавоб бериш унинг бирдан бир бурчи ҳисобланади.

Олий ўқув юртларида ўқув йили икки семестрга бўлинади ва уларнинг ҳар бири талабалар билимини рейтинг назорати асосида баҳолаш билан тугалланади.

Олий ўқув юртларида ўқув ахборотлари талабаларга интенсив ва замонавий педагогик технологиялар асосида етказиб берилади. Ўқув режасида кўрсатилган ҳамма фанлардан талабалар маъруза, амалий ва лаборатория дарсларига қатнашиши зарур. Агар мактабларда ўқувчиларнинг билимини ҳар куни сўровлар асосида текширилиб баҳоланса, олий ўқув юртларида эса талабалар билимини назорат қилиш асосан фаннинг бўлимларини ёки ҳамма маъруза ва лаборатория-амалий дарсларни тугтгандан кейин ўтказилади. Лекин, бундан талабалар келгуси дарсларга тайёрланиши, ўтган материалларни қайтармайдилар деган фикр пайдо бўлмаслиги керак. Албатта бундай фикр хато ҳисобланади. Бундай ҳолатда талаба семестрнинг охирида бир ҳафта ичида етарли билимини олиб улгурмайди. Шу сабабли ҳам рейтинг назорати асосида талабалар билими баҳоланади. Айниқса, жорий назоратларда лаборатория амалий дарсларни ўтиш жараёнида талабалар билими баҳоланиб борилади.

Олий ўқув юртларида талабалар ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётини илғор корхона ва ташкилотларда ўтадилар.

Олий ўқув юртларида билим олиш ва амалий кўникмаларини шакллантириш талабаларнинг мустақил ишларига ҳам асосланади.

Олий ўқув юртларининг талабалари коллеж, лицей ўқувчиларидан фарқли ўлароқ кўпроқ даражада илмий-тадқиқот ва жамоатчилик ишларига жалб этилади. Олий ўқув юртларида таълим олишнинг ўзига хос-

хусусиятларидан яна бири бу ерда талабаларга давлат бюджети ёки контракт шартномаси асосида ўқишдан қатъий назар стипендия тўланади. Стипендия миқдори талабанинг «Ўрта» ва «Аъло» баҳоларга ўқишига қараб белгиланади.

Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ўқишнинг кундузги ва сиртқи ўқув шакллари тарзида олиб борилади. Лекин, асосий ўқув шакли кундузги ўқув шакли ҳисобланади.

Кундузги ўқув шакли бўйича ўқитаётган талабаларга қуйидаги ўқув дарслари белгиланади: маъруза, лаборатория дарслари, амалий дарслар, семинар дарслари, амалиёт (танишув, ишлаб чиқариш, битирув олди), курс ишлари, консультация, талабалар мустақил иши. Маъруза ва лаборатория-амалий дарслар махсус жиҳозланган аудиторияларда ўтказилади. Буларни аудиториядарслари деб аталади.

АҚШ дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар олий таълим тизимини ташкил этади.

АҚШда бошланғич ўрта ва олий ўқув юртларидан ташқари бир — биридан фарқ қилувчи «Ихтисос мактаблари» ва «турли» мактаблар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб турли фирма, концерн ва синдикатлар учун қисқа вақтли курсларда тикувчи, ошпаз, ҳисобчи, машинкада ёзувчи, автотехник, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур тузувчилар ва бошқа зарурий касблар ўргатилади. АҚШда ҳам турли хорижий тилларни ўргатишга ихтисослаштирилган мактаблар мавжуд.²

2. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган меъёри йхужжатлар ва уларнинг мазмуни

Маълумки, бўлғуси мутахассисларнинг сифати ўқув жараёнини ташкил эти шва ўтказишга жуда ҳам боғлиқдир. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил эти шва ўтказиш бир қанча меъерий хужжатлар асосида олиб борилади. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил эти шва ўтказиш бир қанча меъерий хужжатлар асосида олиб борилади. Бу меъерий хужжатларда ўқиш муддати, ҳажми, фанларни сони, фанларни ўқитишнинг кетма-кетлиги, бўлғуси мутахассисларнинг билим даражасига талаблар, ўқув жараёнини ташкил эти шва ўтказиш, битириш ишларини бажариш тартиби, давлат имтиҳонларини қабул қилиш тартиби ва ҳоказолар ўз аксини топади.

Меъерий хужжатлар бакалавриат йўналишлари ва фанлар бўйича бўлади.

Мутахассисликлар бўйича меъерий хужжатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мутахассиснинг квалификацияон тавсифи;
- мутахассиснинг намунавий ўқув режаси;

²John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education:Handbook of Theoryand Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

- мутахассисликнинг ишчи ўқув режаси;
- муҳим фундаментал ва умумқасбий фалардан узлуксиз таълим режаси;
- талаба амалий тайёргарлигининг узлуксиз дастури;
- аудитория дарслари тақвим жадвали;
- аудиториядан ташқари мустақил ишлаш жадвали;
- битирув ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- магистрлик диссертацияларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- фанлар бўйича меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жадвали ва ҳоказолар.

Фанлар бўйича меъёрий ҳужжатлар эса ўз ичига қуйидагиларни олади:

- фаннинг намунавий ўқув дастури;
- фаннинг ишчи ўқув дастури;
- асосий дарсларни ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар;
- рейтинг тизимининг моҳияти ва уни ўтказиш тартиби;
- фанлардан мустақил иш бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- талабалар билан индивидуал ишлаш жадвали ва бошқалар.

Бакалаврият йўналишлари ва магистрлик мутахассисликлари бўйича меъёрий ҳужжатлар олий ўқув юрти деканатларда, фанлар бўйича эса кафедраларда жамланади. Бу ҳужжатлар бўлғуси талабаларни назарий ва амалий ўқитиш, уларнинг мустақил ишларини ташкил ҳтиш бўйича раҳбарлик ва услубий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

3. Мутахассисликнинг малакавий тавсифи

Мутахассиснинг квалификацион тавсифи энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжат ўқув жараёнини режалаштириш, мутахассисларларнинг халқ хўжалиги тармоқларида истиқболни белгилаш, олий ўқув юртларида ўқув-тарбиявий ишларини ташкил эти шва амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

«5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)» таълим йўналишини тугаллаган бакалаврлар сифат экспертизаси, ишлар ва хизматлар сертификацияси соҳасида фаолият юритадиган корхоналар ва ташкилотларда, шунингдек тижорат ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар ва ташкилотларда фаолият кўрсатади.

Мутахассиснинг квалификацион тавсифи асосида мутахассисликнинг намунавий ўқув режаси, фанларнинг намунавий ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар яратилади ва тасдиқланади. Шунингдек, ўқув фанларидан дарс ўтишга талаблар, талабалар билим даражасини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади, ўқитишнинг мазмуни аниқланади ва лаборатория ва кабинетлар керакли ўқув ва илмий жараёнлар учун зарур бўладиган ускуналар, приборлар билан жиҳозланган

Мутахассиснинг квалитацион тавсифи илмий-техникавий прогресснинг ривожланиш даражасининг ҳозирги замон ва келгусидаги ҳолатини ҳисобга олиши керак. Шу сабабли ҳам мутахассиснинг квалитацион тавсифи вақти-вақти билан қайта кўриб турилади.

4. Мутахассис тайёрлашнинг ўқув режаси ва унинг мазмуни

Ўқув режаси – бу давлат ҳужжати ҳисобланиб, олий таълим муассасаси шу асосда олий малакали кадрларни тайёрлашни амалга оширади. Ўқув режалари ҳар бир мутахассислик учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда «5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)» йўналиши бўйича дакалаврлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 24-июн 2014йилда тасдиқланган ўқув режаси асосида олиб борилади. Бу ўқув режалари ҳукуматимизнинг кадрлар тайёрлаш бўйича Оли йтаълим муассасаларининг олдига қўйилган вазифаларни бажаришига қаратилган. Шу сабабли ўқув режалари олий таълим муассасасида ишлаётган ходимлардан ўқув дарсларини ўтишнинг традицион ва ҳозирги замон усулларини такомиллаштиришни, янги педагогик технологияларни қўллашни, дарсларни олиб боришни ишлаб чиқариш шароитига яқинлаштиришни, олий таълим муассасасининг ишлаб чиқариш билан алоқасини яхшилашни ўқув жараёнида фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни талаб этади. Бундай шароитда талабалар вақт бюджетидан унумли фойдаланиш ва режалаштириш, дарсларнинг интерфаол усулларини қўллаш, ўқув жараёнининг бориши устидан самарали назорат усулларини жорий этиш, намунавий ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқаришнинг сифатини ошириш, ўқиш натижасига талабалар масъулиятини ошириш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш муҳим ҳисобланади.

Му тахассислар тайёрлашнинг ўқув режаси олий таълим муассасаси ходимлари ва амалиёт мутахассислари ёрдамида тайёрланади. Ўқув режа ўз навбатида ўқитиладиган фанларнинг рўйхати, бутун йил давомида талабанинг бажарадиган иш ҳажмидан ташкил топади. Умумий иш ҳажмида талабанинг аудитория дарслари ҳажми, мустақил таълим соатлари айрим-айрим ҳолда кўрсатилади. Шунингдек ўқув режада ўқиш муддати, ҳар семестрда ҳафталар сони, фанлар бўйича соатлар тақсимооти келтирилади.

Намунавий ўқув режасида жами ўқитиладиган фанлар мажбурий ва қўшимча ўқитиладиган фанларга бўлинади. Мажбурий ўқитиладиган фанлар збекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан белгилаб борилади. Қўшимча фанларни эса бакалавриат йўналишларининг турига қараб олий таълим муассасаси томонидан белгиланади. Институт томонидан киритиладиган қўшимча фанларнинг ҳажми талабанинг жами ўқув вақтининг 15% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўқув режасидаги асосий фанлар Гуманитар ва ижтимоий фанлар, математик ва табиий- илмий фанлар, умумқасбий фанлар, Ихтисослик фанлар, қўшимча фанлар ва танлов фанларга бўлинади. Намунавий ўқув режаси асосида ўқув фанларининг ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бу ўқув дастурларида маъруза ва лаборатория-амалий дастурларининг ҳажми, мавзулар ва уларнинг мазмуни келтирилади. Ўқув фанининг намунавий дастури дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Мавзу 5. Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли

Режа:

1. Маъруза дарслари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли.
2. Лаборатория ва амалий дарслар.
3. Мутахассислар шаклланишида битирув малакавий ва курс ишларининг аҳамияти.
4. Педагогик технологиялар ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги аҳамияти.
5. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими.

1. Маъруза дарслари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли

Олий ўқув юртларида ўқувчиларга ўқув ва илмий-техник ахборотларни етказишнинг бир неча хил усулларидан фойдаланилади. Шуларнинг энг асосий шаклларидан бири маърузалар ҳисобланади. Вақт нуқтаи назаридан олганда ва таъсир кучи бўйича маъруза усули ўрин алмаштирайдиган усуллардан бири ҳисобланади.

Маъруза бу- ўқитувчи томонидан ўқув, илмий, илмий-услубий ва бошқа материалларни систематик ва кетма-кетликда оғзаки баён этишдан иборатдир. У бошқа дарсларнинг ҳам асосий мазмунини ифодалайди. Яхши ўқилган маъруза дарси талабанинг билимга интилишини юксалтиради ва бу билимларни эгаллашда фаоллигини оширади. Маъруза маълум фан соҳасида унинг назарий ва амалий йўналишлари билан таништиради, талабаларнинг мутақил иш йўналишларини белгилайди, илмий ижод қилиш қобилиятларини ривожлантиради, илмий муаммоларга муносабатини шакллантиради.

Маъруза ўз фикрини, илмий муаммо бўйича тавсияларини аниқ баён этишни, дарслик, илмий-техник ва маълумотнома адабиётлари асосида ишлашни ўргатади ва шу асосда бўлғуси мутахассисларнинг ишларга ижодий ёндашишига асос яратилади.

Маъруза ҳамма ўтиладиган фанлардан ўқилади. Маъруза ўз мақсадига эришишни ва қўйилган вазифани бажариш учун юқори малакали мутахассислар-профессорлар ёки доцентлар томонидан ўқилади. Шу сабабли маъруза фақатгина дарслик ёки ўқув қўлланмадаги материалларни баён қилиш эмас, балки ўқитувчининг шахсий ижод маҳсули ҳисобланади.

Ўқитувчи маърузага эртан маъруза ўқийман деган куни эмас, балки ўзининг бутун фаолияти давомида тайёрланиб боради. Шу сабабли маъруза ўқитувчининг малакавий даражасини ва ўқитувчининг педагогик маҳоратини ўзида акс эттиради. Маърузада маърузачи фақат фаннинг фундаментини баён этиб қолмасдан, балки ўзининг илмий ғоясини ўрганилаётган объектга ўзининг муносабатини ҳам баён этади. Агар талаба маърузага қатнашмасдан, маърузачининг жонли чиқишини кўрмасдан туриб, материалларни дарслик ва ўқув қўлланмалардан ўқиб оламан деб фикр юритса, албатта бундан талаба жуда катта хатога йўл қўйган бўлади.

Яхши маъруза – бу аудиторияда маърузачи ва талабанинг биргаликдаги ижодий иши маҳсули ҳисобланади. Маърузани эшитиш учун талаба тайёр ҳолда келиши керак. Агар у касал, чарчаган, яхши ухламаган, ўз вақтида нонушта қилмаган ҳолда келса, у ҳолда бундай талабани маърузада «қатнашмаган» деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, у дарс жараёнида ҳеч нарсани ўзлаштириб олмайди. Умуман олганда талаба маърузани эшитиш ва ўзлаштиришга психологик жиҳатдан тайёр бўлиши керак. Унинг мияси бегона фикрлардан бутунлай холи бўлиши керак. Унинг бутун эътибори маърузага қаратилган бўлиши керак. Аудиториядаги ҳамма талабалар ўқитувчини кутиб олишга ва маърузани эшитишга тайёр бўлишлари керак. Буни қуйидагича тушуниш керак: маърузачи келгунча талаба аудиториядаги ўз жойини эгаллаши, дафтар, ручка, қаламини тайёрлаши керак. Маърузада ҳар қандай қоидадан четланишлар маърузанинг сифатига ёмон таъсир кўрсатади.

Олий таълимда маъруза тайёрланган аудиторияга мўлжалланади. Аниқ фандан терминларни яхши тушунган талаба, маъруза эшитишга тайёр талаба ҳисобланади. Маърузанинг мазмунини яхши тушуниб етиш учун, талаба ўтган маърузани яхши ўзлаштирган бўлиши шарт.

Маъруза матнини чуқур ўзлаштирамоқчи бўлган талаба, дарслик ва бошқа материаллар орқали ўтиладиган маърузани қараб чиқиши керак.

Қачонки талаба материални конспект қилиб қолмасдан, маърузачининг сўзини эшитиб, материал бўйича ўз фикрини баён қила билса, унда маъруза ўз мақсадига эришди деб ҳисоблаш мумкин.

2. Лаборатория ва амалий дарслар

Олий ўқув юртларида лаборатория ва амалий дарслар маъруза эшитиш давомида олган билимларини мустаҳкамлаш учун ўтказилади ва назарияни амалиёт билан боғловчи бўғин ҳисобланади.

Амалий дарслар бутун гуруҳда ўтказилса, лаборатория дарсларини ўтишда эса гуруҳ икки кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўқитувчи раҳбарлигида мустақил шуғулланади. Лаборатория ва амалий дарсларга маъруза ва олдинги дарсларни ўзлаштирган талабаларгина қўйилади. Янги дарсни ўтишдан олдин ўқитувчи жорий назоратни амалга ошириб, талабалар билимини баҳолайди.

Лаборатория ва амалий дарслар махсус янги ўқув-илмий жиҳозлар билан жиҳозланган лаборатория ва кабинетларда ўтказилади. Бўлғуси «Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)» йўналиши бакалавриятлари бу дарс жараёнлари давомида шу соҳа бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қила бошлайдилар.

Лаборатория-амалий дарсларни ўқиш сифати ва самарадорлиги нафақат лаборатория ва кабинетларнинг жиҳозланганлик даражасига, балки ўқитувчининг педагогик маҳоратига ва талабаларнинг ўзига ҳам боғлиқ бўлади. Лаборатория дарсларини юқори савияда ўтиш учун талабалар дарсларга аввалдан тайёрланган бўлишлари керак.

Талабалар дарс бошланишигача лаборатория ва амалий дарсларнинг мазмуни, тадқиқотларнинг ҳам мазмуни, ҳажми, жиҳозлардан фойдаланиш қоидалари билан олдиндан таниш бўлиши керак.

Лаборатория экспериментини бажаргандан кейин талаба дафтарига топшириқни бажариш услубини ёзиши, натижаларни ҳисоблаши ва олинган натижаларни текшириш учун ўқитувчига топшириши керак.

Амалий дарсларнинг турларидан яна бири семинар дарслари ҳисобланади. Семинар дарсларни асосан гуманитар фанлардан ўтказилади. Бунда ҳар бир талаба қўйилган саволларга жавоб бериб, ўзининг тайёргарлик даражасини кўрсатиши керак. Шу сабабли семинар дарсларига гуруҳнинг ҳар бир талабаси тайёр бўлиши керак.

Семинар дарсларига тайёрланиш ўтган семинар дарсларига тайёрланишни ҳам ўз ичига олади. Бу материалларни яхши ўзлаштиргандан кейин кейинги семинар дарсларига тайёргарлик бошланади. Бунинг учун эса манбалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу сабабли талаба манбаларни конспект қилиши керак.

Талабанинг семинар дарсларидаги жавоби ҳам жорий назорат балларида ўз аксини топади.

3. Мутахассислар шаклланишида битирув малакавий ва курс ишларининг аҳамияти

Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31-декабрда қабул қилинган №362-сонли буйруғи талаблари асосида амалга оширилади.

Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари.

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) - олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Малакавий ишни бажаришнинг мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

ижодий ишлаш, ишлаб чиқарилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлаш.

Битирув малакавий ишларнинг мавзуси. Малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини акс эттириши керак.

Малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва олий ўқув юрти ёки факультетнинг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда уч йилда бир мартадан ортиқ қайта кўриб чиқилмайди.

Малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга (рейтинглар бўйича камайиш тартибида) малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов контракт маблағини тўловчи буюртмачи зарурий асослар билан малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли олий ўқув юртининг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

Малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш. Малакавий ишларга раҳбарлик ушбу олий ўқув юртининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Малакавий иш раҳбари:

- топшириқ беради;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;

- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказиши;
- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларининг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди.

Малакавий иш раҳбарининг таклифига биноан, кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консултантларни таклиф этиши мумкин.

Малакавий ишнинг бўлимлари бўйича консултантлар этиб, олий ўқув юр்தларининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлари ва бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Консултантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширадилар.

Мутахассис чиқарувчи кафедра малакавий ишга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳажмини белгиланган ҳолда малакавий ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва талабаларни таъминлайди.

Малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва ҳулосалар билан ёритилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс этирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми (пояснительная записка) малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалаш лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмга графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшимча ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Тушунтириш қисми қўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Тушунтириш қисми камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТлар талабларига қатъий мувофиқ келиши зарур. Одатда, чизмалар А2 форматли қоғозда (5-6 варақ ҳажмида) қаламда бажарилади ёки техника воситалари орқали экранда кўрсатилади.

Кафедранинг тавсиясига биноан малакавий иш чет тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

Малакавий ишнинг бажарилиши. Малакавий иш олий ўқув юртининг, одатда, ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарида

бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш корхоналар, муассасалар, илмий, лойиҳалаш ва бошқа муассасаларда бажарилиши мумкин.

Малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудирини олдида ҳисобот беради. Кафедра мудирини малакавий ишнинг тайёргарлик ҳолатини белгилайди.

Талаба – иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

Малакавий ишни ҳимоя қилиш. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган малакавий иш талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар, малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирини тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий тамонлари тавсифланади. Кафедра мудирини, тақдим этилган материаллар асосида, малакавий ишни талаба томонидан ДАК да ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар, кафедра мудирини талабанинг малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киритилган малакавий иш тақризга юборилади. Тақризчилар таркиби битирувчиларни истеъмол қилувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида олий ўқув юртининг профессор ва ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун ДАК га юборади.

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомда белгиланган.

Малакавий иш ҳимоядан сўнг (камида 10 йил) олий ўқув юртида сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича малакавий ишни бошқаларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (татбиқ этиш, танловлар ва ҳоказо), ишдан нусха олинади (ишнинг асл нусхаси олий ўқув юртида қолдирилади).

4. Педагогик технологиялар ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги аҳамияти

Илмий-техник тараққиёт нафақат аксарият ишлаб чиқариш соҳасини технологизациялаштиради, талки у маданият, таълим соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Бугунги кунда информацион тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Технология – грекча сўз бўлиб, технос-санъат, маҳорат; логос – таълимот деган маъноларни билдиради.

Қуйида педагогик технологиянинг баъзи бир таърифларини келтирамиз.

Б.Лихачев таърифи бўйича «Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айтилган замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради».

ЮНЕСКО ташкилоти таърифи бўйича «Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир».

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган модалидир».

Педагогик технологиянинг турларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

а) инсонпарварлик ва демократик педагогик муносабатга асосланган педагогик технология;

б) таълим оловчиларни фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технология;

с) ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга асосланган педагогик технология;

д) ўқув материални методик такомиллаштириш ва дидактик реконструкция қилишда педагогик технология;

е) халқ педагогикасига асосланган технология;

ф) муқобил технология;

г) умумий политехнология.³

Умуман олганда педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириш тизими лойиҳасидир.

5. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўра махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буруғи билан Низомга

³John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

Ўзгариш ва кўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган.

Мазкур Низом олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

«Рейтинг» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «баҳо», «шахсий коэффицент» деган маънони англатади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

- талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

- фанларнинг талабалар томнидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

- талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

- талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

Назоарт турлари ва уни амалга ошириш тартиби. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

Жорий назорат – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўташиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Оралиқ назорат – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратининг сони (бир семестрда икки мартадан кўп

ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Яқуний назорат – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Яқуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган «Ёзма иш» (тиббиёт олий таълим муассасалари учун «Ёзма иш» ёки ОТКС (объектив тизимлаштирилган клиник синов)) шаклида ўтказилади.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда факультет Илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40 % фанлардан яқуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ҳамда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида яқуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, яқуний назорат натижалари бекор қилинади ҳамда яқуний назорат қайта ўтказилади.

Ўқув йили тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

Баҳолаш тартиби ва мезонлари. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Яқуний назоратга – 30 балл;

Жорий ва оралиқ назоратларга – 70 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича яқуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси – 100 баллик тизимда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) тавсия этилади:

- 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юрита олиш, олган билимларини амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.

- 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: мустақил мушоҳада юрита олиш, олган билимларини амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.

- 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.

- қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин: аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, билмаслик.

Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралик назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва талабаларга эълон қилинади.

Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан якуний назорат учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади ва турдош олий таълим муассасаси илмий-услубий кенгаш томонидан тасдиқланади ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралик ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_i = \frac{V \cdot Q}{100}$$

Бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

Q – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий балнинг 55 фоизи саралаш балл ҳаобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралик назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Назорат турларини ўтказиш муддати. Оралик ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

Талаба фан бўйича курс лойиҳаси (иши)ни ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

Жорий оралиқ назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириши учун, навбатдаги шу назорат туригача сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддатда берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшираолмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўпланган баллари йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса, бу академия қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугагандан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган қақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ўзида хулосасини билдириши керак.

Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлили этиш тартиби. Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг «Ўқув режасида ажратилган соат» устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, «Фандан олинган баҳо» устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

Мавзу 6.Инновацион таълим технологиялари

1. “Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмуни.

“Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмуни. Луғавий жиҳатдан **“инновация”** тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. Мазмунан эса тушунча негизида **“инновация”** тушунчаси **муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолиятни** ифодалайди.

Инновацияларнинг асосий **кўринишлари** қуйидагилар саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар:

1. Фаолият йўналишига кўра: педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.

2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра: радикал, модификацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар.

3. Ўзгаришларнинг кўламига кўра: тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари.

4. Келиб чиқиш манбаига кўра: жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар.

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш **мақсади** кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгилиниш)** деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у ҳолда у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади.

Асосий фарқлар			
Новация			Инновация
амалдаги қўлланилади;	назария	доирасида	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади;
кўлам чегараланади;	ва вақт	бўйича	
методлар янгиланади;			
натижа	аввалпи	тизимни	

такомиллаштиради	5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади
------------------	--

Таълим инновационлари қуйидаги **ўзгаришларга** олиб келади

- педагогик тизимнинг тамомига ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- ўқувчи (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.⁴

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият.

Инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги билан белгиланади.

Инновацион фаолият педагогнинг рухий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион ёндашув:

- ижодий фаоллик;
- фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга технологик ва методологик жиҳатдан тайёргарлик;
- янгича фикрлаш;
- юксак муомала маданиятига эга бўлишни ифодалайди.

М.Жуманиёзованинг эътирофи этишича, педагогик инновацион фаолияти қуйидаги **белгилар** асосида намоён бўлади:

⁴John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш бир неча босқичларда кечади. Улар қуйидагилардир:

1. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш.
2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан иннофацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади. Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам муракаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни:

1-босқич: тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади.

2-босқич: мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади.

3-босқич: янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради.

4-босқич: педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади.

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди? Қуйидаги ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.


“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилида “interact”(рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ каби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари. Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришларини ифодалайди.


Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат куйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:



Анъанавий таълимда ташкил этиладиган суҳбат

Интерфаол ТТ таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.


Интерфаол ТТни қўллашда суҳбат куйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади:




Интерфаол ТТни қўллашда ташкил этиладиган суҳбат (диалог)

Интерфаол ТТ моҳиятига кўра суҳбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқув жараёнининг интерфаол ТТга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:



Шу билан бирга интерфаол ТТни қўллаш самарадорлиги қуйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол ТТ ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида

Ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Одатда интерфаол ТТга асосланган таълимий ҳаракатлар қуйидаги шаклларда ташкил этилади: индивидуал; жуфтлик; гуруҳ; жамоа билан ишлаш


Интерфаол ТТни қўллаш жараёнида талабалар:

- гуруҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;
- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
- гуруҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
- ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоеён қила олиш;
- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;
- ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;
- ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;
- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштириш каби имкониятларга эга бўлади

Интерфаол ТТ:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир талабанинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
- талабаларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- талабаларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- талабаларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди

Интерфаол ТТнинг асосий белгилари қуйидагилардир:




Интерфаол ТТнинг асосий белгилари


Интерфаол ТТ тамойиллари:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гуруҳнинг тажрибаси педагогнинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга.
5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учун педагоглар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар:



Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол ТТнинг қуйидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум:



Мавзу 7. Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби.

Режа:

1. Шахсга йўналтирилган таълим турлари.
2. Ҳамкорлик таълимий ўналишлари
3. Энг оммавий интерфаол методлар.

1. Шахсга йўналтирилган таълим турлари.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

Ушбу таълим педагог ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамкорлик ва танлаш эркинлигига асосланиб, талабани қадрият сифатида эътироф этилишини учун шароит яратади.

Одатда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қуйидаги турлари фаркланади:

1. Модул таълим технологиялар.
2. Муаммоли таълим технологиялар.
3. Интерфаол таълим технологиялар.
4. Индивидуал таълим технологиялар.
5. Масофавий таълим технологиялар.
6. Компьютер таълим технологиялар.
7. Ҳамкорлик таълим технологиялар.
8. Лойиҳа таълим технологиялар.
9. Дастурий таълим технологиялар.
10. Табақалаштирилган таълим технологиялар.
11. Ривожлантирувчи таълим технологиялар.
12. Ҳийин технологиялари.
13. Гендер таълим технологиялар.
14. Қувватни тежовчи таълим технологиялар.

Ҳамкорлик таълими технологияларининг дидактик моҳияти. Замонавий шароитда ҳамкорлик таълими, уни ташкил этиш ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Ҳамкорлик таълими – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим бўлиб, унинг **асосий ғояси** ўқув топшириқларини жамоада, кичик гуруҳларда ёки жуфтликда биргаликда, ўзаро ҳамкорликда бажариш саналади

Ҳамкорлик таълимийўналишлари:

- таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий ва маънавий бирликнинг қарор топишига эришиш.

2. Ҳамкорлик таълимтехнологиялари

Ҳамкорлик таълимтехнологиялари – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар.

ҲТТнинг ғоялари ўтган асрнинг 80-йилларида Ж.Ж.Руссо, К.Д.Ушинский, В.А.Сухомлинский, А.С.Макаренко ва бошқа новатор-педагогларнинг қарашлари асосида шаклланган. ҲТТ талабаларда интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний қобилият,қизиқиш, мотивларни ривожлантириш

асосида дунёқарашни ҳосил қилиш **мақсадини** илгари суради. ҲТТ “Cooperative learning”дан фарқ қилиб, у жуфтлик ва кичик гуруҳда ишлаш орқали талабаларнинг жамоада фаолият юритиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлайди.

ҲТТнинг таркибий элементлари:

1. Таянч конспект (физик, математик ва кимёвий формулалар, тезислар, изоҳловчи суратлар, қисқача хулосалар, рамзий белгилар, схемалар, графиклар, жадваллар, диаграммалар)дан фойдаланиш.

2. Билимларни тест асосида синовдан ўтказиш.

3. Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш.

ҲТТ тамойиллари:

- жуфтлик ва кичик гуруҳ аъзоларининг ўзаро бирлиги;
- жуфтлик ва кичик гуруҳда ҳар бир аъзонинг шахсий ва гуруҳ муваффақияти учун жавобгарлиги;

- кичик гуруҳда ҳамкорликка асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;

- гуруҳ ва жамоа ишининг умумий баҳоланиши.

ҲТТнинг белгилари:

- талаба шахси, индивидуаллигига эътибор қаратиш;
- тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаб чиқишни инкор қилиш;

- талабаларда мустақил ва танқидий тафаккурни ривожлантириш;

- педагогга ва тенгдошларга нисбатан ижобий муносабатнинг юзага келишини таъминлаш;

- талабаларда маданий мулоқот кўникмаларини ривожлантириш;

- ҳамкорлик ва ўзаро тенгликка асосланган муҳитни яратиш.

ҲТТни қўллашда талабалар қуйидаги шаклларда таълим оладилар:

1) жамоада;

2) кичик гуруҳда;

3) жуфтликда

1-вариант: Жамоада таълим олиш. Ҳар бир талабанинг ютуқларидан жамоа хабардор бўлади, чунки жамоа ҳар бир талаба томонидан ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишидан манфаатдор. Зеро, жамоанинг муваффақияти ҳар бир талаба ва унинг ютуғига, жамоа олдида кўйилган муаммонинг ечимига боғлиқ.

2-вариант: Кичик гуруҳда таълим олиш. Талабалар 4-5 нафардан бўлиб, кичик гуруҳларга бирлашиб, блок ҳолида берилган ўқув материали устида ишлайди. Ҳар бир талаба материал устида алоҳида ишлайди. Сўнгра бир гуруҳдаги талабалар бошқа гуруҳларга 1 нафардан бўлиб ўтишади ва ўзлари ўрганган материал бўйича эксперт сифатида тенгдошларига маълумот бергандан сўнг ўз гуруҳларига қайтириб, тенгдошларидан ўзлаштирган маълумотлар билан ўз жамоаси аъзоларини таништиради. Бунда шерикларни диққат билан тинглаш, зарур маълумотларни ўз дафтарларига қайд этиб

бориш талаб қилинади. Машғулот сўнггида ўқитувчи исталган талабадан ўрганилган мавзу бўйича саволларга жавоб беришини сўрайди.

3-вариант. Жуфтликда ишлаш. Талабалар жуфтликларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик яхлит мавзу бўйича алоҳида топшириқ олади. Биргаликда ишлаш асосида жуфтлик аъзолари ўзларига берилган материални ўзлаштиради. Сўнгра бу ҳақида жамоа олдида ахборот беради.

ЎТТни қўллашда талабалардан қуйидагилар талаб этилади:

- шериги ва гуруҳдошлари билан ҳамкорликка эришиш;
- фаол ишлаш, топшириққа нисбатан масъулиятли ёндашиш;
- шериги ёки гуруҳдошларига ижобий муносабатда бўлиш;
- нафақат ўз ютуғи, балки шериги ва гуруҳининг муваффақияти учун жавобгарликни ҳис қилиш;

- жуфтликда ва гуруҳда ишлаш – жиддий ва масъулиятли меҳнат эканлигини ҳис қилиш.

ЎТТ “педагог-талаба ҳамкорлиги” тамойилига асосланиб, қуйидаги шаклларда қўлланилади:

- кичик тадқиқотларни олиб бориш;
- фан бўйича ташкил этиладиган мусобақада иштирок этиш;
- фан олимпиадаларига тайёрланиш;
- ҳамкорликда лойиҳалар тайёрлаш;
- ижодий ҳамкорликда илмий мақолалар чоп этиш;
- ижодий ҳамкорликда ўқув манбаларини яратиш.

ЎТТни қўллаш тартиби:

- талабалар (4-5 киши) кичик гуруҳларда ишлайди;
- жамоа учун ягона ўқув материали тақдим этилади;
- ҳар бир гуруҳ алоҳида саволга жавоб топади;
- Эксперт гуруҳи шакллантирилади;
- бу гуруҳ ҳар гуруҳ иши билан батафсил танишади;
- эксперт гуруҳи ҳар бир талабанинг фаолиятини индивидуал баҳолаш имкониятига эга;

- талабалар тўплаган баллар умумлаштирилиб, кичик гуруҳнинг фаолияти баҳоланади;

- энг юқори балл тўплаган жамоа ғолиб саналади.

Инновацион характердаги назорат воситалари. Замонавий шароитда нафақат таълим жараёнини ташкил этишда, шу билан бирга талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ҳам инновацион характерга эга воситалардан фойдаланилмоқда. Айтиш мумкин шундай воситалардан иккитаси – ўқув портфолиоси ва “Ассесмент” технологияси тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Сўнгги йилларда замонавий таълимда педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум кўрсаткичлар асосида етарлича, холис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Портфолио педагог ҳамда талабанинг

фаолиятига билвосита баҳо бериш, қай даражада сифатли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, портфолиолар педагог ва талабаларга уларнинг шахси, фаолияти билан турли экспертиза (текширув)лар жараёнида комиссия аъзоларини билвосита танишиш имкониятини беради.

“Портфолио”инглизча сўз бўлиб, “портфел” ёки “портфеллар тўплами” маъносини англатиб, автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами саналади. Бу каби тўплам ҳам педагог ёки талабанинг шахси, фаолиятининг турлари, эришилган ютуқлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни беришга хизмат қиладиган индивидуал папка саналади. Умуман олганда, портфолио ҳар бир педагог ёки талабанинг максимал даражада эришган ютуқлари, уларнинг ижодий имкониятлари, қизиқиш ҳамда қобилиятларини ёритиши. Бошқача айтганда, портфолио педагог ёки талаба учун ўзига хос реклама.

1. Ўқув портфолиоси. Бугунги кунда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланилаётган назорат воситаси бўлган ўқув портфолиоси куйидаги имкониятларга эгаллигига кўра амалий аҳамият касб этади:

- кўп функциялилиқ ва ўзининг шахсий мувафаққиятини баҳолаш;
- индивидуал мувафаққиятлар мониторингини амалга ошириш;
- имтиҳонни ташкил этиш;
- таълим натижаларини холис белгилаш;
- таълимий мувафаққиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш;
- талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш.

Моҳиятига кўра ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади. Улар:

1. Ҳужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивидуал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлиқ, гувоҳнома ва бошқалар жамланади).

2. Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон ҳужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гуруҳдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади).

3. Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиода акс этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гуруҳи” танловини ташкил этиш мумкин).

4. Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади).

5. Такризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хулоса, такриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади).

6. On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан: 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш; 2) шахсий веб-сайтларни яратиш; 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш).

Портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича бўлади. Яъни улар электрон, босма ва қоғоз вариантларда яратилади. Қайси вариантда портфолиони яратишни субъектнинг ўзи танлайди.

Портфолиода талабанинг жорий, оралиқ ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари, уларга қўйилган ўзлаштириш баллари ҳам жамланиб борилади. Портфолио юргизиш талабанинг семестр (курс) ва ўқув муддати давомидаги ўзлаштириши, мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб борганлиги тўғрисидаги далилий ҳужжат ҳисобланади. Портфолио педагогик жараёнда педагогга талабанинг эришаётган ютуқлари юзасидан мониторингни олиб бориш имкониятини яратади ва ўзлаштириш балларининг ҳаққоний, ишончли бўлишини таъминлайди. Талабага эса билим даражасининг қай даражадалигини, унинг динамик ўсишини кузатиб бориш, касбий жиҳатдан шахсан ривожланиш даражасини мустақил баҳолаш учун зарур шароитни яратади.

Талабалар қандай шароитларда портфолиоларни шакллантиришлари керак?

Қуйидаги ҳолатларда талабалар томонидан портфолиоларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Истиқболли иш ўрнига эга бўлишда (рахбарият ва ҳамкасблар ёш мутахассис билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар).

2. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда (тадқиқот натижаларини патентлаштириш имкониятини таъминлайди).

3. Фан олимпиадаларда иштирок этишда (олимпиаданинг турли босқичларида талабанинг имкониятларини баҳолаш ва чамалашга мувофиқ бўлинади).

4. Номдор ҳамда Президент стипендиясига талабгор бўлишда (танлов хайъати талабанинг имкониятларидан тўла хабар бўлади).

5. Шахсий мақсадларни амалга оширишда (қўшимча фаолият тури билан шуғулланишда ҳамкорларга талаба шахсини яқиндан таништириш имкониятини яратади).

Ўқув портфолиосини яратишга қаратилган амалий ҳаракат бир неча босқичда ташкил этилади. Яъни:

1-босқич. Талабаларга портфолионинг афзалликлари, уни яратишдан кўзланган мақсад, портфолионинг турлари ҳақида маълумот берилади.

2-босқич. Талабалар портфолионинг тузилишига оид маълумотлар билан таништирилади.

3-босқич. Амалий ҳаракатларни ташкил этиш асосида талабалар ўз портфолиоларини яратадилар.

Талабаларнинг портфолиолари қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- 1) титул;
- 2) мундарижа;
- 3) портфолионинг мақсади;
- 4) портфолионинг бўлимлари.

Турига кўра портфолиолар бир неча бўлимларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, “Ишлар портфолиоси” қуйидаги тўртта бўлимдан таркиб топади:

1. Менинг қиёфам (талабанинг шахсига оид маълумотлар талабанинг расми, эссе, анкета, тавсифномалар асосида берилади; унда қуйидаги лавҳалар мавжуд: “Менинг анкетам”; “Танишинг – бу мен!”; “Менинг ўйларим”; - “Мен ва менинг қизиқишларим”).

2. Коллектор (талаба томонидан мутахассислик фанлари бўйича тўплаган материаллар (адабиётлар рўйхати, чизма, жадвал ва расмлар, мақолаларнинг ксероносухалари, курсдошларининг ижодий ишлари) ўрин олади; бўлим қуйидаги лавҳалардан иборат бўлиши мумкин: “Иш столи”; “Бу қизиқ”; “Курсдошларим ижодидан”; портфолио-коллектор унча катта бўлмаган ўзига хос архив саналади).

3. Иш материаллари (талабанинг ўзи томонидан яратилган, тизимлаштирилган барча материаллар киритилади; бўлимнинг лавҳалари қуйидагича бўлиши мумкин: “Ёзма ишлар”, “Ижодий ишлар”, “Тадқиқот тажрибалари”, “Амалиёт ишланмалари”).

4. Шахсий ютуқлар (талабанинг ярим, бир ўқув йили ёки яхлит таълим даврида эришган ютуқлари, қўлга киритган натижалари акс этади; унда қуйидаги лавҳалар бўлиши мумкин: “Менинг бунёдкор ғоям”; “Менинг таълим борасидаги ташаббусларим”).

“**Ассесмент**” инглизча сўз бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъносини билдиради. **Ассесмент технологияси** талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, ҳолис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидуал кейс, тақдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Технология, асосан, қуйидаги уч мақсадга хизмат қилади:

1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, ҳолис баҳолаш;

2) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

3) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш.

Мазкур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига бориб тақалади. Дастлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали татбиқ этилди. Технология биринчи марта 1954-йилда “АТ&Т” компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган. Тўрт йилдан сўнг малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган технология негизида тадбиркорлар психологлар билан ҳамкорликда мазкур технология ёрдамида ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхона ҳамда ташкилотлари учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – “Ассесмент-марказ” (“**The Assessment Centre**”)ни йўлга қўйилди. 1960 йилда “IBM”, “Стандарт ойл оф Огайо”, “Сирс Робакс” каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига технологияни самарали татбиқ этдилар. Агарда 1980 йилда 2000 та фирма “Ассесмент-марказ” асосида малакали мутахассисларни танлашни маъқул кўрган бўлса, айти вақтда бу технология ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда.⁵

Айти вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялар малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технологиядан муваффақиятли фойдаланмоқда. Сўнгги йилларда мазкур технология таълим тизимига ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳар томонлама, холис баҳоланмоқда.

Айти вақтда республика таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари камида тўртта топшириқ бўйича баҳоланмоқда. Масалан:

Изоҳли луғат	Муаммоли вазият
Ижодий иш	Тест

⁵John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъерининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади. У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараёни ташкил этишга ташкилий –технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди.

3. Энг оммавий интерфаол методлар.

Энг оммавий интерфаол ТТ қуйидагилар саналади:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва б.

2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёраш”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.


3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.

Интерфаол таълим методлари ва уларни қўллаш тартиби. Айни ўринда бир гуруҳ интерфаол таълим методлари ва уларни таълим амалиётида қўллаш тартиби тўғрисида сўз юритилади.


“Ақлий ҳужум” стратегияси

Стратегия талабаларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Уни самарали қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:



Машғулотда стратегияни қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиш
ЛОЗИМ:




“Балиқ скелети” график органайзери (ГО)

ГО талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Талабалар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:



“Биламан. билишни хоҳлайман. билиб олдим” (БББ) ГО

ГО талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда талабалар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.


Гуруҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

ГОдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади:




Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тафсилоти қуйидагича:

- 1) талабалар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 2) талабаларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;
- 3) талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;
- 4) талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади;
- 5) талабаларнинг эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
- 6) ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлардан талабаларни хабардор қилади;
- 7) талабалар томонидан ўзлаштирилган янги тушунчалар аниқланади;
- 8) баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
- 9) машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади

“Блиц-сўров” методи

“Блиц-сўров” (инг. “блиц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, талабаларнинг қамраб олинishiга кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қуйидагича кечади:




Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

“Венн диаграммаси”ГО

ГО талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.


Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



ГО талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян


бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:




“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) ГО пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни талабалар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

ГОдан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:



ГО ёрдамида талабалар топшириқ бўйича фикрларини кластер (майда, алоҳида қисмлар) тарзида қуйидагича ифодалайди:



Мавзу-8.: Замонавий таълимда хорижий тажрибалар.

Режа:

1. Хорижий мамлакатлар таълим тизими.
2. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти.
- 3.Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар.
4. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти.

1. Хорижий мамлакатлар таълим тизими

1.1. Америкада таълим тизими

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1- 8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

- 9 – 12 - синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлар ва бошқа

олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусийлар тасарруфида ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. Уч ёшдан 5 ёшгача хусусий ёки давлат боғчаларидан фойдаланиш мумкин, лекин болалар боғчалари кичик ва бу тизим кам ривожланган. Энага ёллаш бир ҳафтада 200 долларга тушади. Болаларда ягона бир дастур мавжуд эмас. Керак бўлувчи ҳамма жиҳозлар ва кунлик овқатни ота-оналарнинг ўзи олиб келади. 5 ёшдан эса «Киндер гарде» деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғараклар, учрашувлар, шоулар ва саёхатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат. 9 - синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Ўрта мактабларда тўрт йўналишда касб-ҳунар асослари бериб борилади.

1 - касб-ҳунар таълими, 2 - бизнес таълими, 3 - савдо ва саноат таълими ҳамда 4-қурилиш таълими. Олий таълим 4 асосий босқичда амалга оширилади.

1-кичик мутахассис - 2 йиллик коллежларда амалга оширилади. 2- бакалавр 4 йиллик коллежларда , 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-босқични давом эттириши мумкин. Бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4 – босқич эса аспирантура, докторантура. Мактабларда таълим телевидиниеси, электрон тил лабораторияси, видеоаппаратура компьютер ва ҳоказоларни қўллаш йўлга қўйилган. Мактаблар таътил вақтида ҳам ишлаб туради. Тўғаракларда қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади. Олий таълимда икки йўналиш мавжуд:

1-таълимни индивидуаллаштириш;

2-талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш.

Ўқитувчи йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш мантиқий фикрлашга ўргатишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик касб-ҳунар, умумий йўналишларда билим берадилар. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги бизнес таълими савдо ва саноат қурилиш бўйича ҳунар, касб-кор асослари ўргатилади.

АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган

Ўқитувчилар юқори ўрта мактабнинг сўнгги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил-қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мактабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қоидаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар) таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган «2000-йилда Америка таълим стратегияси» дастури эълон қилинди.

Турли йўналишдаги асосий мақсадлар белгиланган мазкур дастурда 2000-йилда барча америкалик кичкинтойларнинг мактабга тайёр ҳолда келишлари: аҳолининг 90 фоизи олий маълумотли бўлиши ўқувчиларнинг инглиз тили, математика, табиий фанлар, тарих, география фанлари бўйича жаҳонга ўз иқтидорларини намойиш эта олишлари; талабаларнинг табиий ва математика фани ютуқларини ўзлаштиришда жаҳонда энг олдинги ўринларга чиқишлари; ҳар бир вояга етмаган америкаликнинг иқтисодиёт соҳасида жаҳоннинг барча ёшлари билан беллаша оладиган бўлишлари; мактабларда гиёҳвандлик ва зўравонликка барҳам бериш ўқиш учун барча шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Бу АҚШ таълим истиқболларини белгилаб берувчи муҳим дастурдир.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан 50 фоизини фирма концерн синдикатлардан ундирилади, қолганларини олий ўқув юртларининг манбалари ташкил қилинди.⁶

1.2. Германия таълим тизими

Таъкидлаб ўтиш жоизки Германиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бизнинг Республикамиздагига ўхшаб кетади. Икки Герман давлати бирлашгандан кейин собиқ Германия Демократик Республикасида таълимни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бизнинг шароитимизга маъқул келади.

Германиянинг ҳозирги давр маорифидаги асосий муаммоси собиқ ГДРдаги таълимни бир хил миллий меъёрга солишдан иборатдир.

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, Германияда таълим давлат ва жамият томонидан ардоқланаётган соҳа бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ичида кучли олтиликка кирган.

Германия таълим тизимларининг баёни қуйидагича: Германияда таълим тизими: мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам

⁶John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

муҳим босқич ҳисобланадн. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг куйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари хайрия бирлашмалари корхоналар хусусий шахслар диний муассасалар зиммасидадир. Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбияланганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгача тарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда оилада бўлади. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли. Бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин ҳунар-техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Мактаб ўқувчиларига ўқув қўлланмаси, асосан дарсликлар бепул берилади. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқитувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичдаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар:

Булар: асосий махсус мактаб реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлар асосий мактаб ва юқори мактаб ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-13 синфгача) ва тўла маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълими тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг (9-10 синфлар) 79%) тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга таалуқли махсус фанлардан назарий асослаш берилиб йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтиш синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг

етакчи мутахассислари федерал ерлардаги саноат палатаси хунармандчилик палатаси вакилларида ташкил топади. Хунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқитувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат харажатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга кўра улар молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки Германия таълими ўзига хос йўналишга жуда мураккаб тизимга эга.

2. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирдик.

Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган	Модулли ўқитиш технологиясига асосланган
Бир томонга йўналтирилган	Фикрлаш ва амалий фаолият орқали

<p>ахборот. Бир томонлама мулоқот (дарслик→ ўқитувчи→ўқувчи) Ахборот олиш Хотирада сақлаш Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.</p>	<p>таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш. Икки томонлама мулоқот Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш Билим ва кўникмаларни намоёниш этиш Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.</p>
--	---

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади.

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

-Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;

- ўқитишни индивидуаллаштириш;

-амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;

-касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модулла натижаси ва таҳлилига.

Модулли ўқитишдаўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин:

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари аниқланди:

-фанлар ва фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши;

-ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлигини ўрнатилиши;

-фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;

-талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;

-талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуллаштиришни тавсия этиши мумкин);

-ахборотни «сиқиб» бериш натижасида ўқитишни жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий амалий (тажрибавий) машғулотлар индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Бунинг натижасида талабаётарли билимларга кўникмага эга бўлади.Модулли методика асосида ўқитишда фаолиятлик,тизимли квантлаш, қизиқтириш,модуллик,муаммолик, когнитив визуаллик,хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида модулли ўқитиш – талабаларнинг билим имкониятларини ижодий қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модулли методика асосида ўқитишда фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга ўқитишни жадаллаштиришга талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

Яхши	C	70-80 қўллаш	Қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси қўникма ва малака даражаси
Қониқарли	D	тушуниш	Тушунади, билади	2-даража қайта

				тиклаш даражаси
Етарли	Е	50-60 билиш	Билади	1-даражаси тасаввур этиш даражаси
Етарли эмас, кўшимча яна ишлаш талаб қилинади	FY	40-50	Ёмон билади	0-даражаси ёмон тасаввур этади
Етарли эмас, кўшимча яна жуда ҳам кўп ишлаш талаб қилинади	F	40 кам	Умуман билмайди	0-даражаси умуман тасаввур этмайди

Ўқув фани материалининг 90-100% ўзлаштириши “аъло” баҳога тўғри келади. Бу тайёргарликни 4-даражасига тенглаштирилади ва “ижод даражаси” деб белгилайди.

Ўқув фани дастури камида 50% ўзлаштирилганида “етарли” баҳоси кўйилади, бу ўзлаштиришнинг тасаввур даражаси” деб белгиланади. Ўқув фанининг 40%дан кам ўзлаштириши, тайёргарликнинг 0-даражаси, яъни “умуман тасаввур этмайди” деб ҳисобланади.

4.Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар

4.1. Масофали ўқитиш

Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Янги педагогик ахборот ва телекоммуникатсия технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак.

АҚШ таълим тизимларида масофали ўқитишнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали

Ўқитишни амалий ташкил қилиш турли шакллари ва вариантларини ҳамда масофали таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Солиштириш методи моҳиятини хитой олими Х.Шу ва Н.Чжоулар тўла очиб берадилар: "Агарда миллат вақт ўқида ўзининг турган жойини тарихий ёки "вертикал" солиштиришлар билан аниқлай олса шунда у миллатлараро ёки "горизонтал" солиштиришлар ёрдамида дунёдаги ўз ўрни тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлади. Шу билан бир вақтда "вертикал" солиштириш ишонч уйғотади "горизонтал" эса реалист бўлишга мажбур этади".⁷

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Ғарбий Европада олий таълим олиш даражасидан масофали таълим "очиқ университетлар" деб аталувчи шаклларда амалга оширилади. Миллий очиқ университетлар кўп жиҳатдан сиртки таълим ташкилий принципларидан фойдаланадилар. Очиқ таълим асосида - ўқитувчилар ўзлари олдиларида турган таълим мақсадларига эришишга интилиб тўла мустақил йўналадиган таълиммуҳитипухтаишлабчиқилган.

Мисол учун ўтган аср 90-йилларида телеконференциялар ўтказиш технологияси асосида масофали таълим янги модели пайдо бўлди. Моделнинг асосини ўқитувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро алоқалар асосий шакли ҳисобланган ҳақиқий вақт давомида ҳам бўлиши мумкин бўлган телеконференциялар ўтказишдан иборат. Шу билан бирга телеконференциялар ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ҳам ва ўқувчиларнинг ўзлари ўрталарида ҳам ўтказилиши мумкин. Булар аудио аудиографик видео-компьютерли телеконференциялар бўлиши мумкин. Телетаълим модели яқинда пайдо бўлди лекин у замонавий таълимда ташкил этишда тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Мана шу асосида замонавий таълимнинг янги ташкилий шакли - виртуал университетлар ривожланаётганлигида бу яққол намоён бўлмоқда. Ўқишнинг бу шаклини

⁷John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors "Higher Education: Handbook of Theory and Research" Springer Science – Business Media B.V 2011

биз янги таълимнинг энди пайдо бўлаётган модели сифатида қараймиз. Мазкур моделида Ўқув мақсадларида фойдаланиладиган телеконференциялар технологиясига эга бўлган таълим тизимини қайта куриш мавжуд имкониятлари амалга оширилади. Бу технологиялар талабалар гуруҳларига ва алоҳида ўқитувчиларга бир-биридан ҳар қандай масофадан туриб ўқувчилар билан ва ўзаро учрашиш имконини беради.

Масофали таълим фақатгина миллий таълим тизими (институционал) доирасидагина эмас балки олий таълим бутун дастурининг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи асосан бизнес соҳасида тайёрлашга йўналтирилган алоҳида тижорат компаниялари томонидан ҳам ривожлантирилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. ИБМ Генерал Моторс Форд каби ва бошқа компаниялар томонидан хусусий корпоратив таълим тҳармоқлари яратилган. Мана шу таълим тизимларининг кўплиги мураккаблиги бўйича ҳам ва сони бўйича ҳам университетларда яратилган тизимлардан анча илгарилаб кетган.

Масофали таълим соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун бутундунё масофали таълим ассоциацияси (WAOE) ташкил этилди бу ассоциация масофали таълим минтақавий таълим тизимларини бирлаштиради.

Дунёда масофали таълимнинг тизимлари турли-туманлиги хизматлар кўрсатиладиган таълим ва ташкилий шакллари жуда хилма-хиллиги сабабли хатто оддий турларга ажратиш ҳам жуда қийин. Қуйида чет эл нашрлари материалари бўйича масофали таълим ўқитиш тизимлари энг эътиборлиларикўрсатибўтилган.⁸

Мамлакат Масофали таълим ўқитиш тизими Белгия Брюсселдаги Олий иқтисодиёт мактаб (ЕСАЛ). АҚШда масофали таълимнинг ҳолати ва тенденцияларини алоҳида кўриб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан таълимнинг бу тури ўқувчилар кўп қисмини қамраб олган иккинчидан ўқитиш масофали шакли анъанавий таълим тизимлари билан (мактаб ўрта таълимдан кейинги ҳамма таълим турлари фирмалар ичидаги касбий таълим)табiiйравишда бирлаштирилган.

4.2. Вебинар методи

Вебинар усулида дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олиниши мумкин бўлса-да бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.


⁸John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education:Handbook of Theoryand Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

4.3. Муаммоли метод

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият» «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадики муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди уни бартараф этиш янги билимлар усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўллари излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса шубҳасиз муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб этилиши ифодаланиши мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади бироқ барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Зиддиятларни бартараф этиш нафақатилмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир. Бу методни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин:

Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси



Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони демак муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ юқорида таъкидланганидек барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса уни муаммоли масалага айлантиради, яъни унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда, у

бошқа кўрсаткичларни кидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
Ўқув материалга оид тафовутларни таклиф этилиши; муаммоли вазиятларни тузиш; муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш; муаммоли топшириқларни лойиҳалаш	Ўқув материали моҳиятининг англаб етилиши; муаммоли вазият юзасидан фикрлаш; мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш; муаммоли масалага ўтказиш; топшириқни бажариш

5. Хорижий таълимда тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик фаолияти

АҚШ таълим тизимида сўнгги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари кирилади.

Тьютор - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

Эдвайзер (advisor)-французча “avisen”“ўйламоқ”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

Фасилитатор - (инглиз тилида *facilitator*, латинча *facilis*—енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

Модератор -қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.⁹

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.

⁹John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education:Handbook of Theoryand Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

Мавзу 9. Ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли

Режа:

1. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ахборот-ресурс марказининг асосий вазифалари.
2. Ахборот-ресурс марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлари

1. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ахборот-ресурс марказининг асосий вазифалари

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти «Ахборот Ресурс Маркази» Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 20 июнь ПП-381 рақамли «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадида институт кутубхонаси саналиб кутубхоначилик библиография ва ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаб турувчи ташкилотдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 2006 йил 20 июнь ПП-381 рақамли қарори асосида Ахборот Ресурс Маркази Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти кутубхонаси негизида ташкил қилинди ва ушбу марказ мажбуриятларидан келиб чиқиб шартномалар асосида кутубхона ишига тегишли норматив ҳужжатлари, кўрсатма ва устави қоидаларига асосланади.

Ахборот Ресурс маркази Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги СамИСИ тасарруфидадир.

- Ахборот Ресурс Маркази ўз фаолияти давомида асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, Таълим муассасалари бошқарув органларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа норматив-ҳужжатларига, Олий таълим муассасаси Уставига, Институт раҳбариятининг буйруқлари ва фармойишларига, институт ички тартиб ва қоидаларига амал қилади.

- Ахборот Ресурс Маркази универсал жамлама ҳужжатларини йиғиш, тўплаш, сақлаш ва улар ҳақида ахборот матнлар, овоз ёздириш ва тасвирлаш илмий тадқиқот ишлари учун керакли маълумотлар, ахборотлар билан ўз вақтида истеъмолчиларнинг талабини таъминлаб турувчи, кутубхоналараро алоқа юритиш, фан, техника, маданият ва маърифат ишлари бўйича шуғулланувчи ташкилотдир.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти кутубхона биноси, фондлари, жиҳозлари давлат мулки бўлиб, у доимо давлат ҳимоясидадир. АРМ фондидан фойдаланиш тартиби, уларга хизмат кўрсатиш шартлари,

АРМдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги АРМ Уставида ўз ифодасини топган.

АРМларга умумий ташкилий методик раҳбарлик, уларнинг ишларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш, идоравий ва ҳудудий марказлар тизими орқали, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика методик маркази, идоралар аро кенгашнинг ишчи органи орқали, Институт АРМ ва кутубхонаси орқали амалга оширилади.

Самарқанд Иқтисодиёти ва сервис институти қошида ташкил этилган Ахборот ресурс маркази (АРМ) фаолияти демократия, инсонпарварлик, умумий фойдаланишга қулайлик, умуминсоний кадриятларининг устуворлиги, фуқоролик, шахснинг эркин камол топиши принципларига асосланади ва АРМ хизматидан фойдаланувчилар учун хизмат кўрсатади.

АРМ дан фойдаланиш хизмати бепул, АРМ томонидан кўрсатиладиган пулли хизматларнинг айрим турлари рўйхати, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ахборот ресурс маркази юксак самара билан фаолият кўрсатиш мақсадида аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишлари учун қуйдаги ишларни амалга оширади:

- Ахборот ресурс маркази ресурслар фондини анъанавий ва ноанъанавий ахборотларни тарқатувчи илмий-баддий ҳужжатларни, маълумотларни фаннинг барча соҳаларига тегишли бўлган адабиётлар билан таъминлаши фондни шакллантиришни ўз лодига мақсад мақсад қилиб олади;

- бошқа ташкилот ва жамоалар ҳақида маълумотлар баъзасини ва банкини яратиш учун интернет орқали ахборот ресурс фондини тўлдиради.

Ахборот маҳсулотини ташкил этиш:

- ахборотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- католог ва картотекалар ёрдамида барча ахборот ташувчи маълумотларга қайта ишлов бериш Ахборот Ресурс Маркази ахборот фондини олиб боришни зиммасига олади;

- маҳаллий нашрлардан иборат регионал электрон католог яратиш ва Республика электрон католог мажмуасига киришишда иштирок этиш;

- услубий библиографик қўлланмалар ва тавсифий библиографиялар ишлаб чиқиш.

Табақалаштирилган кутубхона-ахборот хизматини амалга оширади.

- истеъмолчиларнинг талаблари асосида ахборот ресурсларини ташувчилари ҳақида турли маълумотлар бериб боради;

- АРМдан фойдаланувчиларни кутубхоначилик ишида кечаётган янгиликлар ҳақида хабардор қилишни ташкил этади. Уларни янгиликларни мустақил ўрганишга ва ахборотлардан фойдаланишга имконият яратиб беради;

- Ахборот ресурс маркази истеъмолчиларига «ziyonet» ахборот тармоғига улаш ва уларнинг ресурсларига киришга имконият яратиб беради;

- истеъмолчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда улар учун ихтисослаштирилган маълумотлар базасини яратади;

- Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари, вилоятларнинг маълумот баъзаларига келиб тушган барча нашрлар билан ишлаш истимолчилар учун очиқ бўлиб, айрим хизмат турлари белгиланган тартибда пулли, яъни ҳақ олинади (электрон жараёнларидан фойдаланиш) кабилар учун.

Ахборот Ресурс Маркази ҳудудий бўлими ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, консультациялар бериб бориш имкониятини яратади:

- марказда кутубхоначилик менежменти ва маркетинги, янги илғор ахборот кутубхона технологиялари ҳақида ходимларни малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

- кутубхоначи мутахасисларга электрон маълумотлар баъзасини бошқариш тизими, интернетдаги янгиликлар ва ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларга консультация хизматини кўрсатиб боради.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари, аспирант, магистр ва ишчи ходимлар барча қатлами, у қайси миллат вакили ёки бошқа давлат фуқороси бўлишдан қатъий назар фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларнинг мунтазам таълим олишига ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади.

Миллий маънавий-ахлоқий кадриятларни кенг тарғиб қилиш ва халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имкониятлар яратади.

Ахборотларга бўлган талабаларга мувофиқ ва АРМ маълумотни қидириш апарати тизими орқали ҳар қандай фондлардан кенг фойдаланган ҳолда янги ахборот технологиялари (маълумотларнинг электрон базалари, Интернет ресурслари) асосида аҳолига зарур даражада ахборот хизмати кўрсатади.

Кутубхона ахборот маданиятини тарбиялаш, фойдаланувчиларни ахборотлар қидиришнинг замонавий методларига ўргатади.

Кутубхона ахборот-жараёнларининг замонавий технологияларнинг ва компьютерлаштиришни жорий этиш асосида ишларни такомиллаштиради.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти АРМ муассасаси фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари мувофиқ ахборот кутубхона фондини шакллантириш. Маълумотлар қидириш аппаратларини маълумотлар баъзаларини, каталог ва картатекаларини ташкил этиш ва юритиш.

Маданий, таълим, ахборот ва бошқа дастурлар, лойиҳалар, акцияларни биргаликда амалга ошириш учун, шунингдек фойдаланувчининг ҳужжатларга ва ахборотларга эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш учун АРМлар, ахборот кутубхона марказлари (АКМлар), кутубхоналар таълим муассасалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ижтимоий таъминот хизматлари, миллий-маданий марказлар билан фаолиятини мувофиқлаштириш ва кооперациялашни ривожлантиради.

Кутубхона хизматлари рўйхатини кенгайтириш, АРМни имкониятлар асосида жиҳозлаш, кутубхона ахборот жараёнларини компьютерлаштириш ва Интернет соҳаси хизмат сифатини оширади.

2. Ахборот ресурс марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги Ахборот Ресурс Маркази куйдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2006 йил 20 июндаги ПП-381 рақамли – «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб боради. АРМ мустақил равишда кутубхоначилик-ахборот ишларини асосий вазифаларини ва мақсадларини олдига қўйиб ўз вазифаларини ва мақсадларини олдига қўйиб ўз вазифаларини амалга оширади.

Ахборот ресурс маркази ва бошқа ҳужжатлар билан бойитиш, тўлдириш манбаларини ўзи белгилайди.

Кутубхона фондларининг ҳисобини, яъни ҳисобдан чиқариш ва ҳужжатларнинг олинishi йўриқнома асосида қилинади.

АРМ тасдиқланган таърифда кутубхоначилик ахборот хизмат турлари пулли амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигидан келиб чиққан кутубхоначилар ассоциацияси ёки иттифоқларига иштирок этиш.

АРМга хизмат турлари ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилиб бориш.

Электрон каталогларни доимий таҳлил этиш.

Норматив ҳужжатлар асосида каталог ва картотекаларни тўлдириш.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ва барча АРМга аъзо бўлган истеъмолчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб норматив ҳужжатлар асосида фондларини тўлдириш.

Барча ахборот ташувчи манбаларни жойлаштириш тартибини системага солиб боради ва сақланишига назорат ўрнатади.

Ахборот ресурс маркази манбаларидан фойдаланувчилар томонидан зарар етказиш ҳоллари учраса АРМдан фойдаланиш қонидаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб жарима ундирилади;

Низомда кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ, ўз фаолиятининг мундарижасини ва аниқ шаклларини мустақил равишда белгилайди;

АРМ тузилмасини, штат рўйхатини ва ундан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти раҳбарияти томонидан тасдиқлайди;

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги АРМ кутубхона ва ахборотлар фондларни сақланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги АРМ муассасасининг ваколатига тааллуқли функцияларнинг, бажарилмагани учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги АРМ муассасаси кутубхона ахборот фондларига зарар етказилишига айбдор бўлган АРМ ходимлари амалдаги ҳужжатларида назарада тутилган тартибда жавоб берадилар.

АРМ ходимларнинг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

3. АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлари

АРМ фондларидаги ҳужжатлар ва материалларни уларнинг сақланишини таъминловчи белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишни амалга ошириш: маълумотнома-библиографик аппаратни, шу жумладан электронкаталогни юритиш; тавсиянома тусидаги библиографик қўлланмаларни ишлаб чиқариши лозим.

АРМ қуйидагиларга мажбур:

- Фойдаланувчиларни АРМдаги ва ундан ташқаридаги барча ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

- АРМдан фойдаланувчиларнинг истакларини ўрганиш ва тўлиқ қондириш; кутубхона, библиографик, маълумотнома-ахборот хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, ушбу мақсадларда фойдаланувчилар билан яққа тартибда ва гуруҳлар бўйича иш олиб боришнинг турли шаклларида фойдаланиш;

- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда юксак маданият ва малакалиликни таъминлаш, зарур ҳужжатлар ва материалларни қидириб олишда зарур ёрдам кўрсатиш;

- фойдаланувчиларга қизиқишлари ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида турли манбалардаги ахборот ресурсларини берган олда табақалаштирилган кутубхона-ахборот ресурсларини берган ҳолда табалаштирилган кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишни амалга ошириш;

- зарур ахборотни қидириб топишда, ўқитишда мустақилликни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ва мустақил равишда таълим олиш кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- фондларда зарур ҳужжатлар ва материаллар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни қидириб топиш ишларни амалга ошириш ҳамда уларни кутубхоналараро абонемент, шу жумладан халқаро абонемент тизими орқали тақдим этиш;

- Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларни юқори савияда ўтказишни таъминлаш;

- АРМнинг ижобий нуфузини яратишга кўмаклашиш, АРМ фондларини ва унинг томонидан кўрсатиладиган хизматларни реклама қилиш, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда уларнинг хоҳишларига биноан янги хизматни ташкил этиш.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги АРМ муассасаси Ахборот технологияларига асосланган ҳолда фойдаланувчиларнинг мунтазам ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатли ахборотлар билан АРМ аъзоларини талабини қондириш, кутубхона ва марказ фаолиятининг асосий вазифасидир.

Миллий маънавий-ахлоқий кадриятларни кенг тарғиб қилиш ва халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсишига имкониятлар яратиш.

Ахборотларга бўлган талабларга мувофиқ ва АРМ маълумотни қидириш аппарати тизими орқали ҳар қандай фондлардан кенг фойдаланган ҳолда янги ахборот технологиялари (маълумотларнинг электрон базалари, Интернет ресурслари) асосида профессор-ўқитувчилар, аспирант магистрант, ишчи-ходимлар ва талабаларга зарур даражада ахборот хизмати кўрсатишни ўз зиммасига олади.

АРМга аъзо бўлган профессор-ўқитувчилар, аспирант, магистрант, ишчи-ходимлар ва талабалар ҳамда аҳолининг ахборот маданиятини тарбиялаш, уларга ахборот технологияларини замонавий услубда қидиришни ўргатиши зарур.

Ахборот жараёнларининг замонавий технологияларини ва компьютерлаштиришни жорий этиш асосида ишларни такомиллаштиради.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги профессор-ўқитувчилар, аспирант, магистрант ва талабалари ва АРМдан фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда АРМ фондини шакллантириш, маълумотларни қидириш аппаратини, маълумотлар базаларини, каталоглар ва картотекаларни ташкил этиш ва уларнинг иш фаолиятини йўлга қўйиш.

Маданий, таълим, ахборот ва бошқа дастурлар, лойиҳалар, акцияларни биргаликда амалга ошириш учун, АРМдан фойдаланувчиларнинг ҳужжатларга ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш учун

АРМлар, ахборот-кутубхона марказлари, бошқа олий таълим муассасалари, ўз-ўзини бошқариш органлари, ижтимоий таъминот хизматлари, миллий маданий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди.

АРМ хизматлари рўйхатини кенгайтириш, техник жиҳозлаш, ахборот жараёнларини компьютерлаштириш асосида хизматнинг самарали сифатини йўлга қўяди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва соҳани ривожлантириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни амалга оширади.

Ягона таъриф сеткаси асосида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида лавозим маошларини, устмалар ва қўшимча тўловларни, мукофотлаш ва миқдорларини белгилаш ҳуқуқига эга;

Ахборот Ресурс Маркази фойдаланувчиларга ноёб ва қимматли нашрларни беришда, шунингдек АРМдан фойдаланиш қоидаларига белгиланган бошқа ҳолларда гаров суммасини белгилаш ҳуқуқига эга;

АРМдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ фойдаланувчилар томонидан АРМга етказилган зарарни ундириш турлари ва миқдорларини белгилаш;

Юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар асосида АРМ кутубхона фондидан фойдаланиш шартларини белгилашни ўз зиммасига олади;

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти, таълим касб-хунар дастурлари, ўқув режалари, илмий-тадқиқот ишлари, тематика билан танишиш имкониятига эга. Унинг таркибий бўлинмаларидан АРМ олдида қўйган вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни олиш ҳуқуқини беради;

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги АРМ муассасаси ташкилотларга, таълим муассасаси номидан вакиллик қилиш, кутубхона ва ахборот библиографик масалалари бўйича илмий конференциялар, йиғилишлар ва семинарлар ташкил этиш ҳуқуқига эга;

Бошқа АРМлар кутубхоналар ташкилотлар ташкилотлар билан белгиланган тартибда ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқига эга, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона бирлашмалари билан ахборот алмашиниш ҳуқуқига эга;

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги Ахборот Ресурс Маркази Хорижий давлатларнинг АРМлари, кутубхоналари ҳамда бошқа муассаса ташкилотлари билан белгиланган тартибда ҳамкорликда амалга ошириш, шу жумладан заруриятга кўра халқаро китоблар айрибошлашни юритиш, белгиланган тартибда халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш, халқаро кутубхоначилик ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 йил.
4. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонуни. Тошкент. 1996 й.
5. . Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 -180 б.
6. John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011
7. А.Мавлянов ва бошқалар “Замонавий педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси”. услубий қўлланма. Тошкент 2010.

Қўшимча адабиётлар

8. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Интернет сайтлари

14. <http://www.sies.uz>– СамИСИ электрон кутубхонаси
15. <http://lex.uz>– Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
16. www.ziyounet.uz–таълим портали

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси

З.Э.Мамарасулов, Д.Мирзаахмадов

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ
фанидан
амалий машғулотлар бўйича
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

*Олий таълимнинг
Хизматларсоҳаси таълим йўналишидаги бакалавриатура талабалари учун
мўлжалланган*

Самарқанд – 2018

Тузувчилар:

З.Э.Мамарасулов – СамИСИ «Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси ассистенти

Д.Мирзаахмадов – СамИСИ «Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси ассистенти

Тақризчилар:

Нормахматов Р. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, т.ф.д.

Ж.С.Файзиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси доценти, т.ф.н.

«Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш» кафедраси йиғилиши, № __ сон баёни билан тасдиқланган. 2018 йил «__» _____.

Институт ўқув-услугий Кенгашининг №__-сонли баёни билан тасдиқланган ва тавсия этилган, “__” _____ 2018 йил.

МУНДАРИЖА

- 1-машғулот. Ўзбекистон Республикасида таълимга оид
меъёрий
хужжатлар.....
- 2-машғулот. Хизматлар соҳаси таълим йўналиши
бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик
даражасига қўйиладиган талаблар.....
- 3-машғулот. Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг
структураси.....
- 4-машғулот. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш.....
- 5-машғулот. Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг
мутахассислар тайёрлашдаги роли.....
- 6-машғулот. Инновацион таълим технологиялари.....
- 7-машғулот. Интерфаол таълим методлари ва улардан
фойдаланиш тартиби.....
- 8-машғулот. Замонавий таълимда хорижий тажрибалар.....
- 9-машғулот. Ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар
билимини оширишдаги роли.....

КИРИШ

Юртимизнинг мустақиллик йилларида таълим тарбия тизимини ислох қилиш, кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати таълимга ислохотларнинг барча босқичлари учун ҳам устувор соҳа деб қараб келмоқда. Таълимнинг бош бўғини, бу фан ва унинг доимий ривожланишидир. Шунинг учун ҳам, Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмида: фан - юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз И.Каримов томонидан 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурлари қабул қилинган эди. Бунда асосан таълим соҳасини ислох қилиш ва уни ривожлантириш кўзда тутилган.

Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳам таълим соҳасини жадал ривожлантириш бўйича ҳир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан олий таълим соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”**ги 4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелда **“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-2909 сон Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарори ва бошқалар тасдиқланди.

Шунинг учун ҳозирги илмий-техникавий жадал ривожланиш даврида, илмий ва илмий-техникавий ахборотларнинг интенсив равишда кўпайиб бориши, турли фанлардаги билимларнинг ўзгариб, янгиланиб бориш шароитида, замонавий технологияларнинг барча соҳаларга кириб бориш вақтида, олий ўқув юртида таълим йўналиши бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш, айниқса, уларнинг мустақил равишда ҳар бир ишда илмий-ижодий ёндашишлари, олинган янгиликларни тадбиқ эта билишлари талаб этилади.

“Мутахассисликка кириш” фанининг бакалавриатура ўқув режасига киргизилиб ўқитилишининг асосий мақсади, талабаларни дастлабки олий ўқув юртидаги тахсил вақтидан илмий изланиш ишларига жалб этиш, унинг натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ва шу билан бирга мустақил ишловчи мутахассисларни тарбиялашдир.

“Мутахассисликка кириш” фанининг бўлажак бакалаврлар тайёрлашдаги муҳим ўрни шундан иборатки, бунда талабалар таълим

жараёнига оид, илмий ишларга таъллуқли бўлган билимларини янада чуқурлаштириб, танланган таълим йўналишлари бўйича, илмий изланиш ва тажриба ишларини ташкил этиш ва бажариш услубий қўлланмаларига эга бўладилар, шу билан бирга бу борада назарий ва амалий билим ва кўникмаларини оширадилар.

Ушбу фаннинг амалий машғулотида талабалар маъруза мавзулари бўйича олган билимларини амалий жиҳатдан берилган савол ва топширик асосида мустаҳкамлайдилар.

Ушбу услубий кўрсатмада талабалар фаннинг маъруза машғулотида олган билимларини синаш учун назорат саволлари, тестлар, топшириқлар, фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ва иловалар келтириб ўтилади.

1-машғулот.

Мавзу: Ўзбекистон Республикасида таълимга оид меъёрий хужжатлар

Машғулотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар, ҳамда таълим оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий хужжатларнинг мақсади, моҳияти бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳақида тушунча.
2. Таълим соҳасида давлат сиёсати.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади ва вазифалари.
5. Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш омиллари
6. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқислари
7. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели
8. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
9. Таълимга оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни ўрганиш.

Услубий кўрсатмалар

Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний кадриятларига ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодийети, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Ўзбекистон республикаси биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан дунёга келган таълимнинг «Ўзбек модели» халқаро миқёсида энг обрўли мутахассислар томонидан тан олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний кадриятларига ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодийети, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Ўзбекистон республикаси биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан дунёга келган таълимнинг

«Ўзбек модели» халқаро миқёсида энг обрўли мутахассислар томонидан тан олинмокда.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари. **Биринчи босқич** (1997-2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб

қилиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) – Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истикболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- **шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

- **давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

- **узлуксиз таълим** – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

- **фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

- **ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- **шахс** – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

- **давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

- **узлуксиз таълим** – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

• **фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

• **ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг масади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. Таълим тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?

- а) 1997 йил 29-август
- б) 1997 йил 27-июл
- с) 1998 йил 29-август
- д) 1996 йил 17-март

2. Ўзбекистон Республикасида таълим неча турда амалга оширилади?

- а) 6
- б) 5
- с) 7
- д) 8

3. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан қандай йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда ?

- а) Ҳуқуқий йўналишга
- б) Амалий йўналишга
- с) Масофавий йўналишга
- д) Марказлашмаган йўналишга

4. Умумий ўртатаълим қандай босқичларга бўлинади?

- а) Ўрта махсус ва бошланғич таълимларга
- б) Бошланғич таълим ва олий таълимларга
- с) Ўрта махсус ва олий таълимларга
- д) Бошланғич таълим ва умумий ўрта таълим

5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим қайси муассасаларда амалга ошириш мумкин?
- а) Олий атестация комиссиясида
 - б) Корхона, ташкилотларда
 - с) Малака ошириш муассасаларида
 - д) Олий ўқув юртларида ва илмий – тадқиқот муассасаларида
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнинг яратилиш мақсади?
- а) Янги таълим ўқитиш усулларини қўллаш
 - б) Таълим соҳасини тубдан ислох қилиш
 - с) Юқори малакали кадрлар тайёрлаш
 - д) Барча жавоблар тўғри
7. Миллий дастурнинг биринчи босқичи нечанчи йилларни ўз ичига олган?
- а) 1997-2001 йилларни
 - б) 2001-2005 йилларни
 - с) 1995-1997 йилларни
 - д) 2010-2012 йилларни
8. Миллий дастурнинг иккинчи босқичи нечанчи йилларни ўз ичига олган?
- а) 1997-2001 йилларни
 - б) 2001-2005 йилларни
 - с) 1995-1997 йилларни
 - д) 2010-2012 йилларни
9. Кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти қандай номланади?
- а) Фан
 - б) Давлат ва жамият
 - с) Шахс
 - д) Узлуксиз таълим
10. Миллий дастурнинг фан модели қандай вазифани бажаради?
- а) Барча жавоблар тўғри
 - б) Юқори малакали мутахасислар тайёрлайди
 - с) Юқори малакали мутахасислардан фойдаланади
 - д) Илғор педагог ва ахборот технологиялари ишлаб чиқади
11. Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари қайси моделга қаради?
- а) Давлат ва жамият
 - б) Фан

- с) Шахс
- д) Ишлаб чиқариш

12. Миллий дастурнинг учунчи босқичи нечанчи йилларни ўз ичига олган?

- а) 2005 ва ундан кейинги йилларни
- б) 2002 ва ундан кейинги йилларни
- с) 2004 ва ундан кейинги йилларни
- в) 2003 ва ундан кейинги йилларни

13. Қуйидагилардан

қайси бири Кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш йўнал ишига қиради?

- а) Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш
- б) Таълим муддатини қисқартириш
- с) Ҳамма жавоблар тўғри
- д) Таълим тизимида китоблар ўрнига электрон манбалардан фойдаланиш

14. Миллий дастурнинг бажарилиши қайси воситаларда мунтазам ёритиб борилади?

- а) Ижтимоий тармоқларда
- б) Китобларда
- с) Олий ўқув юртларида
- д) Оммавий ахборот воситаларида

15. Нечанчи йилдан бошлаб бакалавриатура ва магистратура олий малакали кадрлари тайёрлана бошланди?

- а) 1998 йил
- в) 1999 йил
- с) 1997 йил
- д) 2000 йил

16. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўлимлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари; миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари; кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели; кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
- в) кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели; кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
- с) муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари; миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари;
- д) кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

17. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) 1992-1995, 1993-1996

в) 1996-1997, 1998-2001

с) 2002-2005, 2005-2010 ва ундан кейинги йиллар

д) 1997-2001, 2001-2005, 2005 ва ундан кейинги йиллар

18. Магистратурада ўқиш неча йил?

а) 2 йил

в) 4 йил

с) 3 йил

д) 1 йил

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси илмий изланиш комплексларига нималар киради ва уларни тушунтириб беринг?
2. Ўзбекистон Республикаси ОАК вазифаси нимадан иборат?
3. ДИТД нинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг?
4. Илмий изланишларнинг умумий ташкиллантирилиши ва ривожланишини ким томонидан олиб борилади?
5. “Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш” кўмитасининг асосий вазифаси нима?
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий муассасаларига қайси муассасалар киради?
7. Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизиминутубдан ислоҳ қилиш омиллари нималардан иборат?
8. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичларини санаб ўтинг.
9. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели деганда нимани тушунаси?
10. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига нималар киради?
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонининг моҳиятини тушунтириб беринг.
12. Институтда талабалар илмий изланиш ишларининг олиб борилиши қандай ташкил этилади?
13. Талабалар илмий жамиятининг моҳиятин тушунтиринг.
14. Иқтидорли талабалар билан ишлаш илмий бўлим вазифалари нималардан иборат?

Мавзу бўйича яқунлар:

Талабага мустақил иш топшириқлари:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг мақсади ва моҳиятини тўлиқ ўрганиб келиш.
2. “Таълим тўғрисида” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги ЎзР қонунини таҳлил қилиш.
3. Таълимга оид бошқа ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларни ўрганиб келиш.

2-машғулот.

Мавзу: Хизматлар соҳаси таълим йўналишлари бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

Машғулотнинг мақсади: Хизмат, хизмат кўрсатишни, турларини ва Хизматлар соҳаси таълим йўналишлари бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. Хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчалари.
2. Хизмат кўрсатиш турларини ўрганиш ва унга оид меъёрий ҳужжатларни ўрганиш.
3. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналишининг умумий тавсифи
4. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналишида кадрлар тайёрлашга заруриятнинг мавжудлигини ўрганиш.
5. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни ўрганиш.
6. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентларини ўрганиш.
7. Бакалаврлар тайёргарлик сифатини назорат қилиш ва баҳолашни ўрганиш.

Услубий кўрсатмалар

Истиқлол туфайли Ўзбекистонда турли соҳаларнинг жадал суръатларда ривожланиши билан бирга, аҳоли кенг қатламини хизмат соҳасига эътибори қаратилди, бу борада кенг кўламли ишлар бошланди ва улар тобора такомиллашиб бормоқда. Бунинг заминида Ўзбекистондаги барча соҳалар каби хизмат соҳаси ҳам босқичма-босқич амалга оширилиши, мамлакатимиз ўзига хос ва ўзига мос йўлдан боришидир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда биз сўнгги вақтда кундалик ҳаётимизга кенг кириб борган, инсонлар муносабатида турлича талқин этилаётган хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларини кўриб чиқамиз.

Хизмат – инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатидир. Маълумки, яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш инсоннинг фазилати ҳисобланади ва доимо инсоннинг иллоти бўлган ёмонликни, бузукликни, зўравонликни қайтаради ва ўз ҳаётида адолатли бўлиб, чиройли амалларни бажаришга ундайди.

Хизмат кўрсатиш - бу инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб боришига тушунилади.

Агар биз фаолиятни ўз ичига мақсад, восита ва натижа олиш учун инсоннинг теварак-атрофга ва ўзига бўлган махсус муносабати жараёни десак, хизмат кўрсатишда фаолият олиб боришдан албатта, ҳар иккала томон бўлган хизмат кўрсатувчи манфаатдор бўлиши, даромад, фойда олиши, истеъмолчи эса хизмат сарф-харажатни бажариб кўрсатилган хизматдан мамнун, рози бўлиш мақсади туради. Ушбу фаолият тури хизмат кўрсатиш корхонаси, уюшмаси, ташкилоти, фирма ва ҳ.к. ташкил этилиши ҳамда индивидуал бўлиши ҳам мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсоният ҳаётига хизмат кўрсатишнинг янги шакл кўриниши «Сервис» тушунчаси кириб келдики, ҳозирги вақтда ҳаётда ўзининг тўла тадбиқини топаяпти.

«Сервис» сўзи инглизчадан – «service» сўзидан олинган бўлиб, - хизмат, хизмат кўрсатиш маъносини билдиради. Лекин, дунё иқтисодий ҳаётида, шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётида, айниқса, мустақиллик йилларида сервис ўзининг комплекслиги, юқори малакада ва замонавий воситаларнинг қўлланилиши билан тобора аниқлашиб бормоқда. Шунинг учун уни хизмат кўрсатишдан фарқли равишда таърифлашимиз мумкин, яъни: Сервис – деганда, юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш тушунилади. У назарий томондан чуқур фалсафий тушунча ҳисобланган хизматдан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш фаолиятининг кўп қиррали табиатини ифодалайди.

Хизматларни маълум даражада тартибга келтириш учун бир қанча халқаро ташкилотлар ҳам шуғулланиб келмоқдалар. Масалан, БМТ хизматларнинг 160 турини тан олади ва уларни 12 гуруҳга бўлади:

1. Ишчанлик хизмати	46 турда
2. Алоқа хизмати	25 турда
3. Инжиниринг ва қурилиш хизмати	5 турда
4. Дистрибьюторлик хизмати	5 турда
5. Умумтаълим хизматлари	5 турда
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизмати	4 турда
7. Молиявий хизматлар (шу жумладан суғурта хизматлари)	17 турда
8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	4 турда
9. Туризм ва сайёҳлик	4 турда
10. Дам олдириш, маданий ва спорт билан боғлиқ хизматлар	5 турда
11. Транспорт хизматлари	33 турда
12. Бошқа хизматлар (масалан, маиший)	7 турда

ХВФ (Халқаро валюта фонди)нинг таъкидлашича сотиладиган савдо хизматларига қуйидаги ўн битта хизмат турларини киритиш мумкин:

- транспорт хизмати;
- бориб келиш (хизмат сафари, туризм, сайёҳ кабилар);
- алоқа;
- қурилиш хизмати;
- суғурта хизмати,

- молиявий хизматлар;
- компьютер ва ахборот хизмати;
- бошқа бизнес хизматлари;
- шахсий, маданий ва рекреацион хизматлар;
- ҳукумат хизматлари.

**Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура
мутахассисликларининг билим соҳаси, таълим соҳаси ва йўналишлари
бўйича таснифланиши**

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	Бакалаврият таълим йўналишлари	Магистратура мутахассисликлари
	5-босқич	5А-босқич
ГУМАНИТАР СОҶА <i>Педагогика</i>	100 000 110 000	
ИЖТИМОЙ СОҶА, ИҚТИСОДВАҲУҚУҚ <i>Социология ва психология</i>	200 000 210 000	
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИК СОҶА <i>Муҳандислик иши</i>	300 000 310 000	
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ <i>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</i>	400 000 410 000	
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ <i>Соғлиқни сақлаш</i>	500 000 510 000	
ХИЗМАТЛАР СОҶАСИ <i>Хизмат кўрсатиш соҳаси</i>	600 000 610 000	
Таълим йўналиши: <i>Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)</i>	5610100	
•Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)		5А610101
Таълим йўналиши: <i>Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш</i>	5610200	
•Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш		5А610201
Таълим йўналиши: <i>Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)</i>	5610300	
•Туризм (фаолият турлари бўйича)		5А610301
Таълим йўналиши: <i>Ижтимоий-маданий фаолият</i>	5610400	
•Маданиятшунослик		5А610401

Таълим йўналиши: <i>Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)</i>	5610500	
•Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)		5A610501
•Жисмоний тарбия ва спорт менежменти		5A610502
Таълим йўналиши: <i>Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)</i>	5610600	
<i>Транспорт</i>	620 000	
<i>Атроф-муҳит муҳофазаси</i>	630 000	
<i>Ҳаётий фаолият хавфсизлиги</i>	640 000	
<i>Ҳарбий таълим</i>	650 000	

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши Ўзбекистон узлуксиз таълим Давлат таълим стандартлари, олий таълимнинг Давлат стандартлари, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига киритилган. Бу таълим йўналишлари бўйича кундузги ўқитиш шакли муддати 4 йил қилиб белгиланган. Ҳозирги мазкур таълим йўналиши бўйича ўқитишнинг сиртқи шакли мавжуд эмас. Мазкур йўналиш бўйича ўқишни тугаллаган талабаларга «Бакалавр» академик даражаси берилади.

Мазкур йўналиш бўйича бакалавр касбий фаолияти турлари хилма-хил бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади: ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш-бошқарув, лойиҳа-таҳлилий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-тадқиқот.

Давлат таълим стандартларида кўрсатилганидек, товар экспертизаси хизматини ташкил этиш йўналиши бўйича бакалаврлар ўқишни тугаллагандан кейин икки йил магистратурада давом эттиришлари мумкин.

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар. Давлат таълим стандартида кўрсатилганидек бакалавр тайёргарлигига қуйидаги учта талаблар кўрсатилади:

1. Умумий малакавий талаблар.
2. Касбий малакавий талаблар.
3. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар.

Касбий малакавий талаблар:

- Иқтисодий соҳа;
- Сервис хизмати кўрсатиш соҳаси;
- Тадбиркорлик соҳаси;
- Молия-ҳисоб соҳаси;
- Илмий соҳа;
- Таълим соҳаси.

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълими дастури таълимнинг кундузги шукли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, талаба ҳафталик ўқув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкламаси-30 соат гача, қолган соатлар ҳажми мустақил соатлар учун ажратилади.

5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича таълим дастури 4 та фанлар блокини ўз ичига оладиб

6. Гуманитар ва табиий-илмий фанлар.

7. Умумқасбий фанлар.

8. Иқтисослик фанлар.

9. Қўшимча фанлар.

Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат-олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқарувчи ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

якуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича давлат аттестациясини ва битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат жамоат назорати олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. Хизмат бу - ...

а) хизмат соҳасининг босқичма-босқич амалга оширилиши

в) инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатидир

с) инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши

д) юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш

2. Хизмат кўрсатиш бу - ...

а) хизмат соҳасининг босқичма-босқич амалга оширилиши

в) инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатидир

с) инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши

д) юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш

3. Сервис бу - ...

а) хизмат соҳасининг босқичма-босқич амалга оширилиши

в) инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатидир

с) инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши

д) юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш

4. Сервис сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маънони билдиради?

а) «Сервис» сўзи французчадан – «service» сўзидан олинган бўлиб, - тез хизмат кўрсатиш маъносини билдиради

в) «Сервис» сўзи инглизчадан – «service» сўзидан олинган бўлиб, - тез етказиб бериш, беминнат хизмат маъносини билдиради

с) «Сервис» сўзи инглизчадан – «service» сўзидан олинган бўлиб, - хизмат, хизмат кўрсатиш маъносини билдиради

д) «Сервис» сўзи лотинчадан – «servis» сўзидан олинган бўлиб, - яхшилик қилиш, беғараз ёрдам кўрсатиш маъносини билдиради

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

а) 2006 йил 17 апрел

б) 2008 йил 21 апрел

с) 2005 йил 18 март

д) 2007 йил 11 август

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таснифи бўйича хизматлар неча турга бўлинади?

а) 100

б) 150

с) 200

д) 160

7. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида катта тармоқлари қайси тармоқлар ҳисобланади?

а) Транспорт, савдо ва умумий овқатланиш

б) меҳмонхона ва туристик хизматлар

с) молия хизматлари

д) таълим хизматлари

8. Республикамиздаги хизматлар кўрсатишнинг янги йўналишлари – бу?

- а) таълим,коммунал
- б) банк-молия,савдо
- с) туризм,ахборот–коммуникация
- д) таълим ва туризм

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таснифи буйича хизматлар тури неча гуруҳга булинади?

- а) 15
- б) 18
- с) 12
- д) 14

10. Ишлаб чиқариш турлари тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг

- а) индустриал, постиндустриал
- б) моддий,номоддий
- с) техник,коммунал
- д) маиший,сервис

11. Бакалавриат таълим йўналиши бўйича неча билим соҳаси мавжуд?

- а) 8
- б) 7
- с) 6
- д) 9

12.Хизматлар соҳаси қайси код билан бошланади?

- а) 6
- б) 5
- с) 4
- д) 7

13. Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматини ташкил этиш) йўналишида таълим олган бакалавр касбий фаолиятининг объектлари?

а) сифат экспертизаси, ишлар ва хизматлар сертификацияси соҳасида фаолият юритадиган корхоналар, ташкилотлар ва шунингдек тижорат ва товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналар

б) ишлар ва хизматлар сертификацияси соҳасида фаолият юритадиган корхоналар, ресторан, меҳмонхона, озик – овқат ишлаб чиқариш корхоналари

с) меҳмонхоналар, озик – овқат ишлаб чиқариш корхоналари, сифат экспертизаси, тижорат корхоналари

д) ишлар ва хизматлар сертификацияси соҳасида фаолият юритадиган корхоналар, ресторан, меҳмонхона, озик-овқат ишлаб чиқариш корхоналари, ва супермаркетлар

14. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар нечта?

- а) 3
- б) 5
- в) 6
- г) 4

15. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълими дастури вақт тақсимооти неча ҳафтадан иборат?

- а) 220
- б) 204
- а) 300
- г) 310

16. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича таълим дастури нечта фанлар блокинни ўз ичига олади?

- а) 6та
- б) 4та
- в) 5та
- г) 7та

17. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш нечта боскичдан иборат?

- а) 3 боскич
- б) 5 боскич
- в) 6 боскич
- г) 4 боскич

18. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш жараёни учун масъул ташкилот?

- а) Олий ва Урта-махсус таълим вазирлиги
 - б) Олий таълим муассасаси
 - в) Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази
- Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармаси

г) Укув ва илмий ишлар буйича проректор

19. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълими дастури вақт таксимотида малакавий амалиёт учун неча ҳафта ажратилган

- а) 15
- б) 20
- в) 26
- г) 30

20. Давлат таълим стандартлари бўйича Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалавр йўналишини тугаллаганлар учун неча мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириш мумкин.

- а) 2
- б) 1
- в) 3
- г) 4

21. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича укуштишнинг давлат таълим дастурида давлат аттестацияси учун неча ҳафта ажратилган

- а) 5
- б) 1
- в) 3
- г) 4

22. Бакалавриятлар – мутахассисликлар йўналишлари бўйича қандай таълим ҳисобланади?

- а) таянч олий ҳисобланади
- б) фундаментал ҳисобланади
- в) амалий ҳисобланади
- г) функционал ҳисобланади

23. Олий таълимда ички назорат қайси ташкилот томонидан амалга оширилади?

- а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
- в) олий таълим муассасаси томонидан
- с) давлат аттестацияси
- д) олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари

24. Олий таълимда якуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ нималарни ўз ичига олади?

- а) олий таълим муассасасидаги умумкасбий фанларни
- в) Давлат тест маркази томонидан тузилган тестларни
- с) фанлар бўйича давлат аттестациясини ва битирув иши ҳимоясини
- д) олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган саволларни

25. Олий таълимда давлат жамоат назорати қандай тартибда ўтказилади?

- а) олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган
- в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган
- с) давлат аттестацияси комиссияси томонидан белгиланган
- д) олий таълим муассасаси томонидан

26. Олий таълимда ташқи назорат қайси ташкилот томонидан амалга оширилади?

- а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги
- в) олий таълимнинг бошқарувчи жамоат ташкилотлари
- с) олий таълим муассасаси бўйсинувчи ташкилотлар
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларига таъриф беринг.
2. Хизмат кўрсатиш турларини ўрганиш ва унга оид меъёрий ҳужжатларга нималар киради?
3. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналишининг умумий тавсифини тушунтириб беринг.
4. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналишида кадрлар тайёрлашга заруриятнинг мавжудлиги нимадан иборат?
5. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қандай талаблар қўйилади?
6. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентларига нималар киради?
7. Бакалаврлар тайёргарлик сифатини назорат қилиш ва баҳолаш қандай амалга оширилади?

Мавзу бўйича яқунлар:

Талабага топшириқлар:

1. Бакалавриатурага ва Хизматлар соҳасига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ва уларнинг турларини ўрганиб келиш.

3-машғулот.

Мавзу: Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг структураси

Машғулотнинг мақсади: Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг структураси бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:


1. Олий ўқув юртлари бошқарувининг марказий ва ҳудудий органларини ўрганиш
2. Олий ўқув юртлари бошқарувининг вазифалари.
3. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ташкилий тузилмасини ўрганиш.
4. Олий ўқув юртларининг факультетларининг вазифаларини ўрганиш.
5. Олий ўқув юртларидаги кафедралар ва уларнинг вазифаларини ўрганиш.

Услубий кўрсатмалар

Олий ўқув юртларининг вазифаси халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Олий ўқув юртлари катта икки гуруҳга бўлинади: университетлар ва институтлар. Бугунги кунда Ўзбекистон олий мактаби тизимида 84 та олий ўқув юрти мавжуд. Шулардан 21 таси университетлар ва 63 таси эса институтлар ҳисобланади. Ана шу 21 та университетларнинг 12 таси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Бу келтирилган маълумотлардан шу нарсани англаш мумкинки, олий таълим тизимида асосий массани институтлар ташкил этади.

Олий ўқув юртининг тури, категорияси ва мутахассислар тайёрлаш шаклига қараб ўзининг структурасида филиаллар, факультетлари, бўлимлари, кафедралари, ўқув-консултация пунктлари, лабораториялари, ахборотресурс марказлари, ўқув-ишлаб чиқариш ва экспериментал базаларига, устахоналари, компьютер маркази, босмахона, спорт-соғломаштириш лагерлари ва бошқа бўлинмаларига эга бўлади (1-расм).



1-расм. Олий таълим муассасасининг структураси.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги 144 сонли қарорига биноан Самарқанд кооператив институти негизда ташкил этилди.

Олий ўқув юртининг факультети тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5-декабр 343 сонли буйруғи билан тасдиқланган.



2-расм. СамИСИнинг таркибий тузилмаси

Олий ўқув юртларининг кафедралари Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълими вазирлигининг 1998 йил 5-декабр 343-сонли буйруғи

билан тасдиқланган. «Олий ўқув юртлари кафедралари тўғрисида»ги низом асосида фаолият юритади.

Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. Бугунги кунда Ўзбекистон олий мактаби тизимида нечта олий ўқув юрти мавжуд.
 - а) 80 дан ортиқ
 - б) 78 та
 - в) 70 дан кам
 - г) 50 та

2. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда нечта университет ташкил топди.
 - а) 15
 - б) 12
 - в) 18
 - г) 20

3. Ўзбекистонда нечта университет мавжуд.
 - а) 15
 - б) 21
 - в) 16
 - г) 20

4. Бакалавриятлар – мутахассисликлар йўналишлари буйича қандай таълим ҳисобланади?
 - а) таянч олий ҳисобланади
 - б) фундаментал ҳисобланади
 - в) амалий ҳисобланади
 - г) функционал ҳисобланади

5. Ўзбекистонда давлат олий таълим тизимининг фаолиятини қайси орган бошқаради.
 - а) Вазирлар маҳкамаси
 - б) Сенат палатаси
 - в) Олий ва Урта-масус таълим вазирлиги
 - г) Давлат таълим стандарти ишлаб чиқарувчи бошқарма

6. Институтнинг ҳолати ва фаолияти учун бирдан – бир жавобгар шахс бу?
 - а) Уқув ва илмий ишлар буйича проректор
 - б) Ректор
 - в) Олий ва Урта-махсус таълим вазири
 - г) Олий ва урта махсус таълим вазирининг уринбосари

7. Институтда илмий – тадқиқот ишларининг ҳолати, профессор – ўқитувчиларнинг малакасини ошириш иқтидорли талабалар билан ишлаш ва институтнинг нашр қилиш фаолиятига жавобгар шахс

- а) Ректор
- б) Уқув ва илмий ишлар буйича проректор
- г) Илмий ишлар буйича проректор
- в) Ўқув ишлари проректори

8. Институтда ўқув аудиториялари кабинетлари, лабораториялари, хўжалик, маънавий – маиший муассасаларни керакли жиҳозлар, мебеллар, инвентар материаллар билан таъминлаш ва аудитория, кабинет, лабораторияларининг нормал ҳолатда бўлишини назорат қилиш вазифалари хўжалик ва молия ишлари учун жавобгар шахс

- а) Ректор
- б) Уқув ва илмий ишлар буйича проректор
- г) Молия иқтисодий ишлар буйича проректор
- в) Маънавий-маърифий ишлар буйича проректор

9. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорига биноан Самарқанд кооператив институти негизида ташкил этилди.

- а) 2004 йил 26 мартдаги 144 сонли
- б) 2005 йил 16 мартдаги 165 сонли
- в) 2003 йил 5 майдаги 135 сонли
- г) 2007 йил 8 майдаги 136 сонли

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Олий ўқув юртлари бошқарувининг марказий ва ҳудудий органларига нималар киради?
2. Олий ўқув юртлари бошқарувининг вазифалари нималардан иборат?
3. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ташкилий тузилмасини тушунтириб беринг.
4. Олий ўқув юртларининг факультетларининг вазифаларига нималар киради?
5. Олий ўқув юртларидаги кафедралар қандай ташкил этилади?
6. Кафедраларнинг вазифалари нималардан иборат?.

Талабага топшириқлар:

1. “Кластер” технологияси асосида ОТМ таркибини, бўлимларнинг, факультетлар, кафедраларнинг вазифаларини ва талабаларга қўйилган талабларни ўрганиш.

4-машғулот.

Мавзу: Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш

Машғулотнинг мақсади: Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. Олий ўқув юртларида талабаларни ўқитишнинг ўзига хос-хусусиятарини ўрганиш.
2. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ўрганиш
3. Олий ўқув юртларида қўланиладиган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмунини ўрганиш
4. Мутахассисликнинг малакавий тавсифи.
5. Мутахассис тайёрлашнинг ўқув режаси ва унинг мазмунини ўрганиш.

Услубий кўрсатмалар

Олий ўқув юртларига кириб ўқиш ҳар бир фуқаронинг конституцион ҳуқуқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 41-моддасида шундай дейилган: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». Лекин, талаба олий ўқув юртига киргандан кейин яхши ўқиш ва олий ўқув юртининг ҳамма талабларига жавоб бериш унинг бирдан бир бурчи ҳисобланади.

Олий ўқув юртларида ўқув йили икки семестрга бўлинади ва уларнинг ҳар бири талабалар билимини рейтинг назорати асосида баҳолаш билан тугалланади.

Олий ўқув юртларида ўқув ахборотлари талабаларга интенсив ва замонавий педагогик технологиялар асосида етказиб берилади. Ўқув режасида кўрсатилган ҳамма фанлардан талабалар маъруза, амалий ва лаборатория дарсларига қатнашиши зарур.

Олий ўқув юртларида талабалар ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётини илғор корхона ва ташкилотларда ўтадилар.

Олий ўқув юртларида билим олиш ва амалий кўникмаларини шакллантириш талабаларнинг мустақил ишларига ҳам асосланади.

Кундузги ўқув шакли бўйича ўқитаётган талабаларга қуйидаги ўқув дарслари белгиланади: маъруза, лаборатория дарслари, амалий дарслар, семинар дарслари, амалиёт (танишув, ишлаб чиқариш, битирув олди), курс ишлари, консультация, талабалар мустақил иши. Маъруза ва лаборатория-

амалий дарслар махсус жиҳозланган аудиторияларда ўтказилади. Буларни аудиториядарслари деб аталади.

Меъёрий ҳужжатлар бакалавриат йўналишлари ва фанлар бўйича бўлади.

Мутахассисликлар бўйича меъёрий ҳужжатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мутахассиснинг квалификациян тавсифи;
- мутахассиснинг намунавий ўқув режаси (1-жадвал);
- мутахассисликнинг ишчи ўқув режаси (2-жадвал);
- муҳим фундаментал ва умумқасбий фалардан узлуксиз таълим режаси;
- талаба амалий тайёргарлигининг узлуксиз дастури;
- аудитория дарслари тақвим жадвали;
- аудиториядан ташқари мустақил ишлаш жадвали;
- битирув ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- магистрлик диссертацияларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- фанлар бўйича меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жадвали ва ҳоказолар.

Фанлар бўйича меъёрий ҳужжатлар эса ўз ичига қуйидагиларни олади:

- фаннинг намунавай ўқув дастури;
- фаннинг ишчи ўқув дастури;
- асосий дарсларни ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар;
- рейтинг тизимининг моҳияти ва уни ўтказиш тартиби;
- фанлардан мустақил иш бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- талабалар билан индивидуал ишлаш жадвали ва бошқалар.

«5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)» таълим йўналишини тугаллаган бакалаврлар сифат экспертизаси, ишлар ва хизматлар сертификацияси соҳасида фаолият юритадиган корхоналар ва ташкилотларда, шунингдек, ўқув фанларидан дарс ўтишга талаблар, талабалар билим даражасини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади, ўқитишнинг мазмуни аниқланади ва лаборатория ва кабинетлар керакли ўқув ва илмий жараёнлар учун зарур бўладиган ускуналар ва приборлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Мутахассиснинг квалификациян тавсифи асосида мутахассисликнинг намунавий ўқув режаси, фанларнинг намунавий ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар яратилади ва тасдиқланади. Шунингдек, ўқув фанларидан дарс ўтишга талаблар, талабалар билим даражасини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади, ўқитишнинг мазмуни аниқланади ва лаборатория ва кабинетлар керакли ўқув ва илмий жараёнлар учун зарур бўладиган ускуналар ва приборлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ўқув режаси – бу давлат ҳужжати ҳисобланиб, олий таълим муассасаси шу асосда олий малакали кадрларни тайёрлашни амалга оширади. Ўқув режалари ҳар бир мутахассислик учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда «5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)» йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 24-июн 2017 йилда тасдиқланган ўқув режаси асосида олиб борилади.

Намунавий ўқув режасида жами ўқитиладиган фанлар мажбурий ва қўшимча ўқитиладиган фанларга бўлинади. Мажбурий ўқитиладиган фанлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан белгилаб борилади. Қўшимча фанларни эса бакалаврият йўналишларининг турига қараб олий таълим муассасаси томонидан белгиланади. Институт томонидан киритиладиган қўшимча фанларнинг ҳажми талабанинг жами ўқув вақтининг 15% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

1-жадвал

Намунавий ўқув режа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ		
<p>«ТАСДИҚЛАЙМАН» Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори</p> <p>_____М.Пўлат</p> <p style="text-align: center;">ов</p> <p style="text-align: center;">201__йил</p> <p style="text-align: center;">«__»_____</p> <p>м.ў.</p>	<p>ЎҚУВ РЕЖА</p> <p>Таълим йўналиши: <i>5610100 – Хизматлар соҳаси</i> <i>(товар экспертизаси</i> <i>хизматларини ташкил</i> <i>этиши)</i></p> <p>Академик даража - БАКАЛАВР</p> <p>Ўқиш муддати - 4 йил</p> <p>Таълим шакли – кундузги</p>	<p>«КЕЛИШИЛДИ» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;">И.Маджидов</p> <p style="text-align: center;">201__йил «__»_____</p> <p>м.ў.</p>

				5	6	7	8	9	10	11	42	44	46	42										
		Семестрлар									1	2	3	4	5	6	7	8						
		Семестрдаги аудитория машғулотлари									хафталарининг сони													
		со	%								1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
ат		8	8	8	6	8	6	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	1	1	1	1	1	1	1	1						
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	19 40	29 ,4	11 98	39 8	59 8	9 2	1 1 0		74 2	2 1	1 9	1 9	2	2	2	2							
	<i>Танлов фанлари</i>	72		36		36				36								2						
2.00	Умумқасбий фанлар	24 78	37 ,6	12 58	61 2	58 6	6 0		1 ки	12 20	5	4	1 1	1 0	1 7	9	1 6							
	<i>Танлов фанлари</i>	89 8		45 8	22 8	23 0				44 0	5	4		5		9	4							
3.00	Ихтисослик фанлари	18 50	28 ,1	98 0	48 4	40 4	9 2		1 ки	87 0		3		1 3	1 1	1 9	1 2							
	<i>Танлов фанлари</i>	80 6		42 6	21 2	21 4				38 0		3		7	6	5	4							
4.00	Қўшимча фанлар	32 0	4, 9	22 4	11 2	11 2				96	4	4		5										
	Жами	65 88	10 0	36 60	16 06	17 00	2 4 4	1 1 0	2 ки	29 28	3 0	3 0	3 0	3 0	3 0	3 0	3 0							
	Малакавий амалиёт	16 20																						
	Битирув малакавий иши	32 4																						
	Аттестациялар	86 4																						
	Жами	28 08																						
	ҲАММАСИ	93 96																						

Ишчи ўқув режа

№	O'quv fanlari, bloklari va faoliyat turlarining nomlari	Kafedra shifri	Talabanning o'quv yuklamasi (soatlarda)									Soatlarning kurs, semestr va haftalar bo'yicha taqsimoti							
			Umumiy yuklaning hajmi		Auditoriya mashg'ulotlari (soatlarda)						Mustaqil ta'lim	1 - kurs	2 - kurs	3 - kurs	4 - kurs				
					Jami	Ma'ruza	Amaliy mashg'ulot	Laboratoriya ishi	Seminarlar	Kurs ishi		Kurslardagi haftalar soni							
			Soat	%							41	46	46	42	Semestrlar				
														1	2	3	4	5	6
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1.00	Gumanitar va tabiiy-ilmiy fanlar		1940	29,4%	1044	338	550	76	80		80	896	18	19	19	22	22	22	20
	<i>Tanlov fanlari</i>		102		52		52				50								2
1.11	Amaliy xorijiy til	13	102		52		52				50								2
2.00	Umumkasbiy fanlar		2478	37,6%	1360	668	640	52	0	1	118	84	110	17	9	16			0
	<i>Tanlov fanlari</i>		1044		572	284	288	0	0	0	472	84	05	09	6				0
2.10	Mutaxassislikka kirish	11	120		64	32	32				56	4							
3.00	Ixtisoslik fanlari		1850	28,1	1048	52	42	10	0	1	80	03	0	13	11	19	12		0

				%		4	4	0			2								
	<i>Tanlov fanlari</i>		78		44	2	2	0	0	0	3								
			2		0	0	0	0	0	0	4	0	3	0	7	6	5	4	0
											2								
3.05	Iste'molchilar huhuqlarini himoya qilish	1 1	90		48	2 4	2 4				4 2		3						
4.00	Qo'shimcha fanlar		32	4,9	20	1	1	0	0	0	1	4	4	0	5	0	0	0	0
			0	%	8	4	4				2								
4.01	Hayot faoliyati havfsizligi	1 1	10		64	3 2	3 2				3 6	4							
	Jami		65	10	36	1	1	2	8	2	2	3	3	3	3	3	3	3	0
			88	%	60	4	8	8	0		8								
	Malaka amaliyoti		16																
	Bitiruv malakaviy ishi		27																
	Attestatsiyalar		97																
			2																
	Jami		28																
			62																
	Hammasi		94																
			50																

Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. Республикамизда билим олиш ҳуқуқи қайси қонуний ҳужжатда белгиланган

а) Давлат таълим стандартида

б) Конституцияда

в) Олий ўқув юртлири фаолиятини координация қилувчи ҳужжатларда

г) Президентимизнинг 1992 йилги қарорида

2. Уқув жараёнини режалаштириш, мутахассисларларнинг халқ хўжалиги тармоқларида истиқболлини белгилаш, олий ўқув юртлирида ўқув – тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжат бу

а) давлат таълим стандарти

б) мутахассисликнинг ишчи ўқув режаси;

в) талаба амалий тайёргарлигининг узлуксиз дастури

г) мутахассиснинг квалитикацион тавсифи

3. Институт томонидан киритиладиган қўшимча фанларнинг ҳажми талабанинг жами ўқув вақтининг неча фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

- а) 25%
- б) 30%
- в) 15%
- г) 20%

4. Педтехнология тушунчаси нечанчи йилларда фанга кириб келди

- а) 50 йилларда
- б) 60 йилларда
- в) 70 йилларда
- г) 80 йилларда

5. Таълим амалиётига нисбатан педагогик технология неча булимга булинади?

- а) 5
- б) 2
- в) 3
- г) 2

6. Уқув режаси нима?

- а) бу давлат ҳужжати ҳисобланиб, олий таълим муассасаси шу асосда олий малакали кадрларни тайёрлашни амалга оширади.
- б) ўқув жараёнини режалаштириш, мутахассисларнинг халқ хўжалиги тармоқларида истиқболлини белгилаш, олий ўқув юртларида ўқув-тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга оширишдаги расмий ҳужжат
- в) намунавий ўқув режаси, фанларнинг намунавий ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар
- г) асосий дарсларни ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар

7. 2017 йилдаги «Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)» таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қачон тасдиқланган?

- а) 2017 йил 25 июн
- б) 2017 йил 24 август
- в) 2017 йил 6 апрель
- г) 2017 йил 6 август

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Олий ўқув юртларида талабаларни ўқитишнинг ўзига хос-хусусиятлари нималардан иборат?
2. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш қандай тартибда амалга оширилади?
3. Олий ўқув юртларида қўланиладиган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмунига нималар киради?
4. Мутахассисликнинг малакавий тавсифи деганда нимани тушунасиш.
5. Мутахассис тайёрлашнинг ўқув режаси ва унинг мазмуни ўз ичига нималарни олади?

Талабага топшириқлар:

1. ОЎЮларидаги ўқув режаларни, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш.

5-машғулот.

Мавзу: Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли

Машғулотнинг мақсади: Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. Маъруза дарслари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги ўрнини ўрганиш.
2. Лаборатория ўтказиш тартибини ўрганиш
3. Амалий дарсларни ўтказиш тартибини ўрганиш.
4. Мутахассислар шаклланишида битирув малакавий ишни ўрни
5. Фанлардан курс ишлари бажарилишини ўрганиш.
6. Педагогик технологиялар ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги аҳамиятини ўрганиш.
7. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими ўрганиш.

Услубий кўрсатмалар

Маъруза бу – ўқитувчи томонидан ўқув, илмий, илмий-услубий ва бошқа материалларни систематик ва кетма-кетликда оғзаки баён этишдан иборатдир. У бошқа дарсларнинг ҳам асосий мазмунини ифодалайди. Яхши ўқилган маъруза дарси талабанинг билимга интилишини юксалтиради ва бу билимларни эгаллашда фаоллигини оширади. Маъруза маълум фан соҳасида унинг назарий ва амалий йўналишлари билан таништиради, талабаларнинг мутақил иш йўналишларини белгилайди, илмий ижод қилиш қобилиятларини ривожлантиради, илмий муаммоларга муносабатини шакллантиради.

Яхши маъруза – бу аудиторияда маърузачи ва талабанинг биргаликдаги ижодий иши маҳсули ҳисобланади. Маърузани эшитиш учун талаба тайёр ҳолда келиши керак.

Олий ўқув юртларида лаборатория ва амалий дарслар маъруза эшитиш давомида олган билимларини мустаҳкамлаш учун ўтказилади ва назарияни амалиёт билан боғловчи бўғин ҳисобланади.

Амалий дарслар бутун гуруҳда ўтказилса, лаборатория дарсларини ўтишда эса гуруҳ икки кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўқитувчи раҳбарлигида мустақил шуғулланади. Лаборатория ва амалий дарсларга маъруза ва олдинги дарсларни ўзлаштирган талабаларгина кўйилади. Янги дарсни ўтишдан олдин ўқитувчи жорий назоратни амалга ошириб, талабалар билимини баҳолайди.

Лаборатория ва амалий дарслар махсус янги ўқув-илмий жиҳозлар билан жиҳозланган лаборатория ва кабинетларда ўтказилади. Бўлғуси

«Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)» йўналиши бакалавриятлари бу дарс жараёнлари давомида шу соҳа бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қила бошлайдилар.

Масалан, “Озиқ-овқатни тадқиқ этиш услублари” фанидан лаборатория машғулоти бажариш:

Мавзу: “Маҳсулотларни органолептик баҳолаш”. Лаборатория учун керакли жиҳозлар, приборлар, реактивлар, инвентарлар ва бошқалар, уни ўтказиш тартибини ўрганиш (1-жадвал).

1-жадвал

Озиқ овқат маҳсулотларини органолептик баҳолашнинг дегустацион харитаси

Дегустаторнинг фамилияси ва исми _____

Гуруҳ _____

№	Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар номи					Жами баҳо	Изоҳ
		Ташқи куруниши	Ранги	Консистенцияси	Таъми	Ҳиди		
1								
2								
3								

Дегустатор имзоси _____ сана _____

Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31-декабрда қабул қилинган №362-сонли буйруғи талаблари асосида амалга оширилади.

Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари.

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) - олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Малакавий ишни бажаришнинг мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

ижодий ишлаш, ишлаб чиқарилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлаш.

Малакавий ишни таркиби: битирув малакавий ишларнинг мавзуси, малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш, малакавий ишнинг бажарилиши, малакавий ишни ҳимоя қилиш.

Технология – грекча сўз бўлиб, технос-санъат, маҳорат; логос – таълимот деган маъноларни билдиради.


Қуйида педагогик технологиянинг баъзи бир таърифларини келтирамиз.

Б.Лихачев таърифи бўйича «Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Аини замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (2-жадвал).

ЮНЕСКО ташкилоти таърифи бўйича «Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир».

2-жадвал

“ВЕНН” диаграммасини тузиш вазифаси . Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар турларининг бир-биридан фарқланиш жихатларини таҳлил қилинг.



Талабалар бу усулдан фойдаланиш шартларни бажаришлари шарт:

- гуруҳ 3 та майда гуруҳга бўлинади;
- 1 гуруҳ зилзилага оид барча тушунчаларни тўлиқ таҳлил қилиб чиқади;
- 2 гуруҳ сув тошқинига оид бўлган маълумотларни ўрганиб чиқадилар ва умумлаштирадилар;
- 3 гуруҳ эса қор кўчкиси бўйича керакли бўлган тушунчаларни, муаммоларни ва ундан ҳимояланиш чоралари ҳақида фикрларни таҳлил қилиб, умумлаштириб чиқадилар;
- дарс сўнгида учала гуруҳ фикрлари умумлаштирилиб, уларнинг бир-биридан фарқи аниқланади ва талабаларга рейтинг тизими асосида баҳоланади ҳамда кейинги машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар берилади.

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўра махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган (3-жадвал).

Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буруғи билан Низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган.

Мазкур Низом олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

«Рейтинг» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «баҳо», «шахсий коэффициент» деган маънони англатади.

3-жадвал

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш меъзонлари

Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар
Баҳолаш мезонлари	<p>100 балл «аъло»</p> <ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; - фанга оид кўрсаткичларни таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш; - ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; - ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; - таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва холисона баҳо бериш; - ўрганилаётган сервис жараёни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; - таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. <p>71-85 балл «яхши»</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; - таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; - ўрганилаётган сервис жараёни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; - ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; - тегишли қарорлар қабул қилиш. <p>51-70 балл «қониқарли»</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни

	<p>аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўрганилаётган сервис жараёни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; <p>54 балл «қоникарсиз»</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўтилган фаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик; - сервис жараёни ҳақида тасаввурга эга эмаслик; - сервис соҳасинингасосий жиҳатларини билмаслик. 		
	Рейтинг баҳолаш турлари	Макс балл	Ўтказиш вақти
	Жорий назорат:	35	
	Маъруза ва амалий машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	6	Семестр давомида
	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	5	
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарганлиги учун	24	
	Оралик назорат		
	Биринчи оралик назорат оғзаки, тест шаклида ўқитувчи томонидан қабул қилинади	17	Оралик назоратлар фаннинг маърузага қўйилган соатнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ва график асосида олиб борилади.
	Иккинчи оралик назорат тест шаклида ўқитувчиси томонидан қабул қилинади. Оралик назоратлар белгиланган баллар асосида талаба томонидан тўпланиб борилади. Агарда талаба ораликлардан етарлича баллар тўплай олмасалар ўқитувчи томонидан белгиланган муддатларгача топширишга рухсат берилади. Талабаларнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, мавзуларга доир ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади.	18	
	Якуний назорат	30	График асосида
	Ёзма иш	30	
	ЖАМИ	100	

Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. Олий ўқув юртларида ўқувчиларга ўқув ва илмий-техник ахборотларни етказишнинг энг асосий шаклларидан бири
 - а) амалий лаборатория ишлар
 - б) маъруза
 - в) семинар
 - г) янги инновацион педтехнологиялар

2. Олий ўқув юртларида лаборатория ва амалий дарслар қандай вазифани бажаради?
 - а) назарияни амалиёт билан боғловчи бўғин ҳисобланади.
 - б) янги дарсни ўтишдан олдинги такрорлаш
 - в) ўқув жараёнини режалаштириш, мутахассисларларнинг халқ хўжалиги тармоқларида истиқболлини белгилашда муҳим роль уйнайди
 - г) натижаларни ҳисоблаши ва олинган натижаларни текшириш

3. Курс иши мавзулари ким томонидан берилади?
 - а) проректор томонидан
 - б) ташкилот томонидан
 - в) кафедра томонидан берилади
 - г) факультет томонидан берилади

4. Курс иш (лойиҳа)ларга кимлар раҳбарлик қилади?
 - а) ёрдамчи ходимлар
 - б) кафедра профессор-ўқитувчилари
 - в) лаборантлар
 - г) факультет деканлари

5. Курс ишини ёзилиш тартибини санаб беринг?
 - а) экспериментал (тажриба) амалий қисм
 - в) кириш, адабиётлар таҳлили ва вазифалар
 - с) хулосалар, фойдаланилган адабиётлар, қўшимча материаллар
 - д) в, а, с

6. Курс ишини ёзишда умумий ҳажми ўртача қанча бет бўлиши керак?
 - а) 10-15
 - в) 30-35
 - с) 50-60
 - д) 80-90

7. Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қайси буйруғи талаблари асосида амалга оширилади?

- а) 1997 йил 31-декабрда қабул қилинган 365-сонли
- б) 1998 йил 31-декабрда қабул қилинган 362-сонли
- в) 1996 йил 15 августда қабул қилинган 450-сонли
- г) 1999 йил 15 августда қабул қилинган 450 сонли

8. Малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш қандай расмийлаштирилади.

- а) талаба аризасига биноан кафедра буйругига асосан
- б) раҳбар аризасига биноан кафедра деканат буйругига асоан
- в) кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйругига асосан
- г) кафедранинг тақдимномаси бўйича укув ва илмий ишлар бўйича проректор буйругига асосан

9. Мутахассис чиқарувчи кафедра малакавий ишга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳажмини белгиланган ҳолда нима қилади?

- а) малакавий ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва талабаларни таъминлайди
- б) малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади, талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларининг қайтарилишига ёки қўчирилишига йўл қўймайди.
- в) асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади.

10. Битирув малакавий ишининг тушунтириш қисми неча суздан иборат булиши шарт

- а) 500-600
- б) 800-900
- в) 10000-15000
- г) 1000-1500

11. Малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатлари қайси булим тарафидан белгиланади.

- а) ректорат
- б) укув ва илмий ишлар булими
- в) кафедра
- г) деканат

12. Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби қайси хужжатда белгилаб қўйилган.

- а) ГОСТда
- б) олий укув юртлари укув режаларида
- в) Укув йуналиши стандартида

г) олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомда

13. Битирув малакавий ишларни кимлар бажаради?

- а) бакалавриатурада таълим олаётган талабалар
- в) лицейларда таълим олаётган ўқувчилар
- с) ташкилотларда ишлаётган ходимлар
- д) магистратурада таълим олаётган талабалар

14. Битирув малакавий иш мавзулари ким томонидан берилади?

- а) факультет декани томонидан
- в) проректор томонидан
- с) кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан
- д) ташкилотлар томонидан

15. Битирув малакавий иш мавзулари ва раҳбарлари ким томонидан тасдиқланади?

- а) Олий мажлис палатаси
- в) Вазирликлар
- с) Факультет декани
- д) Олий ўқув юртларининг ректори

16. Битирув ишларининг бажарилишида қабул қилинган ечимларга ким жавоб беради?

- а) кафедра мудирини
- в) битирув иш муаллифи, талаба
- с) касаба уюшма ходими
- д) ташкилот раҳбари

17. Малакавий иш ҳимоядан сўнг олий ўқув юртида неча йил сақланади.

- а) 15 йил
- б) 12 йил
- в) 10 йил
- г) 20 йил

18. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом қачон қабул қилинган?

- а) 2009 йил 11 июн
- б) 2008 йил 12 апрел
- в) 2007 йил 11 июл
- г) 2010 йил 12 апрел

19. Академик қарздор талабаларга семестр тугагандан кейин қайта ўзлаштириш учун канча муддат берилади.

- а) 3 ҳафта
- б) 2 ҳафта
- в) 1 ҳафта
- г) 1 ой

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Маъруза дарслари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашда қандай ўринга эга?
2. Лаборатория машғулоти қандай тартибда ўтказилади?
3. Амалий дарслар қандай тартибда ўтказилади?
4. Мутахассислар шаклланишида битирув малакавий ишнинг аҳамиятини тушунтиринг.
5. Фанлардан курс ишлари қандай тартибда бажарилади?
6. Педагогик технологиялар ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
7. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими қандай олиб борилади?

Талабага топшириқлар:

1. Лаборатория машғулоти бўйича, курс иши бўйича ва малакавий битирув иши бўйича намуналар тузиб келиш.

6-машғулот.

Мавзу: Инновацион таълим технологиялари

Машғулотнинг мақсади: Инновацион таълим технологиялари бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. “Инновацион таълим технологиялари” тушунчасини ўрганиш
2. Инновация ва новация тушунчаларини ўрганиш
3. Таълим инновацияларнинг турлари
4. Интерфаол таълимни ўрганиш
5. Таълим технологиялардаги асосий омиллар
6. Таълим технологиялардаги иккиламчи омиллар
7. Интерфаол ТТнинг асосий белгиларини ўрганиш

Услубий кўрсатмалар

“Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмуни. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. Мазмунан эса тушунча негизида “инновация” тушунчаси **муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият**ни ифодалайди.

Инновацияларнинг асосий **кўринишлари** қуйидагилар саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.



Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
амалдаги назария доирасида қўлланилади; кўлам ва вақт бўйича чегараланади; методлар янгиланади;	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади;

натижа такомиллаштиради	аввалги	тизимни	4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади
----------------------------	---------	---------	--


“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилида “interact”(рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ каби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат куйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:



Ўқув жараёнининг интерфаол ТТга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада куйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:



Шу билан бирга интерфаол ТТни қўллаш самарадорлиги қуйидаги
иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:



Одатда интерфаол ТТга асосланган таълимий ҳаракатлар қуйидаги шаклларда ташкил этилади:


Интерфаол ТТни қўллаш жараёнида талабалар:

- гуруҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;
- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
- гуруҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
- Ҳақиқий имкониёт ва қобилиятларини тайини намойиш қилиш

Интерфаол ТТ:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир талабанинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;

Интерфаол ТТнинг асосий белгилари қуйидагилардир:



Интерфаол ТТнинг асосий белгилари

Интерфаол ТТ тамойиллари:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гуруҳнинг тажрибаси педагогнинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга.

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учун педагоглар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар:



Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол ТТнинг қуйидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум:



Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. “Инновацион таълим технологиялари” тушунчасининг мазмунини курсатинг
 - а) Янги таълимот
 - б) муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият
 - в) энг янги таълимот
 - г) таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра таълим технологиялари тури
 - а) радикал, модификацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар
 - б) тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари.
 - в) жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар.
 - г) тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар, ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташаббуслар, илғор иш услублари.

3. “Новация» сузининг маъноси
 - а) янгилик яратиш
 - б) янгиланиш

- в) янгилик бериш
- г) янгича услуб

4. Тренинг утказиш кайси таълим технологияси методига киради
- а) Интерфаол
 - б) Муаммоли
 - в) Модул
 - г) Индивидуал
5. “Инновация» сузиниг маъноси
- а) янгилик яратиш
 - б) янгиланиш
 - в) янгилик киритиш
 - г) янгича услуб
6. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш неча босқичлар дакечади
- а) 2
 - б) 3
 - в) 4
 - г) 5
7. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор нечанчи йилда қўлланилган.
- а) 1960 йилда
 - б) 1965 йилда
 - в) 1968 йилда
 - г) 1979 йилда
8. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси интерфаол методда кандай омил хисобланади.
- а) бирламчи
 - б) иккиламчи
 - в) асосий
 - г) мухим
9. “Ассесмент” сузинин маъносини топинг
- а) билим
 - б) фан
 - в) технология
 - г) баҳо
10. Шахсга йўналтирилган таълим бу

а) талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

б) тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар, ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташаббуслар, илғор иш услублари.

в) таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технология

г) янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

11. Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг нечта тури мавжуд.

а) 10

б) 13

в) 12

г) 14

12. Ҳамкорлик таълими технологиялари нима?

а) таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш, талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;

б) ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим бўлиб, унинг асосий ғояси ўқув топшириқларини жамоада, кичик гуруҳларда ёки жуфтликда биргаликда, ўзаро ҳамкорликда бажариш саналади

в) таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технология

г) янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

13. Ҳамкорлик таълим технологияларининг нечта таркибий элементлари мавжуд.

а) 3

б) 5

в) 4

г) 7

14. Хамкорлик таълим технологияси асосида таълим олиш турларини кўрсатинг

- а) жамоада
- б) кичик гуруҳда
- в) жуфтликда
- г) барчаси туғри

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. “Инновацион таълим технологиялари” деганда нимани тушунасиз?
2. “Инновация” қандай маънони билдиради?
3. “Новация” нимад?
4. Таълим инновацияларининг қандай турлари мавжуд?
5. Интерфаол таълим деганда нимани тушунасиз?
6. Таълим технологиялардаги асосий омиллар нималардан иборат?
7. Таълим технологиялардаги иккиламчи омилларга нималар киради?
8. Интерфаол ТТнинг асосий белгиларига нималар киради?

Талабага топшириқлар:

1. “Инновация”, “Новация”, инновацион таълим технологияларни, интерфаол таълим технологияларни ўрганиш.

7-машғулот.

Мавзу: Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби

Машғулотнинг мақсади: Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. Интерфаол таълим методлари, улардан фойдаланиш тартибини ўрганиш
2. Шахсга йўналтирилган таълим ва унинг турларини ўрганиш
3. Ҳамкорлик таълимий ўналишлари
4. График органайзерлар.
5. График органайзерларнинг турлари.
6. График органайзерлар ёрдамидаталабалар назарий ва амалий мавзуларнинг ўзлаштиришдаги аҳамиятини ўрганиш.

Услужий кўрсатмалар

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инobatга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

Одатда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қуйидаги турлари фарқланади:

1. Модул таълим технологиялар.
2. Муаммоли таълим технологиялар.
3. Интерфаол таълим технологиялар.
4. Индивидуал таълим технологиялар.
5. Масофавий таълим технологиялар.
6. Компьютер таълим технологиялар.
7. Ҳамкорлик таълим технологиялар.
8. Лойиҳа таълим технологиялар.
9. Дастурий таълим технологиялар.
10. Табақалаштирилган таълим технологиялар.
11. Ривожлантирувчи таълим технологиялар.
12. Ўйин технологиялари.
13. Гендер таълим технологиялар.

14. Қувватни тежовчи таълим технологиялар.

Ҳамкорлик таълими – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи

таълим бўлиб, унинг **асосий ғояси** ўқув топшириқларини жамоада, кичик гуруҳларда ёки жуфтликда биргаликда, ўзаро ҳамкорликда бажариш саналади

Ҳамкорлик таълимий ўналишлари:

- таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий ва маънавий бирликнинг қарор топишига эришиш.

ҲТТни қўллашда талабалар қуйидаги шаклларда таълим оладилар:

- 1) жамоада;
- 2) кичик гуруҳда;
- 3) жуфтликда

1-вариант: Жамоада таълим олиш. Ҳар бир талабанинг ютуқларидан жамоа хабардор бўлади, чунки жамоа ҳар бир талаба томонидан ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишидан манфаатдор. Зеро, жамоанинг муваффақияти ҳар бир талаба ва унинг ютуғига, жамоа олдида қўйилган муаммонинг ечимига боғлиқ.

2-вариант: Кичик гуруҳда таълим олиш. Талабалар 4-5 нафардан бўлиб, кичик гуруҳларга бирлашиб, блок ҳолида берилган ўқув материали устида ишлайди. Ҳар бир талаба материал устида алоҳида ишлайди. Сўнгра бир гуруҳдаги талабалар бошқа гуруҳларга 1 нафардан бўлиб ўтишади ва ўзлари ўрганган материал бўйича эксперт сифатида тенгдошларига маълумот бергандан сўнг ўз гуруҳларига қайтириб, тенгдошларидан ўзлаштирган маълумотлар билан ўз жамоаси аъзоларини таништиради. Бунда шерикларни диққат билан тинглаш, зарур маълумотларни ўз дафтарларига қайд этиб бориш талаб қилинади. Машғулот сўнггида ўқитувчи исталган талабадан ўрганилган мавзу бўйича саволларга жавоб беришини сўрайди.

3-вариант. Жуфтликда ишлаш. Талабалар жуфтликларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик яхлит мавзу бўйича алоҳида топшириқ олади. Биргаликда ишлаш асосида жуфтлик аъзолари ўзларига берилган материални ўзлаштиради. Сўнгра бу ҳақида жамоа олдида ахборот беради.

“Портфолио”инглизча сўз бўлиб, “портфел” ёки “портфеллар тўплами” маъносини англатиб, автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами саналади.

1. Ўқув портфолиоси. Бугунги кунда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланилаётган назорат воситаси. бўлган ўқув

портфолиоси қуйидаги имкониятларга эгаллигига кўра амалий аҳамият касб этади:

- кўп функциялилиқ ва ўзининг шахсий муваффақиятини баҳолаш;
- индивидуал муваффақиятлар мониторингини амалга ошириш;
- имтиҳонни ташкил этиш;
- таълим натижаларини холис белгилаш;
- таълимий муваффақиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш;
- талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш.

Моҳиятига кўра ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади. Улар:

1. Хужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивидуал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар жамланади).

2. Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон хужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гуруҳдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади).

3. Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиода акс этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гуруҳи” танловини ташкил этиш мумкин).

4. Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади).

5. Такризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хулоса, такриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади).

6. On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан: 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш; 2) шахсий веб-сайтларни яратиш; 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш).

“Ассесмент” инглизча сўз бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъносини билдиради. **Ассесмент технологияси** талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳс-мунозара,

интервью, ижодий иш, тест, индивидуал кейс, тақдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Технология, асосан, қуйидаги уч мақсадга хизмат қилади:

4) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, холис баҳолаш;

5) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

б) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш.

Айни вақтда республика таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари камида тўртта топшириқ бўйича баҳоланмоқда. Масалан:

Изоҳли луғат	Муаммоли вазият
Ижодий иш	Тест

Энг оммавий интерфаол ТТ қуйидагилар саналади:

2. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва б.

2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.

3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.


“Балиқ скелети” график органайзери (ГО)

ГО талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.


Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
 - 2) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктирилади;
 - 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
 - 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
 - 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама юштирилади

Талабалар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:



ГО ёрдамида талабалар топширик бўйича фикрларини кластер (майда, алоҳида қисмлар) тарзида қуйидагича ифодалайди:



Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1.График организаторлар методини курсатинг

а) Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат”

б) “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор”

в) “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?”

г) “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”

2. “Балиқ скелети” график организатори билан ишлалш тартиби

а) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;

ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктирилади;

гуруҳлар топшириқларни бажаради;

гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;

жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

б) Ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин;

аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

в) Ҳар бир талаба томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан

энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади

г) Ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради;

машғулот якунида лойиҳа бандлари бўйича гуруҳларнинг муносабатлари умумлаштирилади

3. “Биламан. билишни хоҳлайман. билиб олдим” график органайзери билан ишлаш тартиби

а) ГО талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда талабалар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади

б) Ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради;

машғулот якунида лойиҳа бандлари бўйича гуруҳларнинг муносабатлари умумлаштирилади, Гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариб, ғояларни умумлаштиради

в) Уни қўллашда талабаларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожлантирилади.

г) Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиқ берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади

4. “Биламан. билишни хоҳлайман. билиб олдим” график органайзери билан ишлаш неча босқичдан иборат

а) 2 босқич

б) 3 босқич

- в) 4 босқич
- г) 5 босқич

5. “Блиц-сўров” методи моҳияти нимада

а) Берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод

б) Ҳар бир талаба томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади

в) Уни қўллашда талабаларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожлантирилади.

г) Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади

6. Муаммо, ғоя, қарор асос бўлган график органайзер турини кўрсатинг

- а) Кластер
- б) Нилуфар гул
- в) Венн диаграммаси
- г) Қарорлар шажараси

7. “Кластер” сузининг маъноси

- а) таҳлил, ғоя, қарор
- б) ғунча, тўплам, боғлам
- в) савол, жавоб
- г) қўнғиз

8. “Синквейн” сўзининг маъноси

- а) қатор
- б) панжа
- в) беш панжа
- г) беш қатор

9. Қайси график органайзерда топшириқ бажариш вақти 6 10 дақиқа белгиланган

- а) Кластер
- б) Нилуфар гул
- в) Венн диаграммаси
- г) SWOT

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Интерфаол таълим методларига нималар киради?
2. Интерфаол таълим методлардан қандай тартибда фойдаланилади?
3. Шахсга йўналтирилган таълим ва унинг турларига нималар киради?
4. Ҳамкорлик таълимий ўналишлари ўз ичига нималарни олади?
5. График органайзерлар деганда нимани тушунасиз?
6. График органайзерларнинг қандай турлари мавжуд?
7. График органайзерлар ёрдамидаталабалар қандай билимларга эга бўлади?
8. Фанларнинг назарий ва амалий мавзуларини ўзлаштириш таълим технологияларнинг амаҳияти нималардан иборат?

Талабага топшириқлар:

1. Таълим технологияларнинг турларини ва уларни бажариш тартибларини ўрганиш.

8-машғулот.

Мавзу: **Замонавий таълимда хорижий тажрибалар**

Машғулотнинг мақсади: Замонавий таълимда хорижий тажрибалар бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. Хорижий мамлакатлар таълим тизими
2. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳиятини ўрганиш
3. Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўрганиш
4. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти тушунчаларини ўрганиш

Услубий кўрсатмалар

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:
- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1- 8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

- 9 – 12 - синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки Германиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бизнинг Республикамиздагига ўхшаб кетади. Икки Герман давлати бирлашгандан кейин собиқ Германия Демократик Республикасида таълимни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бизнинг шароитимизга маъқул келади.

Германиянинг ҳозирги давр маорифидаги асосий муаммоси собиқ ГДРдаги таълимни бир хил миллий меъёрга солишдан иборатдир.

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, Германияда таълим давлат ва жамият томонидан ардоқланаётган соҳа бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ичида кучли олтиликка кирган.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли. Бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин хунар-техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида

текин. Мактаб ўқувчиларига ўқув қўлланмаси, асосан дарсликлар бепул берилади. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқитувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар:

Булар: асосий махсус мактаб реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлар асосий мактаб ва юқори мактаб ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-13 синфгача) ва тўла маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги хунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирдик.

Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган	Модулли ўқитиш технологиясига асосланган
<p>Бир томонга йўналтирилган ахборот. Бир томонлама мулоқот (дарслик→ ўқитувчи→ўқувчи) Ахборот олиш Хотирада сақлаш Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.</p>	<p>Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш. Икки томонлама мулоқот Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш Билим ва кўникмаларни намойиш этиш Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.</p>

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;

- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

Модулли методика асосида ўқитишда фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга ўқитишни жадаллаштиришга талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

Яхши	C	70-80 қўллаш	Қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси қўникма ва малака даражаси
Қониқарли	D	тушуниш	Тушунади, билади	2-даража қайта тиклаш даражаси
Етарли	E	50-60 билиш	Билади	1-даражаси тасаввур этиш даражаси
Етарли эмас, қўшимча яна ишлаш талаб қилинади	FY	40-50	Ёмон билади	0-даражаси ёмон тасаввур этади
Етарли эмас, қўшимча яна жуда ҳам кўп ишлаш талаб қилинади	F	40 кам	Умуман билмайди	0-даражаси умуман тасаввур этмайди

Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Янги педагогик ахборот ва телекоммуникатсия технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак.

Ғарбий Европада олий таълим олиш даражасидан масофали таълим "очиқ университетлар" деб аталувчи шаклларда амалга оширилади. Миллий очиқ университетлар кўп жиҳатдан сиртқи таълим ташкилий принципларидан фойдаланадилар. Очиқ таълим асосида - ўқитувчилар ўзлари олдиларида турган таълим мақсадларига эришишга интилиб тўла мустақил йўналадиган таълим муҳити пухта ишлаб чиқилган.

Масофали таълим соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун бутундунё масофали таълим ассоциацияси (WAOE) ташкил этилди бу ассоциация масофали таълим минтақавий таълим тизимларини бирлаштиради.

Мамлакат Масофали таълим ўқитиш тизими Белгия Брюсселдаги Олий иқтисодиёт мактаб (ЕСАЛ). АҚШда масофали таълимнинг ҳолати ва тенденцияларини алоҳида кўриб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан таълимнинг бу тури ўқувчилар кўп қисмини қамраб олган иккинчидан ўқитиш масофали шакли анъанавий таълим тизимлари билан (мактаб ўрта таълимдан кейинги ҳамма таълим турлари фирмалар ичидаги касбий таълим) табиий равишда бирлаштирилган.

Вебинар усулида дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олиниши мумкин бўлса-да бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.

Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси



Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
Ўқув материалга оид тафовутларни таклиф этилиши; муаммоли вазиятларни тузиш; муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш; муаммоли топшириқларни лойиҳалаш	Ўқув материали моҳиятининг англаб етилиши; муаммоли вазият юзасидан фикрлаш; мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш; муаммоли масалага ўтказиш; топшириқни бажариш

АҚШ таълим тизимида сўнгги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

Тьютор - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

Эдвайзер (advisor) - французча “avisen” (“ўйламок”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

Фасилитатор - (инглиз тилида *facilitator*, латинча *facilis*—енгил, кулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

Модератор - қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. АҚШда мажбурий таълим неча ёшгача

- а) 10 ёшгача
- б) 18 ёшгача
- в) 15 ёшгача
- г) 16 ёшгача

2. Қайси хорижий мамлакат таълим тизимида “Ихтисос мактаблари” мавжуд

- а) АҚШ
- б) Япония
- в) Франция
- г) Германия

3. Мактабга тайёрлов гуруҳи мавжуд ва ушбу ёш кўрсаткичи бўйича 100% шу ёшдаги болалар камраб олинган мамлакат

- а) АҚШ
- б) Япония
- в) Франция
- г) Германия

4. Германияда мажбурий таълим неча ёшни ўз ичига олади.

- а) 5дан 12 ёшгача
- б) 6дан 17 ёшгача
- в) 7дан 17 ёшгача
- г) 6дан 18 ёшгача

5. Модулли ўқитиш самарадорлиги нечта омилларга боғлиқ

- а) 4та

- б) 3та
- в) 5та
- г) 6та

6. Тьютор сўзининг маъноси

- а) маслаҳатчи
- б) самарали баҳолаш
- в) Устоз, мураббий
- г) Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширувчи

7. Мутахассисликга кириш фани бўйича саралаш бали неча бални ташкил этади.

- а) 35 балл
- б) 30 балл
- в) 55 балл
- г) 70 балл

8. Якуний назорат қачон ўтказилади?

- а) Семестр тугашига 10 кун қолганида
- б) Семестр тугашига 15 кун қолганида
- в) Семестр тугашига 14 кун қолганида
- г) Семестр тугашига 20 кун қолганида

9. Талаба баҳолаш натижасидан норози булган тақдирда неча кун давомида ва кимга мурожаат қилиши мумкин.

- а) назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 3 кун давомида укув ва илмий ишлар бўйича проректор номига ариза билан
- б) назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлволб 1 кун давомида декан номига ариза билан
- в) назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 7 кун давомида декан номига ариза билан
- г) назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун давомида ректор номига ариза билан

10. Дарсларга қатнашганлик даражаси. Маъруза дарсларидаги фаоллиги, конспект дафтарларининг юритилиши ва тўлиқлиги. Қайси назорат тури мезонига киради.

- а) оралик назорат
- б) жорий назорат
- в) якуний назорат
- г) барчаси тўғри

11. Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида ўтказилганда нечта савол бўлади.

- а) 5та 4 та назарий 1та амалий
- б) 2 та назарий
- в) 3та 2та назарий 1та амалий
- г) 3 та 1 та назарий 2 та амалий

12. Таянч тушунча ва ибораларга асосланган назорат турини аниқланг

- а) оралик назорат
- б) жорий назорат
- в) якуний назорат
- г) барчаси тўғри

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Хорижий мамлакатлар таълим тизимини тушунтириб беринг.
Мисолар ёрдамида
2. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти нимадан иборат?
3. Замонавий таълим шаклларига нималар киради:
4. Blended learning (аралаш ўқитиш) нима?
5. Масофали ўқитиш қандай амалга оширилади
6. Маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларини тушунтириб беринг.
7. Замонавий таълимда тьюторлик қандай вазифани бажаради?
8. Супервизорлик ва модераторлик фаолияти тушунчаларига нималар киради?
9. Хорижда кредитлаш тизими қандай жорий этилади?

Талабага топшириқлар:

1. Таълим оид хорижий тажбираларни, айрим давлатлар таълим соҳаларини, таълим технологияларни ва замонавий таълим турларини ўрганиш.

9-машғулот.

Мавзу: Ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли

Машғулотнинг мақсади: илмий ахборот манбалари, УДК, ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли бўйича савол-жавоблар ўтказиш, амалий топшириқларни бажариш ва талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Машғулот режаси:

1. Илмий ахборотлар манбалари
2. Ўнли универсал классификация (УДК) тушунчасини ўрганиш
3. Ахборот-ресурс маркази
4. Ахборот-ресурс марказининг асосий вазифалари
5. АРМ ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилиш
6. АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларини ўрганиш

Услубий кўрсатмалар

Энг муҳим илмий ишлар натижалари бўйича *ахборотларни* давлат системаси орқали йиғиш, сақлаш, ахтариш ва бериш, бунга энг замонавий ҳисоблаш ва узатиш машиналарини ишлатиш, ҳозирги вақтнинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам информатика фани муҳим ҳисобланиб, у ўзида бир неча фанларни, инсоннинг ЭҲМ билан диалогини ва компьютерлар системасини ўзига мужассамлаштиради.

Информатика фанида информатика системаси мавжудки, бунга: ахборотлар билан таъминлаш системаси, илмий коммуникация системаси, ахборотлар маҳсулоти, кўрсаткичлар базаси, ахборот ресурси, ахборотлар технологияси ва ахборотлар тармоғини ўз ичига олади.


Ахборотлар билан, яъни янги технология, ғоя, илмий натижа ва бошқаларни етказиш вазифасини ечса, илмий коммуникацияда илмий ахборот ва билимлар ҳам сақланади, ҳам тарқатилади. Бунда нашриёт ишлари, библиотекадаги рефератлаш, ахборотлар ва маслаҳат хизматлари таркиб топган.

Баъзи ахборотлар ва хизматларнинг бирлиги стандарт кўринишда *ахборотлар маҳсулоти* деган номни олган.

Кўрсаткичлар базаси ЭҲМ да қўлланилиб, библиографик (иккинчи даражали ахборот, яъни чоп этилганини яна йиғиш), фактографик кўрсаткичлар базаси ва охириги ҳақиқий (аниқ) ахборот ҳисобланади (1-расм).

Ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ давлатда *ўнли универсал классификация (УДК)* қабул қилинган. Ўнли универсал классификация (УДК) – ахборотли системалар классификацияси бутун дунё учун кенг қўлланиладиган фан,

адабиёт ва санъат кўринишидаги системалаштириш, турли кўринишдаги хужжатларни ва картотекани ташкил қилади.



1-Расм. Информацион системанинг умумий схемаси.

УДК 20 аср бошларида белгиялик библиографлар Подем Отле (Oulet) ва Анри Лафонтэном (Lafontaine) томонидан тузила бошлаган. Аммо, америкалик библиограф Мелвиллом Дьюи АҚШнинг Библиотека Конгресси учун 1876 йилда Ўнли классификацияни яратиш асосида бўлган.

УДКнинг тўлиқ жадвал шаклида биринчи нaшри 1905 йилда француз тилида тайёрланган.

Ҳозирда бизда ҳам бу классификация кенг қўлланилиб келинмоқда.

Унинг асосий вазифаси барча ахборотларни бир системага йиғиш ва уларни шу асосда излаш қулайлиги ҳисобланади.

УДК - асосий ва ёрдамчи жадваллардан ташкил топганлигини кўраимиз. Агар унинг таркибини кўриб чиқсак, асосий жадвалда инсониятнинг билими системага киритилган.

УДКнинг асосий бўлимлари:

0-умумий бўлим. Фан ва билим. Информация. Хужжатлаштириш. Библиотека ишлари. Ташкилот.

1. Фалсафа. Психология.
2. Релегия. Диншунослик.
3. Умумий фан.
4. 1962 йилдан бўш. Таркиби 8-бўлимга қўшилган.
5. Математика. Табиий фанлар.
6. Амалий фан. Медицина. Технология.

7. Санъат. Фотография. Мусика. Ўйин. Спорт.

8. Тил билиш. Лингвистика. Бадиий адабиёт. Адабиётшунослик.

9. География. Биография. Тарих.

Ҳар-бир бу класслар, ўз ўрнида яна 10 бўлимга бўлинади ва улар ҳам яна 10 та кичик бўлакчаларга бўлинади ва ҳ.к.

Яхши, қулай ўқилиш учун ҳар бир 3 сондан сўнг, нуқта қўйилади.

Масалан: 536-термодинамика, 53-физика 5-математика. Табиий фанлар ва ҳ.к. Бундан ташқари ёрдамчи жадваллар бўладики, улар ҳам кейинги майдаланишга ёрдам беради.

УДК нинг умумий белгилари ҳам мавжуд. Улар қуйидаги 1-жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

УДКнинг умумий белгилари

Белгил аниши	Белгилар номи	Маъноси	Мисоллар
+	Плюс (қўшув)	Қўшиш белгиси	622+669 Металлургия ва тоғ иши
/	Қийшиқ чизик	Кенгайтириш белгиси	592/599 Зоология системалари
:	Икки нуқтали	Оддий муносабатлар белгиси	17:7 Ўзаро боғланиш санъати ва этикаси. Санъат бўйича этиканинг ўзаро боғланиши
::	Иккита икки нуқтали	Кетма-кетликда мустаҳкамлаш белгиси	575::576.3 Цитогенетика
[]	Квадратли кавус	Группалаш белгиси	061.1(100):[54+66] Халқаро назарий ва амалий кимё иттифоқи
*	Юлдузчали	Ўзлаштириш белгиси	
А/Я	Алфавитли	Алфавит бўйича ажратиш	

УДК бўйича ахборотларни излаш қуйидаги ҳолатлар бўйича аниқланади:

- тил бўйича аниқлаш;
- халқ бўйича аниқлаш;
- жойи бўйича аниқлаш;
- вақт бўйича аниқлаш;
- ҳолат, юза ва материал бўйича аниқлаш.

Булардан ташқари яна уч турда: дефис, нуқтали нол, апостроф билан ҳам аниқланади.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти «Ахборот Ресурс Маркази» Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 20 июнь ПП-

381 рақамли «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадида институт кутубхонаси саналиб кутубхоначилик библиография ва ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаб турувчи ташкилотдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 2006 йил 20 июнь ПП-381 рақамли қарори асосида Ахборот Ресурс Маркази Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти кутубхонаси негизида ташкил қилинди ва ушбу марказ мажбуриятларидан келиб чиқиб шартномалар асосида кутубхона ишига тегишли норматив ҳужжатлари, кўрсатма ва устави қоидаларига асосланади.

Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги Ахборот Ресурс Маркази кўйдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2006 йил 20 июндаги ПП-381 рақамли – «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб боради. АРМ мустақил равишда кутубхоначилик-ахборот ишларини асосий вазифаларини ва мақсадларини олдига қўйиб ўз вазифаларини ва мақсадларини олдига қўйиб ўз вазифаларини амалга оширади.

Ахборот ресурс маркази ва бошқа ҳужжатлар билан бойитиш, тўлдириш манбаларини ўзи белгилайди.

Кутубхона фондларининг ҳисобини, яъни ҳисобдан чиқариш ва ҳужжатларнинг олиниши йўриқнома асосида қилинади.

АРМ тасдиқланган таърифда кутубхоначилик ахборот хизмат турлари пулли амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигидан келиб чиққан кутубхоначилар ассоциацияси ёки иттифоқларига иштирок этиш.

АРМга хизмат турлари ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилиб бориш.

Электрон катологларни доимий таҳлил этиш.

Норматив ҳужжатлар асосида католог ва картотекаларни тўлдириш.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ва барча АРМга аъзо бўлган истеъмолчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб норматив ҳужжатлар асосида фондларини тўлдириш.

Барча ахборот ташувчи манбаларни жойлаштириш тартибини системага солиб боради ва сақланишига назорат ўрнатади.

Ахборот ресурс маркази манбаларидан фойдаланувчилар томонидан зарар етказиш ҳоллари учраса АРМдан фойдаланиш қоидаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб жарима ундирилади;

Низомда кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ, ўз фаолиятининг мундарижасини ва аниқ шаклларини мустақил равишда белгилайди;

АРМ тузилмасини, штат рўйхатини ва ундан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти раҳбарияти томонидан тасдиқлайди;

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги АРМ кутубхона ва ахборотлар фондларни сақланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига лоади:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги АРМ муассасасининг ваколатига тааллуқли функцияларнинг, бажарилмагани учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

АРМ қуйидагиларга мажбур:

- Фойдаланувчиларни АРМдаги ва ундан ташқаридаги барча ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

- АРМдан фойдаланувчиларнинг истакларини ўрганиш ва тўлиқ кондириш; кутубхона, библиографик, маълумотнома-ахборот хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, ушбу мақсадларда фойдаланувчилар билан якка тартибда ва гуруҳлар бўйича иш олиб боришнинг турли шаклларида фойдаланиш;

- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда юксак маданият ва малакалиликни таъминлаш, зарур ҳужжатлар ва материалларни қидириб олишда зарур ёрдам кўрсатиш;

- фойдаланувчиларга қизиқишлари ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида турли манбалардаги ахборот ресурсларини берган олда табақалаштирилган кутубхона-ахборот ресурсларини берган ҳолда табалаштирилган кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишни амалга ошириш;

- зарур ахборотни қидириб топишда, ўқитишда мустақилликни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ва мустақил равишда таълим олиш кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- фондларда зарур ҳужжатлар ва материаллар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни қидириб топиш ишларни амалга ошириш ҳамда уларни кутубхоналараро абонемент, шу жумладан халқаро абонемент тизими орқали тақдим этиш;

- Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларни юқори савияда ўтказишни таъминлаш;

- АРМнинг ижобий нуфузини яратишга кўмаклашиш, АРМ фондларини ва унинг томонидан кўрсатиладиган хизматларни реклама қилиш, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда уларнинг хоҳишларига биноан янги хизматни ташкил этиш.

Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар:

1. Қайси системадаги ахборотлар қайта ишлови таҳлил этилади?

а) кўп системадаги

в) йиғилган, бир системадаги ахборотлар

- с) йиғилмаган системада
д) тўлиқ бўлмаган системада
2. Таҳлил қилиш жараёнида неча хил ахборот манбаларидан фойдаланилади?
а) хронологик тартибда ва мавзу бўйича
в) мавзу бўйича
с) мавзули системада
д) хронологик системада
3. Ахборотлар хронологик ситемада қандай амалга оширилади?
а) барча ахборот ўзининг тарихи бўйича
в) келиб чиқиши бўйича
с) барча ахборот ўзининг тарихи бўйича, келиб чиқиш вақти тартиб бўйича илмий босқичга кўра системалаштирилади.
д) илмий босқичга кўра системалаштирилмайди.
4. Ахборотлар мавзу бўйича қандай амалга оширилади?
а) оддий система бўйича
в) мураккаб система бўйича
с) бутун ҳажм бўйича
д) ахборотнинг бутун ҳажми ишлаб чиқарилаётган мавзу масалалари бўйича оддий ёки мураккаб системалар
5. Ахборотларни қайта ишлаш таҳлилида нималарга эътибор берилади?
а) ҳар бир мавзунинг долзарблиги
в) илмий изланиш мақсади ва вазифасининг аниқлиги
с) ҳаммаси тўғри
д) мавзу бўйича ишлаб чиқариш тавсиялари
6. Илмий ҳужжат нима?
а) материал объект бўлиб, таркибида илмий-техникавий ахборот бўлиб, сақлаш ва фойдаланишга мўлжаллангандир
в) материал объекти бўлиб, фойдаланишга мўлжалланмаган
с) илмий-техникавий ахборотни фойдаланишга мўлжалланмаган
д) ҳамма жавоб тўғри
7. УДК маъноси ва у ЎзР қачондан бери қўлланилиб келинади.
а) ўнли классификация, 1995 йилдан
в) ўнли универсал классификация, 1963 йилдан
с) 1989 йилдан
д) ўнли классификация, 1970 йилдан

8. Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти «Ахборот Ресурс Маркази» Ўзбекистон Республикаси Президентининг мувофиқ шакллантирилди

- а) 2006 йил 20 июнь ПП-381 рақамли қарорига мувофиқ
- б) 2005 йил 25 июль ПҚ-481 рақамли қарорига мувофиқ
- в) 2004 йил 20 июнь ПҚ-256 рақамли қарорига мувофиқ
- г) 2003 йил 20 август ПП-521 рақамли қарорига мувофиқ

9. Ахборот Ресурс Маркази қандай норматив ҳужжат асосида фаолият юритади

- а) Низом
- б) Устав
- в) Кодекс
- г) барчаси тўғри

10. АРМларга умумий ташкилий методик раҳбарлик, уларнинг ишларини мувофиқлаштириш қайси давлат органи тарафидан амалга оширилади

- а) Олий ва Ўрта таълим вазирлиги томонидан
- б) Сам ИСИ томонидан
- в) Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш
- г) Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси томонидан

11. Кутубхона фондларининг ҳисобини, яъни ҳисобдан чиқариш ва ҳужжатларнинг олинishi қандай норматив ҳужжат асосида олиб борилади.

- а) Устав
- б) Ички кодекс
- в) Сам ИСИ фармоишлари
- г) Йўриқнома

12. Ахборот Ресурс Маркази ходимларига иш хақи қайси тартибда белгиланади.

- а) давлат стандарти асосида
- б) низом асосида
- в) устав асосида
- г) ягона тариф сетка асосида

13. Картотека нима?

- а) АРМ фондидаги барча китоб ва маълумотларнинг махсус шифр ва алфавит билан тартибланган ҳолда сақланиши
- б) элетрон адабиёт ва манбалар тури
- в) библиографик ахборот тури
- г) ички тартиб ва қоидалар тўплами

14. СамИСИ АРМ фонди ва биноси қайси ташкилот тасарруфида ҳисобланади?

а) СамИСИ мулки ва ҳимоясида

б) Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги мулки ва ҳимоясида

в) Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаши мулки ва ҳимоясида

г) давлат мулки ва ҳимоясида

Талабалар билимини синаш бўйича назорат саволлари:

1. Илмий ахборотлар манбаларига нималар киради?

2. Ахборотлар қандай системалаштирилади?

3. Ўнли универсал классификация (УДК) қандай тушунча?

4. УДКнинг асосий бўлимларига нималар киради?

5. УДК қандай умумий белгилардан иборат?

6. Ахборот-ресурс маркази нима?

7. Ахборот-ресурс марказининг асосий вазифаларига нималар киради?

8. АРМ ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нималар киради?

9. АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларини тушунтириб беринг.

Талабага топшириқлар:

1. Илмий ахборот манбаларини, УДК орқали излашни ўрганиш, АРМга аъзо бўлиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992 й.
2. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 қарори. 2017 йил 20 апрел.
10. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонуни. Тошкент. 1996 й.
11. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 -180 б.
12. John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011.
13. Қурбонов Ж.М. Илмий ижод методологияси. – Самарқанд. СамИСИ, 2005 й. 184 б.
14. Qurbonov J.M. Ilmiy izlanish asoslari. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand, SamISI, 2009. – 248 bet.
15. Қурбонов Ж.М. Илмий изланиш асослари. Маърузалар матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2006. – 146 бет.

16. Qurbonov J.M., Mamarasulov Z.E. Ilmiy izlanish asoslari. Ma'ruzalar matni. – Samarqand, SamISI, 2013. – 140 bet.

17. А.Мавлянов ва бошқалар “Замонавий педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси”. услубий қўлланма. Тошкент 2010.

Интернет сайтлари

1. <http://www.sies.uz>– СамИСИ электрон кутубхонаси
2. <http://lex.uz>– Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
3. www.ziyonet.uz–таълим портали

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



**«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»
фанидан
ГЛОССАРИЙ**

САМАРҚАНД – 2019

Мактабгача таълим - Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим - Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

- бошланғич таълим (I-IV синфлар);
- умумий ўрта таълим (V-IX синфлар).

Ўрта махсус, касб-хунар таълими - Ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учунасос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими беради.

Олий таълим - Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим - Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш - Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Мактабдан ташқари таълим - Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Ички назорат - олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқарувчи ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

Якуний давлат назорати - давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича давлат аттестациясини ва битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

Давлат жамоат назорати - олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

Ташқи назорат - Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Битирув малакавий ишларнинг мавзуси. Малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини акс эттириши керак.

Малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш. Малакавий ишларга раҳбарлик ушбу олий ўқув юртининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Малакавий ишнинг бажарилиши. Малакавий иш олий ўқув юртининг, одатда, ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарида бажарилади.

Баҳолаш тартиби ва мезонлари. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

“Инновация” - инновация тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади.

Таълиминновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгилиниш)** деб юритилади.

Фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у ҳолда у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади.

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабаларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият.

Интерфаол таълим – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

Ҳамкорлик таълими – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим бўлиб, унинг **асосий ғояси** ўқув топшириқларини жамоада, кичик гуруҳларда ёки жуфтликда биргаликда, ўзаро ҳамкорликда бажариш саналади

Ҳужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивидуал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар жамланади).

Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон ҳужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гуруҳдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади).

Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиода акс этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гуруҳи” танловини ташкил этиш мумкин).

Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади).

Такризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хулоса, такриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади)

On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан: 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш; 2) шахсий веб-сайтларни яратиш; 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш).

“**Ассесмент**” инглизча сўз бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъносини билдиради.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Тьютор - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

Эдвайзер (advisor)-французча “avisen”“ўйламоқ”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

Фасилитатор - (инглиз тилида *facilitator*, латинча*facilis*—енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

Модератор -Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Жорий назорат (ЖН) – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

Оралиқ назорат (ОН) – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

Якуний назорат (ЯН) – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш

даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Рўйхатга олинди:
№ _____
2018 йил “__” _____

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўқув ишлари проректори
_____ Қ.Ж.Мирзаев
2018 йил «__» _____

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	600 000	-	Хизматлар соҳаси
Таълим соҳаси:	610 000	-	Хизмат кўрсатиш соҳаси
Таълим йўналиши:	5610100	-	Хизматлар соҳаси (ресторан иши)
	5610100	-	Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш)

Самарқанд – 2018

Фан дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услугий Кенгашининг 2018 йил “___” августдаги №__-сонли баённома билан тасдиқланган.

Фан дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- И.Х.Шукуров - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси мудир, т.ф.н.
- Д.Мирзаахмадов - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси ассистенти
- М.Комилов - Самарқанд шаҳар “ELXOLDING” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори ўринбосари

Такризчилар:

- З.Равшанов - Самарқанд шаҳар “Semrug’ Nur” МЧЖ директори
- Р.Нормахматов - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси профессори, т.ф.д.

Фан дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услугий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “___” _____даги “___”-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Бозор иқтисодиёти тобора чуқурлашиб бораётган шароитда аҳолининг халқ истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бу муаммони ҳал этишга катта эътибор берилмоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналишида таҳсил олувчи талабаларга ўз мутахассислигини ўргатиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ўқув дастурида “Мутахассисликка кириш” фанига тегишли бўлган “Таълим тўғрисидаги қонун”, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мутахассисликнинг тавсифи, мутахассисликка қўйиладиган талаблар, Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) мутахассислигининг ҳозирги замон талаблари, мутахассисликнинг мазмун моҳиятини ўрганиш.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади – “Мутахассисликка кириш” фанининг асосий мақсади талабаларнинг олий ўқув юрти ҳаётига тезроқ мослашишига ёрдам бериш, ўқув жараёнида уларнинг ўзлаштиришини яхшилаш ваз у асосда талабалар сафидан чиқариш кўрсаткичларнинг кескин камайишини таъминлашдан иборатдир.

Фаннинг асосий вазифалари – талабаларга ўз мутахассислиги бўйича бошланғич маълумотлар бериш, талабаларга институт ички тартиб-қоидаларини ўргатиш, танлаган мутахассислиги бўйича келгусидаги фаолияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш, олий ўқув юртларида талабаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумотлар бериш, ахбороти воситалари бўйича умумий билимларни беришдан иборатдир.

Фан бўйича талабаларнинг билим малака ва кўникмаларига қуйидаги талаблар қўйилади. Талаба:

- “Мутахассисликка кириш” фанига тегишли бўлган “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, мутахассисликнинг тавсифи, мутахассисликка қўйиладиган талаблар, 5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) мутахассислигининг ҳозирги замон талаблари, мутахассисликнинг мазмун моҳиятини **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳақида тушунча, Қонуннинг мақсади ва вазифалари. Таълим соҳасида давлат сиёсати, Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, уни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунинг моҳияти, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифалари,

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари, Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бакалавриятларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, Олий ўқув юртларида бошқарув структураси, Замонавий таълимда хорижий тажрибалар, Олий ўқув юртлари талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида *кўникмаларга эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-МОДУЛ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМГА ОИД МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1-Мавзу: Ўзбекистон республикасида таълимга оид меъёрий ҳужжатлар

“Таълим тўғрисида”ги қонун ҳақида тушунча, Қонуннинг мақсади ва вазифалари. Таълим соҳасида давлат сиёсати. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади ва вазифалари. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, уни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар.

2-МОДУЛ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БАКАЛАВРИАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2-Мавзу: Хизматлар соҳаси таълимий йўналиши бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналишининг умумий тавсифи ва шу йўналишда кадрлар тайёрлашга заруриятнинг мавжудлиги. Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари. Бакалаврлар тайёргарлик сифатини назорат қилиш ва баҳолаш.

3-МОДУЛ. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА БОШҚАРУВ ВА УЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ

3-Мавзу: Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг структураси

Олий ўқув юртлари бошқарувининг марказий, ҳудудий органлари ва уларнинг вазифалари. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг

ташкилий тузилмаси. Олий ўқув юртларининг факультетлари, кафедралари ва уларнинг вазифалари.

4-МОДУЛ. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4-Мавзу: Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш

Олий ўқув юртларида талабаларни ўқитишнинг ўзига хос-хусусиятлари. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этишда қўланиладиган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мамуни. Мутахассисликнинг квалификациян (малакавий тавсифи). Мутахассис тайёрлашнинг ўқув режаси ва унинг мазмуни.

5-Мавзу: Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли

Маъруза дарслари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли. Лаборатория ва амалий дарслар. Мутахассислар шаклланишида битирув малакавий ва курс ишларининг аҳамияти. Педагогик технологиялар ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги аҳамияти. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими.

5-МОДУЛ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

6-Мавзу: Инновацион таълим технологиялари

Инновацион таълим. Инновацион таълим тўғрисида тушунча. Таълим инновациялари. Инновацион фаолият. Инновацион таълимнинг аҳамияти ва мазмуни.

6-МОДУЛ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

7-Мавзу: Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби

Интерфаол таълим методлари, улардан фойдаланиш тартиби. Шахсга йўналтирилган таълим, унинг турлари. Ҳамкорлик таълимий ўналишлари. График органайзерлар. График органайзерларнинг турлари. График органайзерларниталабаларнинг мавзуларнинг узлаштиришдаги аҳамияти.

11-МОДУЛ. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИНИНГ ЎРНИ

8-Мавзу: Замонавий таълимда хорижий тажрибалар

Хорижий мамлакатлар таълим тизими. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти. Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти.

9-Мавзу: Ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли

Ахборот-ресурс маркази. Ахборот-ресурс марказининг асосий вазифалари. АРМ ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлари

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон республикасида таълимга оид меъёрий ҳужжатлар
2. Хизматлар соҳаси таълим йўналиши бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар
3. Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг структураси
4. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш
5. Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли
6. Инновацион таълим технологиялари
7. Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби
8. Замонавий таълимда хорижий тажрибалар
9. Ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади ва вазифалари.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари.
4. Инновацион таълим технологияларининг талабалар билимини оширишдаги роли
5. Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли.
6. Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби.
7. График органайзерлар ва уларнинг турлари
8. Замонавий таълимда хорижий тажрибалар
9. Талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими.
10. Ахборот-ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли.
11. Талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш.
12. Талабаларнинг институт жамоатчилиқ, маънавий-ахлоқий ва маърифий ишлардаги иштироки
13. Олий ўқув юртлари талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Талабаларнинг жамоатчилиқ ва маънавий-маърифий ишлардаги иштироки

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992 й.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 йил.

8. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонуни. Тошкент. 1996 й.

5. . Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 -180 б.

6. John C. Smart · Michael B. Paulsen Editors “Higher Education: Handbook of Theory and Research” Springer Science – Business Media B.V 2011

7. А.Мавлянов ва бошқалар “Замонавий педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси”. услубий қўлланма. Тошкент 2010.

Қўшимча адабиётлар

8. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

17. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.

18. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.

19. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Интернет сайтлари

22. <http://www.sies.uz>– СамИСИ электрон кутубхонаси
23. <http://lex.uz>– Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
24. www.ziyonet.uz–таълим портали

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Рўйхатга олинди:

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлари проректори

№ _____

_____ **Қ.Ж.Мирзаев**

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

ФАНИНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ

Билим соҳаси	600000	- Хизматлар соҳаси
Таълим соҳаси	610000	- Хизмат кўрсатиш соҳаси
Мутахассислик:	5610100	- Хизматлар соҳаси (ресторан иши) - Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш)

Умумий ўқув соати – соат 70

Шу жумладан:

Маъруза – 18 соат (1 семестр - 18 соат)

Амалий машғулотлар – 18 соат (1 семестр - 18 соат)

Мустақил таълим соати – 34 соат (1 семестр - 34 соат)

Самарқанд – 2018

Фаннинг ишчи дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий Кенгашида (2018 йил “___” августдаги ___-сон баённома) тасдиқланган “Мутахассисликка кириш” фани дастури асосида тайёрланган.

Фаннинг ишчи дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий Кенгашида 2018 йил “___” августдаги “___” -сонли баённома билан тасдиқланган.

Тузувчи:

- | | |
|----------------|--|
| И.Х.Шукуров | - СамИСИ, “Хизматлар курсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси мудири, т.ф.н. |
| Д.Мирзаахмадов | - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси ассистенти |

Тақризчилар:

- | | |
|-------------|--|
| Ж.С.Файзиев | - СамИСИ “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси доценти, т.ф.н. |
| З.Равшанов | - Самарқанд шаҳар “Semrug’ Nur” МЧЖ директори |

СамИСИ Сервис ва туризм
факультети декани:

2018 йил “___” _____ Т.Шарипов
(имзо)

“Хизматлар кўрсатиш, сервис ва
уни ташкил этиш” кафедраси мудири:

2018 йил “___” _____ И.Шукуров
(имзо)

1. Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар

Мамлакатимизда таълим-тарбия бирламчи омиллардан бири деб билиш ва уни бошқа устовор йўналишлар билан узвий мутаносибликда олиб бориш республика тараққиётининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бундай қарашнинг ҳаётий асоси шундаки, сиёсий ривожланишни ҳам, ижтимоий-маънавий юксалишни ҳам етук онгли, чуқур маданиятли ва малакали кадрларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам мустақил Ўзбекистонда таълим тарбияни тубдан ислох қилиш тажрибаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётбахш ғоялари халқаро миқёсида катта обрў топди ва унга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари ва бевосита иштирокларида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларни ҳасобга олган кадрлар тайёрлаш тизимини кенг кўламда ислох қилишнинг ибтидоси бўлди.

Кадрлар тайёрлаш тизими ислоҳини маваффақиятли амалга ошириш энг аввало олий таълимнинг барқарор ва аниқ мақсадли ривожланишини кўзда тутди. Бу борада талабаларни 1-курсдан бошлаб илм-фанга бўлган қизиқишини уйғотиш катта аҳамият касб этади.

Биринчи курс талабалари ўқитишнинг янги шакллари ва интерфаол услубларини ўрганади, илк бор олий ўқув юртининг ўзига хос-хусусиятлари ва илмий-педагогик жамоаси билан танишади, ўз устида мустақил ишлашни ўрганади, жамоанинг илмий ва кундалик ҳаётида кириб бориш орқали талабага хос белгиларни шакллантириб боради.

Кейинчалик талабанинг биринчи таассуротларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда улар битириб чиқадиган бакалаврият йўналиши ва ўқув жараёнини ташкил этиш билан танишиш ката аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам 5610100 – Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) бакалаврият йўналишларида таълим олаётган талабаларнинг ўқув режаси бўйича уларга 1-курсда “Мутахассисликка кириш” фанини ўқитиш кўзда тутилган.

Фаннинг мақсади – “Мутахассисликка кириш” фанининг асосий мақсади талабаларнинг олий ўқув юрти ҳаётига тезроқ мослашишига ёрдам бериш, ўқув жараёнида уларнинг ўзлаштиришини яхшилаш ва у асосда талабалар сафидан чиқариш кўрсаткичларнинг кескин камайишини таъминлашдан иборатдир.

Фаннинг асосий вазифалари – талабаларга ўз мутахассислиги бўйича бошланғич маълумотлар бериш, талабаларга институт ички тартиб-қоидаларини ўргатиш, танлаган мутахассислиги бўйича келгусидаги фаолияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш, олий ўқув юртларида талабаларнинг

ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумотлар бериш, ахбороти воситалари бўйича умумий билимларни беришдан иборатдир.

Фан бўйича талабаларнинг билим малака ва кўникмаларига қуйидаги талаблар қўйилади. Талаба:

- “Мутахассисликка кириш” фанига тегишли бўлган “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, мутахассисликнинг тавсифи, мутахассисликка қўйиладиган талаблар, Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) мутахассислигининг ҳозирги замон талаблари, мутахассисликнинг мазмун моҳиятини **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳақида тушунча, Қонуннинг мақсади ва вазифалари. Таълим соҳасида давлат сиёсати, Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, уни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунинг моҳияти, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифалари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари, Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) йўналиши бакалавриятларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, Олий ўқув юртларида бошқарув структураси, Замоनावий таълимда хорижий тажрибалар, Олий ўқув юртлари талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

2. Маъруза машғулотлари

1-жадвал

Т/р	Мавзулар номи	Соат
1.	Ўзбекистон республикасида таълимга оид меъёрий ҳужжатлар	2
2.	Хизматлар соҳаси таълим йўналиши бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар	2
3.	Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг структураси	2
4.	Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш	2
5.	Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли	2
6.	Инновацион таълим технологиялари	2
7.	Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби	2
8.	Замоनावий таълимда хорижий тажрибалар	2
9.	Ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли	2
Жами		18

Маъруза машғулотлари мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда академик гуруҳлар учун ўтилади.

3. Амалий машғулотлар

2-жадвал

Т/р	Мавзулар номи	Соат
1.	Ўзбекистон Республикасида таълимга оид меъёрий ҳужжатлар	2
2.	Хизматлар соҳаси таълим йўналиши бакалавриятларининг мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар	2
3.	Олий ўқув юртларида бошқарув ва уларнинг структураси	2
4.	Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш	2
5.	Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли	2
6.	Инновацион таълим технологиялари	2
7.	Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби	2
8.	Замонавий таълимда хорижий тажрибалар	2
9.	Ахборот ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли	2
Жами		18

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академик гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади, “Кейс-стади” технологияси ишлатилади, кейслар мазмуни ўқитувчи томонидан белгиланади. Кургазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурулмалари ёрдамида узатилади.

4. Мустақил таълим

4-жадвал

т/р	Мустақил таълим мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
1.	Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни	2
2.	Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади ва вазифалари.	2
3.	Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари.	2
4.	Инновацион таълим технологияларининг талабалар билимини оширишдаги роли	2
5.	Ўқув дарсларининг турлари ва уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги роли.	2
6.	Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби.	2

7.	График организаторлар ва уларнинг турлари	2
8.	Замонавий таълимда хорижий тажрибалар	4
9.	Талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими.	2
10.	Ахборот-ресурс маркази ва уларнинг талабалар билимини оширишдаги роли.	4
11.	Талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш.	4
12.	Талабаларнинг институт жамоатчилиқ, маънавий-ахлоқий ва маърифий ишлардаги иштироки	2
13.	Олий ўқув юртлари талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Талабаларнинг жамоатчилиқ ва маънавий-маърифий ишлардаги иштироки	4
	Жами:	34

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрланади ва уни тақдимоти ташкил қилинади.

6. Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш меъзонлари

Баҳолаш усуллари	<i>Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар.</i>
Баҳолаш мезонлари	<p>86-100 балл «аъло»</p> <ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; - фанга оид кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш; - ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; - меҳнат муносабатларига оид таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; - ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; - таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва ҳолисона баҳо бериш; - ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; - ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. <p>71-85 балл «яхши»</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; - таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; - ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;

	<p>- ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;</p> <p>- ўрганилаётган жараёнларни жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.</p> <p>55-70 балл «қониқарли»</p> <p>- ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;</p> <p>- ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;</p> <p>- ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш.</p> <p>0-54 балл «қониқарсиз»</p> <p>- ўтилган фаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик;</p> <p>- иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича тасаввурга эга эмаслик;</p> <p>- ўрганилаётган жараёнларга иқтисодий усулларни қўлай олмаслик.</p>		
	Рейтинг баҳолаш турлари	Макс. балл	Ўтказиш вақти
	Жорий назорат:	35	
	Маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	6	Семестр давомида
	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	9	
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарганлиги учун	20	
	Оралиқ назорат	35	
	Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси билан биргаликда қабул қилинади).	15	9-ҳафта
